



# ГУЛИСТОН

6  
1988





Х. САНОЕВ. В. И. ЛЕНИН ВА Н. К. КРУПСКАЯ БОЛАЛАР ДАВРАСИДА.

Х. САНОЕВ. «СЕН ЕТИМ ЭМАССАН!»







# ШИЖОАТ

**Р**айон партия комитети пленуми давом этарди. Кенг зал лиқ тўла одам. Президиумда ҳам, пастда ҳам микрофонлар ўрнатилган. Райком бюросининг қайта қуришга раҳбарлик соҳасидаги ҳисоботи тингланаяпти. Ошкора мулоқотга тўла имкон яратилган, дилдаги гапларни тўкиб солиш мумкин. Бюро аъзолари бирин-кетин ҳисоб беришаётир. Коммунистлар ўзларини қизиқтираётган масалалар бўйича ҳар хил саволлар ёғдиришмоқда. Обком вакили ҳам бунга ўз муносабатини билдираяпти. Саволлар ўта муҳим, ҳаётий. Уларга кимдир бурро, кимдир қийналиб жавоб қайтарарди. Жавоблар гоҳ қаноатланарли, гоҳ мужмал.

«Ҳали замон менга ҳам навбат келади. Иккита «ёғлигина» савол билан ўтиргизиб қўйишса-я. — Хавотирлана бошлади президиумнинг бир чеккасида ўтирган Боймурод ака қўлидаги қоғозларни тез-тез титқилаб гоҳ залга, гоҳ минбардаги кишига безов-

таланиб қараркан. — Мана бу қоғозларда-ку бригадамиз, колхозимизда қилинган ишлар баҳоли қудрат ёритилган. Пахта плани бажарилди. Бу ёқдан кўнгиш тўқ. Лекин бюро аъзоси сифатидаги фаолиятим...»

Хаёл билан бўлиб, зал ўртасидаги микрофондан сўз бошлаган кишини тезда пайқамасди. «Алибоева-ку!.. Кекса коммунистнинг дардлари кўп. Ҳаётнинг паст-баландини яхши билади...»

— Уртоқлар, кўпдан бери мени бир нарса қийнаб келаяпти, — деди кекса коммунист дастлаб залга, сўнгра президиумга қараб. — Бизда ишдан кўра гап илгарилар кетмадимикан? Қайта қуриш, қайта қуриш, деб беҳад кўп гапираяпмиз. Қайта қуриш — баландпарвоз сўзлардан амалий ишга ўтиш, моддий-маънавий турғунликдан қутилиш эмасми? Бизда қандай бўлаяпти? Ҳозир ҳам, қараб турсак, нотиқлар фалон тонна гўшт, фалон тонна сут, фалон тонна мева-сабзавот топширдик ёки топширамиз, деб бонг ураяпти. Лекин магазин, дўконларга кирсангиз, ҳаммаёқ деярли қуп-қуруқ. Чорвачилик, сабзавотчилик маҳсулотлари жуда кам. Бозорда эса бу нарсаларнинг нархи баланд. Ҳатто Вухоро бозорларини қўшни область ва республикалардан келган корчалон олиб-сотарлар эгаллаган.

Залда жонланиш, ўзаро пичирлаш бошланди. Обком вакили ручка билан столни тақиллатиб, одамларни тинчлантирди, Алибоевага юзланиб:

— Жуда тўғри фикр. Давом этинг. Бу гап ана шу ерда ўтирган коммунистларнинг ҳаммасига тўла тааллуқли, — деди.

— Шунинг учун ҳам куйиниб айтаяпманда! — деди Амина опа. — Бу коммунистларнинг тўқсон тўққиз фоизи қишлоқ хўжалигида ишлаяпти, уни бошқараяпти. Районимизнинг асосий ядроси шу ерда. Хўш, маҳсулотларнинг камайганига, бозорда нархнинг қимматлашганига, ҳатто район пахта тайёрлаш планининг бажарилмаётганига ким айбдор?! Шу ерда ўтирган коммунистлар, албатта! Минбарга чиқиб, такрор-такрор қайта қуриш деган билан маҳсулот кўпаймаслигини, таъминот яхшиланмаслигини, наҳот, тушунмасак? Бундан ўн беш-йигирма йил илгариги ҳаётимизни бир лаҳзагина бўлса-да, эсланглар. Магазинларда, дўконларда арзон гўшт, колбаса, сариёғ, сут маҳсулотлари ошиб-тошиб ётарди. Мевачева сероб эди. Колхозчилар пахтачиликдан яхши даромад оларди. Айниқса, йил охирида қўшимча 5—10 минг сўм оладиган колхозчи оилалари бор эди. Ҳозир-чи? Техника, сув, ўғит билан тўла таъминланган чоғда нега бу соҳада орқага қараб кетаяпмиз? Биз бугун ва ҳар куни ана шу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўришимиз керак!..

Боймурод аканинг хаёллари алғов-далғов бўлди. Бюро аъзоси сифатида унга айнан деҳқончилик маданиятини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш вазифаси топширилган эди. Бу ҳаққоний танқиддан сўнг нима ҳам дея оларди. Тўғри, ўзи бошқарётган бригадада ёки колхозда

пахта ҳосилдорлиги ошиб бораёпти. Бригада бўйича 1986 йилда 100 гектар ердан 331 тонна пахта олинди. Ўтган юбилей йилида эса 120 гектардан 524,5 тонна! Бир йилда ҳосилдорлик гектар бошига 10,6 центнер ошди. Бу ҳазилакам иш эмас. Колхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 122 фоиз қилиб уддалади. Биргина пахтачиликнинг ўзидан 4 миллион сўм даромад қилинди. Бу 1986 йилдагига нисбатан 1 миллион 20 минг сўм кўпдир.

Бироқ битта-иккита бригаданинг ёки колхознинг яхши кўрсаткичи район ва область миқёсида денгиздан томчидай гап. Ақалли райондаги бригадаларнинг тўртдан уч қисми планни бажарганда ҳам қолақлар сафига тушиб қолмаслик мумкин эди. Афсуски, бу қусур фақатгина пахтачиликда эмас, балки деҳқончиликнинг бошқа соҳалари ва чорвачиликка ҳам дахлдирди. Пировард натижада план бажарилмай, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаяпти. Бозорда маҳсулотлар нархнинг баландлиги ана шундан эмасми?

Боймурод Рамазоновнинг ҳисоб бериш навбати келаяпти. Қандай гап билан бу эътирозга жавоб бериш мумкин. Гап билан ўзини оқлади ҳам дейлик, лекин бунинг нима фойдаси бор? Далада ўз ихтиёри билан белгиланган режаларни секин-аста амалга ошириш бошқа экан-у, бу ерда — одамлар олдида гапириш бошқа экан. Ҳаяжон қуршаб оларкан. Айниқса, илгари вақтлардаги бюро аъзолари ҳисоб бериб ўтиришмасди. Ўттиз йилдирки, у бригадир бўлиб ишлайди. Райкомнинг жуда кўп пленумларида қатнашган. Лекин бугунгидай ҳаяжонланмаганди...

Тўғри, ҳаяжонли лаҳзалар унинг ҳаётида жуда кўп рўй берган. Ҳаммаси кечгадй кўз ўнгида. Йигирма олти ёшда эди. Ўртаборт қишлоғи пахтакорлари уни ўзларига саркор этиб сайлашди. Отаси Исқандар ака ўшанда кечки овқатдан сўнг бундай деди:

— Ўғлим, ҳали ёшсан. Бир гапни асло эсдан чиқарма. Одамлар кишига бир марта ишонч билдиради. Уни оқламанг, қайта ўзингни ўнглаб олишинг қийин бўлади. Биринчи кунлардан одамлар кўнглига йўл топишни, улар билан ҳамкор, ҳамнафас бўлишни, маъмурчилик, тўқчиликка эришиш йўлларини ўйла. Бунинг йўли битта — тадбиркорлик, ғамхўрлик ва меҳнат. Сенинг асл инсонга хос обрў-эътиборга лойиқ бўлишининг тўғри йўли ана шу.

Вақт — оқар сув. Ўртабортлик кекса деҳқоннинг ота сифатида бу гапларни унга айтганига ҳам чорак асрдан ошиб кетди. Ота ўғити — олтидан қиммат. Эл ишончи, ота ўғити Воймурод аканинг кўнглини гоҳ фахр-ғурур туйғуларига тўлдирса, гоҳ ҳадик, ҳаяжондан титратиб турарди. Дастлабки йилда: «Мабодо ишда ўзгариш бўлмаса, ҳосилдорлик ошмаса, эл ишончи оқланмаса, нима деган одам бўламан», деган ғулгула унга тинчлик бермади.

(Давоми 11-бетда)

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадний журнали

№ 6 (460)  
Июнь  
1988

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг нашриёти



— Ун тўрт йилдан буён яйлов кезаман, — дейди биз билан суҳбатда Деҳқонобод район, «СССР 50 йиллиги» совхози бош чўпони Бобохон Менглиев. — Утган йиллар мобайнида олиб бораётган ошкоралик сиёсати шарофати билан ҳақиқат юзага чиқди. Инқилобий ўзгариш кўп йиллар давомида илдириб, турмушимиз тараққиётини тўхтатиб қўйган салбий кўринишларга шафқатсиз зарба берди. Қўшиб ёзиш, сохта шуҳрат изидан қувиш каби ҳоллар чўпонлар ҳаётини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Яхшиямки, ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик, қонуларни менсимаслик каби ярамас иллатларнинг тағтомирига ҳақиқат болтаси урилди. Айрим «машғал» чўпонларимиз ўша йиллари ихтиёрларидаги қоракўл совлиқларнинг ҳар 100 бошидан 200—300 тадан тўл етиштирдилар. СЖКдан фойдаланиш уларнинг тегиригига сув қўйди. Бу билан биз ўзимизни алдадик. Хайриятки, СЖК бекор қилинди, қайта қуриш ўз таъсирини кўрсатмоқда. Қўзиларимиз ҳам соғлом, қоракўл териси катта, маҳсулоти эса сифатли бўлаётир. Ҳали ҳам орамизда оғизда қайта қуриш тарафдорию амалда бирор нарсалик бўлиб қолсам, дегувчилар йўқ эмас. Уларга жамиятимизда ўрин бўлмаслиги керак. Ҳар бир киши ҳалол ва виждонан ишласагина, республикамиз иқтисодининг қайта юксалишига салмоқли улуш қўшган бўлади. Тўғри, СЖКдан фойдаланилган йилларда 100 бош ҳисобига 170 тагача қўзи олдик. Лекин териларининг сифати пасайиб кетди. Кейинги йилларда ҳар совлиқдан битта қўзи олинаётганига қарамай, қўзиларнинг семиз ва соғлом, қоракўл териларининг катталигига эришмоқдамиз. Бу борада ҳали кўп ишлар қилиниши керак.

## ЧЎПОН

— Бунинг учун биз, — дейди сўзида давом этиб Бобохон Менглиев, — 510 бош қўй-қўзини Шахшар, Темирсандиқ, Шўрдарё каби тоғ-яйловларида зооветеринария талабларига риоя қилган ҳолда туёқлар сонини сақлаб келаяпмиз. Утаримизда шу йилги тўл мавсуми ҳам муваффақиятли якунланди. Бепоён яйловлар бизнинг энг сеvimли масканимиз. Лекин чорвадорларимиз олдида кўндаланг бўлиб турган яйловлар муаммоси бизни ҳам ташвишлантираётти. Ҳар йили сўлим ва хушҳаво масканларда парваришланган қўй-қўзилар дуркун ва соғлом ўсади. Чўпонлик унга ота мерос. Отаси Маматмурод Менглиев ўғлининг ҳар бир ҳаракатига кўзу қош. Бобохон 1974 йили Алишер Навоий номли мактабни тугатгач, ёрдамчилик қилди. У меҳнатсеварлиги туфайли эл олқишига сазовор бўлди. Зиммасидаги масъулиятни ҳалол адо этишга ҳаракат қилди. Чорвачилик ишига бўлган жонкуярлигини кўрган юртдошлари уни Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат этиб сайладилар. Намунали хизматлари эвазига «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди. ВЛКСМ XIX съезди делегати, Бутуниттифоқ комсомол мукофоти лауреати, Москва шаҳрида ўтказилган Жаҳон ёшлари фестивалида иштирок этди. У айна пайта ўз қарамоғидаги ўтарларда қўй-қўзиларнинг тўкис ўсишини таъминлашга масъуллик қилмоқда.

Норқобил АЛИҚУЛОВ

Деҳқонобод



Суратда: республикамиз вакиллари — (чапда) Қамашаи район, Калинин номидаги колхоз пахтачилик бригадаси бошлиғи Раҳим Чориев ва Китоб район, Куйбишев номидаги колхоз правлениеси раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жамолиддин Раҳмонов ҳам колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съездида иштирок этдилар.

А. ОДНОКОЛКИН фотоси



Гузур районидаги «Пачкамар» совхози илғор чўпони, коммунист Бегимқул Қаҳҳоров тўл мавсумини хўжаликда биринчилардан бўлиб якунлади.



# ДАЪВАТ

**Д**иректор Алижон Ғаффоров билим юртининг Кўчма Қизил Байроқ билан тақдирланганини Наманган шаҳрига келганда, аниқроғи, Хунар-техника область бошқармасига кирганида эшитди. У ердаги мутасадди ўртоқлар директорни юксак мукофот билан табрикладилар, айни вақтда улар мукофот замирида катта масъулият ётишлигини унга уқтиришди: «Энди ишни ҳеч ҳам бўшаштирмасликларингиз керак. Ғолиблар доим олдинги сафда бўлишлари лозим...»

Бу хушxabардан қувониб ҳаяжонланган Ғаффоров бошқармадагилар билан хайрлашишга, иш жойига тезроқ бориб, билим юртидаги елкадош хизматдошларини ҳам севинтиришга ошиқди. У йўлда келаркан бундан тўққиз йил илгари мана шу билим юртига ишга юборилганини, дастлабки иш давридаги қийинчиликлар — ҳаммаси бирма-бир хаёлидан ўтарди: 1979 йил, чамаси февраль ойлари эди. Наманган район партия комитетининг биринчи секретари Ҳабибулла Охунов (эндиликда марҳум) уни ҳузурига чақиртириб: «13-хунар-техника билим юртида ишлар унча йўлга тушиб кетмаяпти. Ўша ерга сизни директорликка тавсия этаяпмиз. Энди бир ғайрат қилиб ишлаб, ташкилотчилигингизни кўрсатасиз-да», деди.

Ушанда Алижон: «Олий маълумотли бўлсам-да, техник малакам йўқ-ку? Буёғи қандай бўларкин?...» дея истиҳола билан жавоб қилди секретарга.

— Энг муҳими, у ерга ташкилотчирок, педагогик коллективни уюштираоладиган, уни ўз орқасидан эргаштирадиган муамалали бир кадр керак бўлаяпти-да. Бошқа раҳбар ўртоқлар билан маслаҳатлашиб, сизнинг номзодингизга келиб тўхтадик... Район партия комитети ва ижроия комитети сизлардан ёрдамни аямайди, — деди секретарь ўз фикрида қатъий туриб.

— Вўпти, ишончларингизни оқлашга ҳаракат қиламан, — дея розилик билдирди у.

У янги лавозимга ўтганда, билим юртида бешта эски бузуқ трактор, шалоғи чиққан битта автомашина бор эди, холос. Ҳаммасидан план бўйича белгиланган қабул сонини тўлдириш қийин эди. Директордан тортиб ўқитувчиларга — ҳаммаси гуруҳ-гуруҳга бўлиниб, колхозларга чиқиб кетардилар. Улар бригадама-бригада юриб, хонадонма-хонадон киришиб, билим юртига бола йиғиш билан овора эдилар. Не-не ташвишлар билан хўжаликлардан йиғиб келинган йигитчалар ўн-ўн беш кун ўқиб-ўқимай, ўз уйларига кетиб қолишарди. Ўша ёшларни билим юртида «ушлаб қолиш» учун тегишли шарт-шароит, техникавий база йўқ эди-да... Бугун эса билим юртига киришни истовчилар кўп. Мана, икки-уч йилдан бери қабул конкурс асосида ўтмоқда. Ўша вақтда уларнинг сони атиги 150 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозир 680 нафар ўқувчи таълим олмақда...

Ахир, 13-хунар-техника билим юртида таълим-тарбия ишларини бугунги даражага етказгунча унинг маъмурияти, педагогик коллективи ҳазилакам ишчанлик ва уюшқоқлик кўрсатдим!

Алижон Ғаффоров йўл-йўлакай ташкилий давр қийинчиликлари энди орқада қолганини, билим юрти коллективи бугун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий

Комитетининг Кўчма Қизил Байроғи билан тақдирланганлигини чуқур ҳис этиб, ичидан севинар, билим юртининг умумий хайрли ишига бир ёқадан бош чиқариб, тер тўккан педагог-ўқитувчилар шаънига хаёлан минг қарра таҳсинлар айтар эди.

Ҳа, улар бу қувончли кунга осонликча етишмадилар. Табиатан ишчан, кишилар қалбига йўл топиш қобилиятига эга бўлган Алижон дастлабки иш давридаёқ ишдаги кемтик томонларни тез кўра билди, унинг моҳиятини вақтида англади: билим юртида зарур моддий-техника шароитини яратмасдан, ёшларда ўқишга ва касб ўрганишга иштиёқ қўзғайдиган турли фан ва ихтисосий кабинетларни ташкил этмасдан, ёшлар хуш кўрадиган спорт секциялари ишини яхши йўлга қўймасдан туриб, ўқишга таклиф қилинган ёшларда ҳавас ва қизиқиш уйғотиб бўлмасди. Директор масаланинг бу мантиқий томонини мажлис-йиғилишларда, йўл-йўлакай иш устида ҳам бирма-бир таъкидлаб, ҳар бир ўқитувчига уқтирди, партия ташкилоти, комсомол ва касаба союз комитетлари раҳбарлари билан узвий ҳамкорликда сафарбарликни таъминлашга ҳаракат қилди. Айни вақтда у бошқа имкониятлардан ҳам фойдаланиш пайида бўлди. Район партия комитети ва область Хунар-техника бошқармаси раҳбарларига ёрдам ва мадад сўраб, тинчлик бермади. Иккинчи томондан эса, Оржоникидзе номли колхоз раиси Ҳасанбой Соиббоев сингари қишлоқ хўжалигида механизатор кадрларнинг ролини чуқур ҳис этадиган хўжалик раҳбарларининг кўмагига суяниб иш тутди. Шунингдек, билим юрти маъмурияти ва жамоат ташкилотлари ишчан ва ихтисосли ўқитувчи-педагогларни ишга тортишдек масъулиятли ишга ҳам жиддий эътибор бердилар. Уларнинг ҳаракати туфайли олий техника мактабларини таъмомлаган ва муайян ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган, нисбатан ёш анчагина кадрлар билим юртига ишга келдилар. Бутуниттифоқ рационализаторларининг VII съезди делегати, инженер-рационализатор Рустам Аҳмаджонов, инженер-рационализатор Шермирзо Иброҳимов, техник-педагог Раҳимжон Мамадалиев, инженер-технолог, 5-разрядли ошпаз Фахриддин Жўраев, тикувчи-технолог Еқут Йўлдошевлар шулар жумласидан.

Билим юртида ёшларга хунар ўргатиш тўрт йўналишда — кенг миқёсли тракторчи-шоферлик, ЭХМ операторлари, тикувчилик ва ошпазлик ихтисослари бўйича намунали йўлга қўйилган. Бу ерда таълим беришнинг намунали системаси жорий этилганини биз синфма-синф, устахонама-устахона юриб, ўз кўзимиз билан кўрдик, ўзининг педагогик касбига сидқидилдан ихлос қўйган иқтидорли ўқитувчилар билан бирма-бир суҳбатлашиб, шунга тўлиқ қаноат ҳосил қилдик. Акс ҳолда ҳаётимизнинг ҳамма қирраларига табиий янгиликлар киритилаётган ҳозирги қайта қуриш шароитида биз журналистлар учун «намунали система», «ибратли таълим», «байроқдор коллектив» деган ибораларни ишлатиш ҳам катта масъулият юклайди. Негаки, бу хил баландпарвоз иборалар турғунлик даврида маҳаллий матбуот саҳифаларида кўп ишлатилгани ва бу гапларнинг эндиликда ўша вақтдаги ҳақиқий воқеликка зид эканлигини билиб, биз журналист ҳамкасблар ҳам ўша йиллардаги иллатларга маълум даражада дахлдор эканлигимиздан хижолатдамиз. Ҳа, қайта қуриш даврининг муҳим қудрати шундаки, у ҳаммамизнинг

зиммамизга, қайси ихтисосга мансуб бўлмайлик, жиддий масъулият юкламақда. Буни биз ўша Наманган районидаги 13-хунар-техника билим юртида бўлганимизда ҳам яққол сездик. Маълумки, илгари бирор корхона ёки муассаса қандайдир давлат мукофоти тавсия этилса бўлди эди. Асли суриштирилмасдан берилаверарди. Мукофот бериш, унвонларни тақсимлаш тартиби ҳам тепада турган маҳаллий раҳбарларнинг «ҳиммату каромати»га боғлиқ эди-да. Бу ҳам ўша турғунлик даврига хос иллатлардан эди.

Билим юртига бизни бошлаб борган Наманган район партия комитетининг агитация ва пропаганда бўлими мудирини Жўра Жалилов суҳбат орасида бир гапни айтиб қолди: билим юрти 1987 йилги ишлаб чиқариш якунларига кўра Бутуниттифоқ Кўчма Қизил Байроғига тавсия этилгандан кейин, орадан бирмунча вақт ўтгач, кўрсаткичларнинг тўғри-нотўғри эканлигини текшириш учун районимизга ВЦСПСдан махсус вакиллар келишди. Улар олдин район партия комитетида бўлишди, кейин эса билим юртига боришди. У ерда ҳисоб-китобга оид тегишли ҳужжатларни бирма-бир кўришди. Шундан кейин тўла ишонч ҳосил қилиб, қайтиб кетдилар. Ахир, турғунлик даврида кўзбўямачилик қилавериб, уларнинг ҳам ишончига путур етказган эдик-да.

Жўра Жалиловнинг бу гапи мазкур сатрларни қоғозга тушираётганимизда шу хусусда баъзи мулоҳазалар юритишга туртки бўлди. Сирасини айтадиган бўлсак, турғунлик даврида хавфли иллат тарзида томир отган порахўрлик, кўзбўямачилик касалликлари ҳануз эгарда оёқ тираб турган, қайта қуриш шароитида ҳам чап бериб қолишга уринаётган баъзи маҳаллий раҳбарларнинг ва тайёрлов идоралари ходимларининг қонига сингиб қолган. Уларнинг бу «огир дард»дан қутилишлари қийин бўлаётир. Қайта қуришга турли хил йўللар билан ҳалақит бераётганлар ҳам аслида ўшалар. Акс ҳолда, «Правда Востока» газетасининг 1988 йил 16 апрель сонидида босилган ва республика прокурори Е. Усатовнинг газета муҳбири билан қилган суҳбатида келтирилган мана бу фактларни қандай изоҳлаш мумкин?... Ўтган йили ҳам тўққизта (Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд областлари территорияларида жойлашган) заводда 428 тонна пахта қўшиб ёзилган... 60 та районда эса 10 минг гектар пахта майдони ҳисобдан яширилган.

Михаил Сергеевич Горбачев республика активи билан бўлган учрашувдаги нутқидида бугун ишга, зиммадаги бурчга лоқайдлик билан қараш кайфиятини «хроник (сурункали) касаллик», деб уқтирган экан, бу бизни, қайси соҳада меҳнат қилмайлик, ҳар қадамда хушёр тортишга, кўзни каттароқ очиб, атрофга синчковлик билан қарашга даъват этади.

Биз мана шу ўй-фикрлар билан билим юрти коллективининг ишига зимдан чуқур разм солдик.

Мана, тракторлар тузилиши кабинетини. Комитет ишини инженер-педагог Раҳимжон Мамадалиев бошқармоқда. Кенг хона ўртасига «МТЗ-97» маркали трактор ўрнатилган. Унинг генератор ва ўт олдирадиган қисмлари ҳам алоҳида-алоҳида қўйилган. Синф деворларидаги ойнавандли стендларга эса худди шу тракторга хос майда деталлар тартиб билан жойланган. Сиртдан қараганда, бу деталлар заводдан қўшимча



равишда сотиб олингандек туюлади. Биз бошда худди шундай деб ҳам ўйладик. Чунки булар кўринишда заводда ишланган қисмлардан мутлақо фарқ қилмасди.

— Йўқ, стендлардаги деталларни заводдан сотиб олган эмасмиз,— деб изоҳ берди ўқитувчи Раҳимжон Мамадалиев.— Буларни ўқувчиларнинг кучи билан ўзимиз ясаганмиз. Ҳар бир талабада яққол тасаввур ҳосил қиладиган кўргазмаларни қуролларни ҳар бир фан кабинети ўз кучлари билан тайёрлайдилар.— У шундай деди-да, досканинг ўнг томонида деворга ўрнатилган электр тугмачалардан бирини босди. Шу заҳоти хона ўртасидаги ҳалиги трактор ҳаракатга келди.

Инженер-педагог Шермирзо Иброҳимов мудирлик қилаётган автомобиль тузилиши кабинетида ҳам иш худди шундай тартибли ва орасталик билан ташкил этилган. Бу ерда фарқи шундаки, автомашинанинг электр-ускуналари ва озиқланиш системалари ажратиб олиниб, тегишли стендларга кўринарли қилиб терилган.

Физик-оператор Зокиржон Мусаев бошқараётган электрон-ҳисоблаш кабинетида 13 та ҳисоблаш машинаси хона ўртасига узунасига ўрнатилган. Қаторнинг ҳар икки томонида иш ўринлари мавжуд. Ўқувчилар машғулотлар давомида квадрат тенгламани ечиш каби масалаларни бемалол ҳисоблаш машинасида еча оладилар. Лекин Зокиржон йўл-йўлакай ЭХМ учун тегишли ўқув программалари йўқлигини, бундай программалар ҳали такомиллаштирилмаганлигини айтиб қолди. У таълимни ислоҳ қилиш жараёнида ана шундай эҳтиёжлар ҳисобга олинса, айти мурддо бўларди, деган истакни билдирди.

Техника устаси, шоферлик-тракторчилик касбининг етук мутахассиси Умарали Ҳошимов етакчилик қилаётган автомашина тренажерлари кабинетида ҳам машғулотлар жуда қизиқарли ташкил этилган. Залга ўхшаш кенг хонага тегишли масофалар қолдирилиб, бешта тренажер ўрнатилган. Улар рўпарасидаги доскага эса тегишли схемалар, қандайдир шартли белгилар чизилган. Дарс вақтида машқ қилаётган ўқувчи ўша схема ва белгиларга қараб иш тутати. Улар автомашина бошқарув системасининг ҳаракатини ана шу тренажерларда синаб кўрадилар. Юқорида эслатганимиздек, мазкур кабинетга уюшган техник-инструкторлар ўқувчиларга автодромда ҳар хил йўл шароитларида автомашинани бошқариш, уни буриб олиш, ер ости йўлларида ўтиш сингари ҳаракат қоидаларини ўргатадилар. Ҳозир билим юртида таълим олаётган ўқувчилардан 300 нафари тракторчилик билан бир қаторда шоферлик касбини ҳам шу тарзда пухта эгалламоқдалар. Улар билим юртини тамомлаётганда давлат автоинспекцияси комиссиясига имтиҳонлар топшириб, шоферлик гувоҳномаларини ҳам оладилар.

Билим юрти маъмурияти ва унинг жамоатчилик ташкилотлари маҳаллий қизлардан кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам ўз вақтида эътибор билан қарадилар. Шу мақсадда билим юртида ошпазлик ва тикувчилик бўлимлари ташкил этилди. Айти вақтда технолог-инженер Роҳатой Турдиева раҳбарлигида 90 нафар қиз ошпазлик касбини, тикувчи-технолог Ёқутхон Йўлдошева етакчилигида эса 60 нафар қиз тикувчилик касбини эгалламоқдалар. Билим юрти маъмурияти, қолаверса, маҳаллий партия ва Совет ташкилотларининг эътибори туфайли қизларнинг мазкур касбларни обдон эгаллашлари учун моддий базавий шароитлар яратилди. Ошпазлик бўлимида амалий машғулотлар бевосита билим юрти қошидаги ошхонада ўтказилади. Бу ерда қизлар масаллик тайёрлаш, ёғ доғлаш, таомлар турига қараб масалликларнинг метёрини белгилаш, овқат тайёрлаш, дастурхон безатиш ва ниҳоят, хўрандалар билан муомала қилиш санъатини ўргатадилар.

Тикувчилик бўлимидагилар учун эса шариит янада қулайроқ. Қизлар ётоқхонаси-

нинг иккинчи қаватида область тикувчилик бирлашмасининг махсус цехи ташкил этилган. Бирлашма буюртма беради, билим юртининг ўқувчи-тикувчилари уни бажарадилар. Мана, икки йилдири, улар болалар боғчалари учун кийим-бош тегиб беришмоқда.

Талабаларнинг соғлом бўлиб, жисмоний жиҳатдан чинқишлари учун ҳам билим юртида тегишли шароитлар яратилган. Мавжуд тўққизта спорт секцияси мунтазам ишлаб турибди. Волейбол, баскетбол, футбол, миллий кураш, енгил атлетика, гимнастика, шахмат-шашка, стол тенниси, тирда отишни ўрганиш тўғрақларида машғулотлар тўғри ташкил этилган. Бу ерда спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар ўтказиш доимий анъанага айланган. Спорт кабинетларини безаб турган соврин-совғалар билим юрти спортчиларининг район ва область мусобақаларида фаол қатнашиб келаётганидан далолат беради.

Энди қисқача ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси хусусида. Баъзи ўқув юртларида ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси хусусида гап кетса, дарров қандайдир ҳарбий формадаги кишиларнинг суратлари туширилган плакатлар ва ҳарбий техникалар тасвири туширилган стендларни «кўз-кўз» қилишдан нарига ўтолмайдилар. Бу билим даргоҳида эса ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси янги мазмун ва ғоялар билан тўлдирилган. Яилмадик, бу ҳарбий машғулотлар раҳбари, ўз касбига сидқидилдан ихлос қўйган, ёш педагог Равшанбек Бурҳониддиновнинг хизматими ёки тарбиянинг бу муҳим таркибий қисмига ҳамма баравар эътибор бериши самарасими, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ҳам билим юртида бугунги талаб даражасида эканлигидан қаноат ҳосил қилдик. Ўқув юртининг шу соҳасидаги ишлар бўйича билим юртлариаро Бутуниттифоқ мусобақасида голиб чиққани учун 1986 йилда КПСС Марказий Комитети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма Вимпели билан тақдирланиши ҳам бежиз эмас.

Ҳали айтганимиздек, бу ерда ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси мазмун-моҳияти билан ҳам бугунги кун руҳи билан ҳам оҳанг. «Интернационалистик бурчига содиқ ҳамюртларимиз», «Қаҳрамон авлодларимиз билан фахрланамиз!», «Улуғ Ватан урушининг ёш қаҳрамонлари» деган мавзуларда ташкил этилган қизил бурчакларни шонли авлодларимизнинг рамзий солномалари, десак бўлади. Зарҳал ҳарфлар билан чиройли қилиб безатилган лавҳада эса Улуғ Ватан урушида кўрсатган мислсиз жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган ва урушдан омон қайтган наманганлик беш ўзбек ўғлонининг жанговар фаолияти ўз ифодасини топган. Яна ибратли томони шундаки, мазкур қизил бурчакларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг ўз қўллари билан жиҳозланган, уларнинг изланишлари ҳисобига бу хайрли ишлар амалга ошган.

Биз фан ва техника кабинетлари, баъзи устахоналар билан танишиб бўлгач, билим юрти директори Алижон Ғаффоров билан моддий-техник шароитлар, қайта қуриш талаблари билан тўғилаётган эҳтиёжлар ва ечимини кутаётган муаммолар хусусида суҳбатлашдик.

— Таълим-тарбия соҳасида қўлга киритилган ютуқларимизнинг калити — бу педагогик коллективимизнинг аҳилиги ва ишчанлиги, уларнинг бир ёқадан бош чиқариб, уюшиб ишлаётганлигида, — дея манауният билан гап бошлади директор. — Ҳар бир ўқитувчи ўз ихтиёри ва хоҳиши билан дарсдан кейин икки соат қолиб ўқувчилар билан, зарурий эҳтиёжларимиз билан шуғулланадилар. Ҳақиқий жонкуярлик, ватанпарварлик, ўз касбига сидқидилдан иштиёқ қўйиш шу бўлса керак. Тагин, ўқитувчи-педагогларимизнинг ҳаммаси бир-икки ва ҳатто баъзилари уч касбни эгаллаган қўли узун кишилар. Кейинги йиллар-

да уларнинг кучи билан, кўплашиб, 132 минг сўмлик қурилиш ишларини бажардик. Ўқитувчилар учун олтиш ўринли ошхона ҳамда буфет, сартарошхона, пойафзал ремонт устахонаси, 100 ўринли лаборатория хоналари, отиш тири, трактор ва автомашина гаражлари, спорт иншоотлари ҳаммаси ўзимизнинг кучимиз, аниқроғи, ўзимизнинг қўлимиз билан қурилган. Мана ҳозир ҳам Охунбобоев номли колхоз территориясидаги ўқув хўжалигимиз қошида ҳайдов тракторлари учун ўн ўринли гараж қураёмиз. Наманган район партия комитети ва ижроия комитети қурилиш материаллари масаласида муттасил ёрдам берапти.

— Мана ҳозир ҳаётимизнинг ҳамма жаҳасида қайта қуриш, янгиланиш жараёни кетаяпти. Шу нуқтани назардан қараганда сизларда қандай муаммолар бор? — деган савол билан директорнинг эътиборини ечимини кутаётган долзарб масалаларга тортишга ҳаракат қилдик.

— Гарчи, колхоз ва совхозларда малакали механизаторларга, маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш муассасаларида эса турли касб эгаларига эҳтиёж катта бўлса-да, — деди Алижон вазмин мулоҳаза юритиб, — билим юртимизни тамомлаган ихтисосли ёш кадрларнинг бир қисми ҳар йили ишга жойлашолмай овра бўлади. Умуман, ёш мутахассисларни жойларда ишга қабул қилиш, улар учун тегишли шароитлар яратиш масаласи бир системага тушмаган. Яна бир масала. Ўқув хўжалигимизга тегишли 15 гектарли ерга нима экиш, нима экмаслик ўз ихтиёримизда эмаслиги. Монокультурачиликка зўр беришнинг асоратидан ҳалиям қутилиш қийин бўлаётди. Ўтган йили ҳам район планлаштириш идораси мана шу майдонда 40 тонна пахта етиштиришни зиммамизга юклади. Ахир, ўша ернинг бир қисмини мевали боғ қилсак, қолган қисмида эса билим юрти коллективининг истеъмоли учун сабзавот ва резавор маҳсулотлар етиштирсак, айти мурддо бўларди-ку! Яна бир гап. Ҳунар-техника билим юртларига қабул плани ҳам тегишли идораларда турлича белгиланади.

Билим юртидан қайтарканмиз, ундаги ибратли ишларни, ёшларга ихтисосий таълим бериш савиясини олий техника мактабларида машғулотларни ўтиш усуллари билан хаёлан муқояса қиламиз. 13-ҳунар техника билим юртини тамомлаётган йигитлар бир эмас, икки касбини — тракторчилик ва шоферлик касбини эгаллаб чиқаяптилар. Билим юрти 1974 йилда ташкил этилгандан буён колхозлар ва совхозлар учун олти мингдан ортиқ ихтисосли кадрлар етиштириб берибди. Улар орасида Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхоз механизатори, Паша Ангелина номли мукофот лауреати Мўътабар Жабборов, «III даражали Шухрат» ордени нишондори, Наманган районидаги «Ленинград» колхозининг механизатори Шарафжон Жўраев, Турсуной Охунова номли мукофот лауреати, «Қизил Байроқ» колхозининг механизатори Маъмура Шокирова каби ишлаб чиқариш илгорлари бор. Шу йил апрель ойида Москва шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ рационализаторларининг VII съезида эса билим юртининг ихтирочи ўқитувчиси Рустам Аҳмаджонов делегат бўлиб қатнашган экан, бу мазкур коллектив учун шараф, албатта. Олий техника мактабларида студентларни ҳадеб аудиторияларга қамаб, уларга узундан-узқ маърузалар ўқиш ўрнига, ёшларни техника парклари ва устахоналар бағрига кўпроқ олиб чиқиб, уларга зарур ихтисослар ўргатилса, мақсадга мувофиқ бўлмасмиди? Бугунги қайта қуриш талаби, қолаверса, ёшларга таълим бериш масъулияти мана шуни тақозо этмоқда.

Шомурод СИДДИҚОВ

Наманган — Тошкент



# 1 Июнь — Болаларни- химоя қилиш Халқаро куни



Жўра РАҲИМ

Кавсар ТУРДИЕВА

## ЮРАККА ШИФО ОҚАР

Нарзан суви — тоғ суви  
Отилар тош қаъридан,  
Пишгандир у етилиб,  
Она-ернинг бағрида.

Нарзан суви — тоғ суви  
Шиша сингари тиниқ,  
Меҳр қўйиб боқсангиз,  
Кўзингиз кетар тиниб.

Нарзан суви — тоғ суви  
Баданингизга ёқар,  
Ичангиз тўйиб-тўйиб,  
Юракка шифо оқар.

Нарзан суви — тоғ суви  
Табиатнинг эркаси,  
Ваннасин олинг суюб,  
Гоҳ кундуз, гоҳ кечаси.

Нарзан суви — тоғ суви  
Минг битта дардга даво.  
Нафлангиз сувин ичиб,  
Роҳат берар доимо.

Нарзан суви — тоғ суви  
Тинмай қилар ҳаракат.  
Уни хизмат қилдириб  
Қўйганга минг-минг раҳмат.

## ОЛМАХОН ПИСТА ЧАҚАР

Олмаҳонни китобларда  
Кўриб турардим,  
Ҳаётда ҳам учратсам деб  
Хаёл сурардим.

Курорт парки — дарахтзорда  
Учратдим бир кун.  
Шохдан-шоҳга ўтар эди,  
Илашмас кўзим.

Акация дарахтига  
Бордим сўнг яқин.  
Менга қараб туриб қолди  
Ҳайиқмай лекин.

Чўнтагимдан писта олиб  
Оғзига тутдим.  
(Енимдаги шерикларим  
Шуни ўргатди).

Икки қўлга олиб чақди  
Зумда пистани.  
Тез бер дея гўёки у  
Яна қистади.

Тирмашганча тик арчага  
Орқа оёғи,  
Боши билан турар эди  
У пастга оғиб.

Лип этиб у қўл, елкамга  
Сакради, ўтди.  
Ҳаял ўтмай бошқа шоҳда  
У макон тутди.

Табиатнинг жонивори,  
Гўзал олмахон,  
Бу масканда эркин яйраб,  
Юрабер ҳар он.

Кимки, агар писта тутса  
Тинмай чақабер.  
Саховатим деб қувонар  
Сени она ер.

Чортоқ

Тўлан НИЗОМ

## ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ

Арчани безантириб,  
Келиндай ясангириб,  
Ўртага олдик, қаранг;  
Рухимиз тоза, таранг.  
Қорқиз қаҳ-қаҳлаб кулди,  
Қорбобо кириб келди,  
Ҳар сўзига бериб зеб —

— Янги йилдан Сизга, деб,  
Совғалар тақдим этди,  
Барча қувониб кетди.  
Бирдан бошланди ўйин.

Гўё даврада қуюн —  
Болалар шўх айланди,  
Зўр базмга шайланди.  
Бой келин арчаҳоннинг —  
Шимоллик ул меҳмоннинг  
Бир шоҳида айиқча,  
Бир шоҳида қайиқча.

Балиқча ялтирайди,  
Ниначи қалтирайди.  
Питирлар ҳар хил қушлар,  
Патлари — зар, кумушлар.

Бўй чўзар бобоқ хўроз,  
Олмаҳон қилар пардоз.  
Бўри турар бўзариб,  
Тўнғиз эса гезариб.  
Шер ўлтирар шод, мамнун,  
Ақл ўргатар маймун.

Арчанинг тепасида,  
Айлана-теграсида  
Кўринади гўё боғ:  
Олмалар мисли чароғ,  
Нок солланар тушай, деб,

Беҳи роса пишай, деб,  
Узум, анор, шафтоли  
Тилни ёргудек боли.  
Ундан пастда бир полиз:  
Турп, шолғом ҳам сабзи,

Қалампир яна пиёз,  
Қизилча-ку жуда соз.  
Бодринг кўп ҳар қачон,  
Помидорлар мисли қон...

Қирмиз маккажўхори,  
Табиатда не бори —  
Бунда эди мужассам.  
Арча тўни — беқасам.


Устидан хона бўйлаб,  
Ипларга пахта бойлаб —  
Тортилганди киройи.  
Унинг ёрқин чиройи —

Худди қор ёғдирарди,  
Хаёлни оғдирарди:  
Ҳаммаёқ оқ, хона оқ,  
Гўё пахтазор оппоқ —

Кулади хумор-хумор,  
Ўзбекистон — гул диёр.  
Авжга минди шодиёна,  
Юлдуз, Баҳор, Дурдона —

Янградиб ялла айтар,  
Ой каптардек рақс этар.  
Шу он завққа тўлдириб,  
Еру кўкни кулдириб,  
Янги йил кириб қолди!

Даврага тугён солди.  
Унинг билан энди биз —  
Бир йилгача ўйнаймиз!  
Андижон



## Тарозибон

Ойим келтирдилар  
Осма тарози.  
Тарозибонликка  
Мен бўлдим рози.  
Уйда бор нарсани  
Бир-бир ўлчадим,  
Чойнак, пиёла, соат,  
Тешик кулчани.

Челакка солдим,  
Ўлчадим қумни.  
Уни ағдардим,  
Ўлчадим ўрни.  
Қанча келар экан  
Қўшни хўрози?  
Кўтаролармикан  
Мени тарози?

Уни миҳга илиб  
Осилдим ўзим.  
Ишқилдим, полга  
Урилди юзим.  
Эшик очилдию,  
Ойимлар кирди.  
Тарози синганин  
Ойимлар билди.

Бошин чайқаб деди:  
«Эссиз тарози».  
Шунча иш қилсам ҳам,  
Ойим норози.

Саодат ТОЖИ

## ОЛАҲАККА

Олаҳакка  
Кирди боққа.  
Унга отди,  
Нор рогатка.  
Тоши бориб,  
Тегди бошга.  
Ҳакка кўзи,  
Тўлди ёшга.  
У учолмай,  
Тушди ерга.  
Алам қилди,  
Ғанишерга.  
Норга деди:  
— Нима қилдинг?

Бечорага  
Жабр қилдинг.  
Дўстимиз-ку,  
Ахир, қушлар.  
Сайрасалар,  
Дилни хушлар.  
Қушни олиб,  
Авайлашди.  
Уя ясаб  
Сўнг жойлашди.  
Сумлаб патини,  
Тарашдилар.  
Сув, дон бериб,  
Қарашдилар.  
Учиб кетди,  
Олаҳакка.  
Сўнг келмади,  
Қайтиб боққа.

## ОҲУ

Тоғнинг йўлида,  
Йўлнинг бўйида,  
Кўрдим бир оҳу,  
Хуркиб турар у.  
«Оҳужон, хуркма,  
Мендан ҳеч қўркма», —  
Дегандим бироқ.  
У қочди узоқ.  
Одам оласи,  
Ичи қораси,  
Сиртдан билинмас,  
Кўзга илинмас.  
Оҳулар яшаб,  
Кўнглин хушласин.  
Овчи қўлига,  
Дедим, тушмасин.

Қашқадарё

Иўлдош СУЛАЙМОН

## ҲОВЛИЛАРДА ГУЛ САЙЛИ

Янги ўйни боғ этиб,  
Дўстлар кўнглин чоғ этиб,  
Яйрайлик деган ўйда  
Осиму мену Ойдин  
Сени қаздик, ариқчам.  
Бўйинг узун, энинг ихчам,  
Аммо ишларинг катта,  
Гулзор яратдинг ҳатто.  
Қатор-қатор ниҳолча:  
Олма, ўригу, олча  
Бу йилдан кирди гулга.  
Манзил бўлди булбулга  
Қўни-қўшни бари уй.  
Ширингина чалар куй —  
Вилакдай сув ўрмалаб,  
Икки қирғоқинг ялаб —  
Шошилади гулзорга,  
Гулларим ким ўзарга —  
Тонгдан бошлар табассум.  
Ойдину, мену Осим  
Яйраб кетамиз жуда.  
Меҳнат меваси шу-да,  
Ариқчам, сен туфайли  
Ҳовлиларда гул сайли!

## ОЙ НЕГА ХАҲА?

Саволларни тахлар у  
Олис кўкка боқаркан:  
— Оймўманинг ой юзи  
Нега бунча оқарган?  
Сезилмас ҳеч қон изи,  
Борми бунинг боиси?  
Бу саволлар шошириб  
Ўйга ботган ойиси  
Сўз бошлар бир оз туриб:  
— Бу тенгсизлик, аламдан!  
Ойга равшан кўзгудай  
Ер юзин паст-баланди.  
Ҳар кун тунда ой йўқлар,  
Нурини тенг тақсимлар,  
Қуёшнинг ҳам феъли шу,  
Уларга минг таҳсинлар!  
Шу тенглик,  
шу келишув  
Ерда тўлиқ бор эмас,  
Саодатга ҳамма ҳам,  
Е эгиз, ё ёр эмас!  
Ер неғматин тенг баҳам  
Кўрмагунча одамлар  
Ой зағфарон,  
ой беқон,  
Ғам йўлидан одимлар,  
Ишчи, олимۇ деҳқон  
Биздагидай шод бўлса,  
Оқ-қора деб айириш  
Одамларга ёт бўлса,  
Ерга тўлса хайрли иш,  
Ой ғамдан юз ўгирар,  
Ҳатто ювар доғини,  
Юзига қон югурар!  
Ой,

Қуёш,

Ер-эгизак,

Ен қўшни планета,  
Неғматин тенг сочар Ер  
Ойдайд бугун ё эрга!

Фаргона



# БУЮКЛИК ВА



АДАБИЙ-СОЦИОЛОГИК ОЧЕРК

Атоқли ёзувчимиз Одил Ёқубовнинг «Оқ-қушлар, оппоқ қушлар» романида шундай бир боб борки, у — ўн учинчи боб, бу бобда тасвир этилган ҳаётимиз фактини диққат билан кўздан кечириш, бизнингча, фойдадан холи бўлмайди — ҳам ижодий фаолиятимизни, ҳам шахсий турмушимизни янада самаралироқ қуришимиз учун айрим фойдали хулосалар чиқариб олиш имконини беради.

...Санъатимизнинг кичик эмас, кўзга кўринган беш вақили бир хонада ўтиришибди. Иккитаси у тараф, иккитаси бу тараф — баҳслашишарти. Бешинчи эса — ўртада, жим.

— Ҳақиқат баҳсда аён бўлади, дейишадик, гапираверинглар, мен эшитаяпман, — дейди у.

Хўш, бу икки тараф нима ҳақда баҳслашарти?

Уқувчига маълумки, биринчи тарафнинг фикрича, кўпгина соҳада бўлгани сингари монументал санъат соҳасига ҳам табиий истеъдоддан маҳрум бир қанча ноҳалол, нопок одамлар бош суқиб олишган. Улар тўпори асарлар яратишиб, санъатимизга, ўз навбатида, маънавий турмушимизга катта зарар етказаяптилар. Шу билан чекланмай, ана шу «асарлар» учун шўрлик колхоз-совхозларнинг юз минглаб пулини ўмариб кетаётирлар.

Иккинчи тарафнинг фикрича эса, бундай дейиш нотўғри. Бундай дейиш — субъектив фикрлашнинг меваси бўлиб, санъатимиз эришган ютуқларни камситиш, ҳатто йўққа чиқариш.

Хўш, қайси томон ҳақ?  
Маълумки, бундай пайтда, одатда, масалани ажрим қилиш учун обрўли комиссия тузилади. Лекин, ўйлаб кўрайлик, комиссия нақадар обрўли бўлмасин, томонлар бу комиссиянинг қароридан рози бўлишармикан? Ҳеч-да. Қарорда ҳар доим ё у, ё бу томон норози бўлиб қолаверади. Мана, бу гал ҳам шундай бўлди. Биринчи тараф, унинг етакчиси — Расул Нуриддинов комиссия ҳали иш бошламасиданоқ ундан норози.

Ўйлаб қолсан киши: обрўли комиссиянинг хулосаси ҳисобга олинмагандан кейин нима қилиш керак?

Партиямиз бу саволга шундай жавоб берди: кенг ошкоралик зарур. Бизда ҳамма нарса, шу жумладан санъат ҳам халқники. Бинобарин, санъатга ҳам, унинг ижодкорларига ҳам халқнинг ўзи баҳо берсин. Халқнинг ҳукми ҳар қандай обрўли комиссиянинг ҳукмидан ҳам обрўлироқдир. Чунки бу ҳукм қайси томон халқнинг назарига тушгану, қайси томон халқнинг назаридан қолган — ана шуни кўрсатадики, санъаткор учун халқнинг назарига тушишдан ортиқроқ мукофот, унинг назаридан қолишдан ортиқроқ жазо йўқ.

Партия шундай деди ва бу оқилона сиёсат ҳозир изчил амалга оширилаётганига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ёзувчимиз ана шу даврнинг меваси бўлган бу асарда ҳар иккала томоннинг ўй-фикрлари, мақсад-ниятлари, баҳс-мунозараларини, қолаверса, қилган ишларини ҳам жамлаб тасвирлаб, олдимизга муҳокама учун қўйибди, муҳокама қилайлик. Ҳар биримиз ўз фикримизни айтилик, жамлаб бир ҳукмга айлантирайлик.

Авалло, кичик бир изоҳий бобда турмушимиз фактлари кўпроқ Расул Нуриддиновнинг ички кечинмалари асосида баён қилинган. Шу боисдан ўқувчида беихтиёр унга нисбатан ҳамдардлик уйғотади. Унинг ҳамма гаплари ҳақроств деган таассурот қолдиради. Лекин биз, модомики, ҳакамлик қилмоқчи эканмиз, бу таассуротгагина, шунингдек, Расул Нуриддиновнинг изоҳларигагина таянмаслигимиз лозим. У ҳам одам, хато қилиши мумкин. Воқеаларга синчиклаброқ назар ташласангиз, ҳақиқатдан ҳам шундай эканига ишонч ҳосил қиласиз. Масалан, ёдингиздами, Расул Нуриддинов «ҳали байрам либосини «ечмаган» Ленин майдонига ҳайратланиб қаради». Унинг фақат баъзи таклифлари ҳисобга олинган бўлишига қарамай, майдон «ҳақиқатдан ҳам улғувор ва гўзал, унда ҳамма нарса... ҳамма-ҳаммаси пухта режа билан бунёд этилганига» амин бўлди. Ваҳоланки, у ҳамма таклифини ўтказиш учун ўз даврида роса талашиб-тортишган эди. Демак, адашган эди.

Яна: Нуриддинов Мардон Зокировни ҳам табиий истеъдоддан маҳрум тўпори санъаткор, ҳатто шундай санъаткорларнинг боши, деб ҳисоблайди. Бироқ юқори ташкилотга юборган хатида негадир Мардон Зокировнинг фамилиясини ёзмаган. Нега ёзмади экан? Эҳтимол, бирор нозик мулоҳазага бориб ёзмагандир? Эҳтимол, шунчаки унутгандир? Нима бўлганда ҳам барибир у тақдим этган маълумот тўла эмас. Зеро, унинг маълумоти, фикр-мулоҳазасигагина таяниб иш кўриб бўлмайди. Ўзимиз ҳам пича фикр-мулоҳаза юришимиз керак.

Хўш, Расул Нуриддинов ва Мардон Зокировларни икки гуруҳга бўлиб юборган манба асли ўзи нима? Бизнингча, уларнинг санъатга, санъатнинг вазифаларига қарашларида. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам бу масалада бир томонлама фикрлайди.

Мардон Зокировнинг фикрини эшитинг: «...Биз Улуғ Ватан уруши йилларида фақат талофат кўрган эмасмиз! Фақат қурбонлар бериб, кўз ёши тўққан эмасмиз? Биз қанча қурбонлар берган бўлмайлик, барибир улуғ ғалабага эришганмиз! Адабиёт ва санъат, жумладан, монументал санъат, биринчи навбатда, оқ-воҳни, қайғу-ҳасратни эмас, мана шу муқаддас туйғуни, Ғалаба туйғусини акс эттириши лозим!»

Демак, санъат иккинчи навбатда бўлса ҳамки, ҳар қалай, оқ-воҳни, қайғу-ҳасратни ҳам акс эттириши керак. У бунга ҳам тан олади. Лекин фақат оғизда тан олади. Дарсликларда шундай деб ёзилгани учунгина, шундай деб айтилаётгани учунгина айтади. Амалда эса бу принцип ҳали унинг эътиқодига, ижодий принципига айланмаган. Амалда, унингча, Беҳзод Нусратов яратган «Гиря» — «ўртада ўқиб ёлаётган солдат! Икки ёнида фарёд чекиб гиря қилаётган оломон» бўлгани учун, фақат шунинг учунгина «тушқунлик руҳида яратилган сентиментал асар»дир, санъатимизга ётдир.

Энди Нуриддиновга келсак, у Мардон Зокировга буюк рус шоири Твардовскийнинг энг улуғ, энг пурҳикмат гапини тўғри эслатади. Солдат фақат ўз ғалабалари билангина эмас, балки бу ғалаба йўлида чеккан заҳматлари

билан ҳам ифтихор қилади. Демак, санъат ҳар иккаласини ҳам ёритиши керак, дейди. Тўғри айтади. Амалда эса ҳар доим ғалаба заҳматини акс эттиришни ёқлайди. Қарабсизки, масалан, Мардон Зокиров яратган «Висол нашидаси» асари — «қишлоғига кўкси тўла орден-медаллар билан шаҳдам кириб келаётган солдат! Чор-атрофида тантана билан, шодхуррамлик билан қарши олаётган оломон» бўлгани учун, фақат шунинг учунгина бу асар унинг назарида дабдабавозлик руҳида яратилган тўпори асар, санъатимизга ёт асар бўлиб чиқади.

Шундай қилиб, уларнинг ҳар иккаласи ҳам оғизда тўғрию, амалда доимо бир томонлама фикрлайди, бир томонлама иш тутайди. Бошқача айтганда, бири буюк шоир айтган гапларнинг биринчи бандига, иккинчиси эса иккинчи бандига амал қилади. Улар буюк рус шоири Твардовскийнинг буюклигини тан олишади. Аммо у нима сабабдан буюклигини, — буюклиги — у ўзи айтган пурҳикмат гапга умр бўйи оғишмай амал қилганида, — яъни асарларида халқнинг тантана-байрамини ҳам, чеккан заҳмату кулфатини ҳам бирдек маҳорат билан акс эттирганида эканини, на илож, ёшлари бир жойга бориб қолганига, бири таниқли ҳайкалтарош, иккинчиси таниқли олим эканлигига қарамай, ҳануз тушуниб олишгани йўқ.

Бироқ, уларнинг бошқа иллатлари ҳам бор. У ҳам бўлса, мақтанчоқлик касали, фақат меники тўғри, фақат мен, мен, дейиш касалидир. «Расул Нуриддинов Ленин майдонига ҳайратланиб қаради». Унинг «юрагида бир зум болаларча ифтихор туйғуси ярқ этди. Сабаби — «майдоннинг ҳозирги тароватида» унинг ҳам «жиндаккина бўлса-да, ҳиссаси бор!» «Баъзи таклифлари ҳисобга олинган».

Кўрдингизми, жиндаккина ҳиссаси борлиги, баъзи таклифлари ҳисобга олингани учун шунча ифтихор қилади. Агар ҳамма таклифлари ҳисобга олинганда борми... Агар шу майдонни унинг ўзи лойиҳалаганда борми, билмадик, унда нима қиларди? Унда ўзини тирик классик деб, мангуликка — келажак ва тарихга дахлдор деб ҳис этиши ҳеч гап эмасди. Дарвоқе, ҳозир ҳам у ўзини шундай деб ҳис этади. Ҳозир ҳам нуқул келажак ва тарих номидан гапирди. Мана, эшитинг, комиссия раиси Шерзод Комиловга нима дейди:

«Сиз... сиздай салоҳиятли ижодкор хатимда келтирилган асосий гапларни бир четга йиғиштириб қўйиб, фақат Беҳзод Нусратовнинг том маънодаги истеъдодли асарини тадқиқ этишга ҳаракат қилганингиз учун бир куни пушаймон чекасиз? Билиб қўйинг, ўртоқ Комилов! Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди! Келажак ва тарих сизнинг бу хатти-ҳаракатларингизни кечирмайди!»

Кўрдингизми, у кечирмайди! Демак, гўё келажак ва тарих ҳам, албатта, кечирмайди. Унча-мунча одамнинг ўтакасини ёриб юборди бу гаплар. Лекин муҳолифи Мардон Зокировга эса бу гаплар чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмайди. Чунки у ҳам ўзини худди шундай киши деб ҳис этади:

«Сиз билиб қўйинг, ўртоқ профессор! — дейди у истеҳзоли кулимсираб. — Камина, сиз ва сиз каби субъективизм ботқоғига ботиб



# МАЙДАЛИК

Жамиятнинг ахлоқий ҳаётида нима пастлашаётир, нима енгаётир, нима ўр-  
наша ва устун кела бошлаётир — мана буларни билмоқ учун бизда адабиёт ва  
хусусан унинг бадий асарларидан бошқа кўрсаткич йўқдир.

Н. А. ДОБРОЛЮБОВ

қолган одамлар танқидидан юқори туришга ақлим ҳам, шуурим ҳам етади!».

Ҳа, уларнинг ҳар бирининг ақли ўзига етарли. Бошқа ақлнинг кераги йўқ уларга. Бошқаларнинг фикрига, ишига ҳурмат-эътибор билан қараш, ўз-ўзидан қониқмаслик... Ҳар бири ўзини «совет санъати позициясини белгиловчи дохий» деб билади. Хатоларини ҳануз тушуниб олмаганликларининг сабаби ҳам асли ана шунда.

Улар ўзларини «совет санъати позициясини белгиловчи дохий» деб ҳисоблар эканлар, энди жимгина ўз ишларини қилиб юравермайди. Бу позицияда турмаганларга қарши курашадилар. Бир-бирларини яниб мақолалар ёзадилар, докладлар қиладилар. Юқори ташкилотларга хат юборадилар, комиссиялар ташкил қилинишига эришадилар. Бу юмушлар ҳам, ахир, ўз-ўзидан бўлмайди, вақтни олади. Қолаверса, кайфиятга, соғлиққа таъсир қиладилар. Расул Нуриддинов «кўпдан бери уйқусизлик дардига мубтало бўлиб, қийналиб юргани»ни эсланг. Қарабсизки, тўласича санъатга берилиши керак бўлган ақл, тажриба, вақт, кайфият, соғлиқ энди тўласича асл мақсад сари йўналтирилмапти. Энди улардан буюқнинг ярми-дек асарлар туғилиши ҳам амри маҳол.

Бироқ, энг ёмони шундаки, агар санъатни улкан дарахт деб, бир ёнидаги шохларни тантана-байрамни акс эттирувчи асарлар, иккинчи ёнидаги шохларни кулфату заҳматни акс эттирувчи асарлар, деб фараз қилсак, улар, дам униси зўр келиб, бу ёндаги шохларга, дам буниси зўр келиб, у ёндаги шохларга болта уришади. Болталашиш йил сайин кўпаяди. Чунки, ахир, санъатнинг бу «ҳомийлари» ҳар йили ўз қолипларида шогирд чиқарадилар. Бунақада нима бўлади? Санъатнинг кунини шундайларга қолса, ҳоли не кечади? Шохларнинг майдалашиши, сийраклашиши ҳам гапми, дарахтнинг ўзи қурийдими.

Хўп, ана, дам униси, дам буниси эмас, биттаси зўр келди, деб фараз қилайлик. Айтайлик, Мардон Зокировлар зўр келди, унда нима бўлади? Улар, табиийки, «Ғалаба туйғусини, мана шу муқаддас туйғунини» акс эттиришади. Акс эттиришаверади, акс эттиришаверади. Ваҳоланки, тарихдан жуда яхши маълумки, урушда эришилган ғалаба туйғусига зўр беравериш, нуқул шу туйғунини сингдириш муқаррар равишда кишиларни шовинизм касалига — ўз халқини бошқа халқлардан устун қўйиш касалига, урушқоқлик касалига мубтало қиладилар.

Хўп, энди Расул Нуриддиновлар зўр келди, дейлик, унда нима бўлади? Улар, табиийки, уруш келтирган азоб-уқубатларни тасвирлашади. Тўғрироғи, урушга нафрат туйғусини акс эттиришади, акс эттиришаверади. Ваҳоланки, тарихдан жуда яхши маълумки, урушга нафрат билдириш, шу туйғуга зўр бериш, нуқул шу туйғунини сингдириш муқаррар равишда кишиларни пацифизм касалига, — «келинг, оч қорним, тинч қулоғим, тинчгина яшайлик» дейиш касалига, бечорақоллик, қобил-мўминлик касалига мубтало қиладилар. Аслида уруш оловини ёқувчиларнинг тегирмонига сув қуяди.

Бас, совет санъатининг вазифаси коммунистик эътиқодли инсонни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир. Мунозарамизга қиёсан олади-

ган бўлсак, совет санъатининг вазифаси урушга нафрат билан қарайдиган, шу билан бирга, мабодо уруш оловини ёқувчилар чиқиб қолгудек бўлса, уларга тегишли зарба беришга тайёр турадиган кишиларни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир. Бунинг учун санъат дарахтининг ҳар икки томондаги шохини ҳам барқ уриб ўсмоғи лозим. Санъаткорларимиз худди шундай қилиш учун курашмоқдалар. Худди шундай кишиларни тарбиялаб етиштирмоқдалар. Мардон Зокиров, Расул Нуриддиновлар эса, аслида худди ана шу ишга халақит беришаётир. Агар халақит беришмаганда эди, санъаткорларимизнинг ишлари янада самаралироқ бўлур эди. Зеро, Мардон Зокиров, Расул Нуриддиновлар ҳақидаги ҳукмимизни қанча тез айтсак, шунча яхши.

Бироқ, кўриб турибсиз, улар шу қадар осмондаки, халқнинг ҳукмини ҳам бир пулга олмасликлари, «бизни келажак ва тарих қўллади», деб тураверишлари мумкин. Бинобарин, ҳукм айтишдан ташқари, яна қандайдир чора ҳам кўришимиз лозим. Қандай чора? Таъкидлаймиз, санъат — нозик соҳа! Ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак. Эҳтиёт бўлиш-ку керак, аммо чора ҳам кўриш даркор. Қандай чора?

Дарвоқе, энди тадбир қидириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Партияимиз унинг ҳам йўлини топди, аллақачон амалга ошираяпти ҳам. Биз раҳбар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласига эндиликда эътибор кучайтирилганини назарда тутаямиз. Асарнинг ўн учинчи бобида партиянинг бу йўли ҳам, шунингдек, ижтимоий адолат принципларини мустаҳкам қарор топтириш юзасидан олиб бораётган катта ишлари ҳам ўз ифодасини топган. Энди сўз шу ҳақда.

Эътибор беринг: «юқори»га жиддий мазмунда хат тушган эди. Унинг жиддийлиги ҳисобга олинди, махсус комиссия тузилди.

Яна: масала санъатга хос бўлиб, бинобарин, нозик эди. Уни нуқул маъмурий йўл билан ҳал этиш яхшиликка олиб бормас эди. Шунинг учун комиссия ҳайъатига нуқул санъат кишилари киритилди.

Яна: комиссия ҳайъати нуқул катта авлод вакиллари ташкил этса, бу — қарорнинг ҳам бир томонлама бўлиб қолишига олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун «учта кексанинг ичида ёшлардан ҳам битта бўлсин», дейилди.

Яна: қарор холис бўлиши учун шикоят хатида қораланган ўнлаб кишилардан биронтаси ҳам ҳайъатга киритилмади. Ҳатто муҳокамани шикоят хатида қораланган ишларнинг бошида турган идорада — министрликда эмас, санъат музейида ўтказишга қарор қилинди. Эҳтиёткорлик, санъатга ғамхўрлик, ариза-шикоятларга қулоқ тутиш, қабул қилинган қарорнинг ижтимоий адолат принципларига тўла мос келиши учун интилиш шунчалик бўлади-да! Биз комиссия раислигига бошқа биров эмас, масалан, Мардон Зокиров ёки Ҳалим Салимов эмас, балки худди шу — Шерзод Комилов танлангани ва тайинланганини ҳам эътиборда тутаямиз. Хўш, унга эътиқодимиз нега бу қадар кучли?

Шерзод Комиловдаги фазилятлардан асосийларинигина кўриб ўтайлик. Биринчидан,

Шерзод санъат ҳақидаги марксча-ленинча илмни пухта эгаллаган, илмига қатъий амал қиладиган йигит — чинакам истеъдодли санъаткор. Шунга қарамай...

Иккинчидан, у буни ҳеч қачон пеш қилмайди — мулойим, вазмин, андишали, камтар йигит. Устози Нуриддиновни «одобу эҳтиром билан салом бериб» кутиб олганини, унинг дилига озор етказиб қўймаслик учун фикрларини ниҳоятда андиша ва хижолат билан айтганини эсланг. Яна: Мардон Зокиров оғзига эрк бериб ёш ижодкор Акмал Рустамовни — таъкидлаб қўяйлик — Нуриддиновнинг ҳозирги шогирдини «жўжаўроз» дейишгача борганини, Шерзоднинг эса бир оғиз ҳам қўпол гап айтмаганини эсланг. Ваҳоланки, Акмал «қўлларини лапанглатиб, ўрнидан сапчиб туриб, қичқириб, Шерзод гапирётганда ўтирган жойида бетоқат бўлиб, қаттиқ томоқ қириб» ҳақиқатда жўжаўрознинг ишини қилган эди.

Учинчидан, эътибор бердингизми, Шерзод муҳокама пайтида ҳаммадан кам гапирди, ҳаммадан кўп эшитди. Эшитиш! Сабр-тоқат билан эшитиш, бошқаларнинг фикр-мулоҳазасига ҳурмат билан қараш... Бу ҳам раҳбар ходимга хос энг яхши фазилятлардан эмасми, ахир?! Ҳа, у эшитди, обдон эшитгач, сўнг хулоса чиқарди.

Тўртинчидан, бу билан биз, Шерзод ҳар доим ҳақ-рост фикр айтади, демоқчи эмасмиз, албатта. У ҳам одам, у ҳам хато қилиши мумкин. Масалан, дўсти Беҳзод Нусратовнинг «Гиря» асари хусусида адашди. Асарнинг лойиҳасини маъқул кўрмади. Лекин, эътибор беринг, нима учун маъқул кўрмади? Бу асарда дод-фарёд тасвирлангани учун эмас, балки, «бу асарда сентиментализм руҳи оптимистик руҳдан устунроқ» деб ҳисоблагани, яъни меъёр бузилган деб ҳисоблагани учун маъқул кўрмади. Аммо бу фикрини у ҳали ҳеч кимга айтмаган, айтмоқчи ҳам эмас эди. Чунки унинг назарида «Гиря» ҳали битмаган, ҳали яратилаётган асар эди. Битмаган асар ҳақида фикр айтишни шошқалоқлик, деб ҳисобларди. Бироқ, Нуриддинов, ўз фикрини айтинг, деб қисти-басга олавергач, «Гиря»нинг лойиҳа-эскизини кўриш жараёнида туғилган таассуротини, яъни хомаки асар ҳақидаги хомаки фикрини айтишга мажбур бўлди, айтди.

Ниҳоят, бешинчидан, Шерзод дўсти Беҳзод сингари дарвештабиат эмас, балки фаол гражданд эди. Давлат, халқ манфаатини, санъат манфаатини шахсий манфаатидан устун қўя оларди. У жамоат, давлат ишидан ҳеч қачон бўйин товлаган эмас. Масалан, унга бошқармага бошчилик қилиш вазифаси топширилди — рози бўлди. Мана, ундан махсус комиссияга раислик қилиш сўралди — розилик берди. Энди у Мардон Зокировга ўхшаб ҳадеб вақти тифлигини пеш қилаётгани йўқ. Бу вазифани ҳам сидқидилдан бажараяпти. Ахир, бу ишлар ҳам ўз-ўзидан бўлмайди. Нима эвазига бажаришини билган билади. Айтайлик, машхур рус шоири Евгений Евтушенко билади. У СССР Ёзувчиларининг VIII съездида сўзлаган нутқида, масалан, союз правлениесининг секретари бўлишни «умумий ишимиз учун ўз ҳаловатидан, ижодидан кечиш — ўз-ўзини қурбон



қилиш, бинобарин, шарафли иш», деб атади. Бизнинг Расул Нуриддинов эса, мансабга интилиш деб атайди... Фақат Нуриддиновнинг гапига қулоқ тутганда, бошқа ҳаммани ёмонга чиқариб, фақат Нуриддинов билан апоқ-чапоқ бўлганида... ана унда Нуриддиновга ёқарди. Йўқ, Шерзод бундайлардан — умр бўйи устозининг соясига салом бериб ўтадиган шогирдлар тоифасидан эмас эди. У устозининг устозлик ҳурматини ҳар доим жойига қўядиган, аммо айрилиш келганда, ўзи тўғри деб ҳисоблаган йўлдан кетадиган шогирдлардан, фаол шахс.

Шерзод Комилов — ана шундай фазилатлар соҳиби. Ҳа, покланиш даври келиб, кўпгина нопок шахслар ўз мансаб курсисидан учиб кетганда, унинг ҳануз ўз курсисидан ўтиргани, бунинг устига, «масаланинг жиддийлигини ҳисобга олиб тузилган махсус комиссия»га раис қилиб танлангани ва тайинлангани ҳам бежиз эмас эди. Бу аслида ҳақиқатдан ҳам покланиш даври келганини кўрсатувчи белгилардан бири эди. Ана энди Шерзод Комилов ўзига топширилган бу галги масалани қандай ҳал этганини кўздан кечирайлик.

Маълумки, агар иш Нуриддиновга қолса, шикоят хатида номлари келтирилган ўнлаб кишининг, яъни санъат дарахтидаги ўнлаб шохнинг ҳаммаси кесиб ташланиши, агар Мардон Зокировга қолса, ана шу ўнлаб шохнинг ҳаммаси сақлаб қолиниши керак эди. Бироқ, қарангки, бу гал уларнинг ҳар иккаласининг айтгани ҳам бўлмади. Ҳиссиётга, майда туйғуларга берилиш орқасида ҳамма ёқни гулистон қилиб кўрсатишга ҳам, ҳамма ёқни вайрон қилиб кўрсатишга ҳам йўл қўйилмади.

Этибор беринг: Мардон Зокиров, раис уни лозим даражада қувватламаётганидан, «овози исёнкорона қалдираб, эшик томон йўналган эди, Шерзод Комилов ўша вазминлик ва ўша салобат билан номини айтиб уни тўхтатди. Ва унга:

— Сиз ҳам қизишманг, Мардон Зокирович! ...Албатта, домланинг мактубида келтирилган айрим мисолларни инкор этиб бўлмайди. Камчиликларимиз йўқ эмас, бор, — деди. — Аммо...

Бу ёғи энди Нуриддиновга қаратилган эди.

Шерзод Комиловнинг босиқ, мулойим овози хиёл ўзгариб, амирона оҳанг касб этди».

— Аммо биз монументал соҳадаги ютуқларимизни инкор этишга ҳеч қачон ва ҳеч кимга йўл бермаймиз!.. Комиссиянинг хулосаси шу!

Комиссия шундай руҳда қарор қабул қилди, яъни қарор нуқул Мардон Зокировнинг оптимизмидан, ёки нуқул Расул Нуриддинов пессимизмидан иборат бўлмади. Унда ҳаёт ҳақиқати — хатоларимиз ҳам, ютуқларимиз ҳам ўз ифодасини топди. Бу қарорга Мардон Зокиров рози. Аслида рози эмаску-я. Бироқ рози бўлмаса... (майда одам майда ўйлайди-да) Шерзод Комиловга ёмон кўриниб қолиши, ютқазishi мумкин. Рози бўлса-чи? Унда ҳеч нарса ютқазмайди. Чунки «домланинг мактубида келтирилган айрим мисолларда», умуман мактубда унинг фамилияси йўқ. Шунинг учун рози. Хўш, Расул Нуриддинов-чи? У рози эмас. «Ютуқларни ким инкор этаяпти? Ким?» деб эътироз билдиради. Тўғри, ичида айтди. Буни Шерзод Комилов эшитмади. Лекин биз ёзувчининг кўмаги туфайли эшитдик. Ҳали инкор этмаяптими? Онгли равишда бўлмаса ҳам, қизишиши туфайли, билимининг саёзлиги, мушоҳадасининг ўта умумийлиги, яъни турмуш фактларини конкрет-тарихий баҳолай билмаслиги туфайли инкор этмаяптими? Чин санъат асарлари оз, дейди. Кўпроқ яратилишини орзу қилади. Хўш, ҳақиқатдан ҳам озми? Тўғри, умуман олганда оз. Умуман олганда, кўпроқ яратилишини орзу қиламиз. Лекин конкрет-тарихий олганда-чи? Кўп! Бундан 20—25 йил аввалгидан кўп. Ана шу «кўп»ни яратиш ҳам ҳазилакам заҳмат билан бўлгани йўқ. Буни инкор этишга ҳеч қачон ва ҳеч кимга йўл бермаймиз.

Яна: «Чин санъат асарлари кўпроқ яратилишини орзу қилар» эмиш. «Бирор истеъдодли ёш чиқса — дарҳол ўз қаноти остига олар, бошини силар» эмиш. «Лекин, эвоҳ, унинг бу беғараз уринишларига хайрихоҳлардан ноҳайрихоҳлар ўн чандон кўпроқ» эмиш. Ҳақиқатдан ҳам шундайми? Истеъдодли ёшларга, уларнинг бошини силовчиларга хайрихоҳлардан кўра ноҳайрихоҳлар ўн чандон кўпроқми? Тўғри, ноҳайрихоҳлар бор. Хўп, ана кўп ҳам дейлик. Лекин ўн чандон кўп эмас. Агар ўн

чандон кўп бўлганда, биласизми, нима бўларди?! Йўқ, бу фақат қизишиб, ўйламай-нетмай гапириш аломати, холос. Олим учун эса, қизишиб ўйламай-нетмай гапириш ярашмайди. Биз орамизда битта ҳам ноҳайрихоҳ йўқ, дегувчи ваҳимачиларга ҳам йўл бермаслигимиз керак. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам бизни тўғри йўлдан чалғитади. Доҳиймиз Ленин ҳам ўз даврида ваҳимачиларга йўл бермаган эди.

«Сиз, — деб ёзган эди «сентиментализм чуқурига думалаб кетган» Г. Мясниковга ёзган хатида, — маълум миқдор қайғули ва аччиқ фактларнинг таъсирига тушиб қолиб, кучларни зийраклик билан ҳисобга олиш қобилиятини йўқотиб қўйгансиз... Ваҳимага тушмаслик керак».

Ҳа, Шерзод Комилов ҳам тўғри йўл тутди. Ҳар иккала томоннинг даҳанаки жангини обдон кузатди, мақсад-ниятларини обдон ўрганди. Уларнинг тўғри фикрларини олди, қолганларини рад этди. Санъат дарахтини ортиқча кесчопдан асрайдиган, шу билан бирга, уни бачки шох-шаббадан халос этиб, янада дуркун ўсишига шароит яратадиган қарор қабул қилинишига эришди. Бизнингча, худди ана шундай бўлди.

Хуллас, демоқчимизки, партия иш бошига Шерзод Комиловдек кишиларни кўтараверар экан, демократия ва ошкоралик тобора чуқурлашиб бораверар экан, ҳадемай Мардон Зокировлар ҳам, Расул Нуриддиновлар ҳам тўғри йўлга тушиб олишади. Покланишдан ҳеч ким четда қолмайди, қолиши мумкин эмас.

Ун учинчи бобда тасвир этилган турмушимиз фактларини диққат билан кўздан кечириб, биз чиқарган хулосалар ана шулардан иборат.

Қўқон



Булутлар, оппоқ булутлар...

Хумсон манзараси.

Р. НУРИМБОЕВ фотолари



# ВАЛЕРИАН КУЙБИШЕВ

Доҳиймиз В. И. Лениннинг сафдоши, Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби Валериан Владимирович Куйбишевнинг барҳаёт номи Ўрта Осиё халқларининг Совет ҳокимиятини мустақкамлашдаги қизғин кураши, бу ўлкада партиянинг миллий масала соҳасидаги ленинча сиёсатини амалга ошириш, социализм қуриш учун курашнинг дебочаси билан боғлиқ.

Куйбишев 1888 йил 25 май (6 июнь) Омск шаҳрида туғилди. Унинг ота-онаси ўқимшли кишилар бўлиб, маданий ва оммавий-маърифий ишларни олиб борар эдилар. Уларнинг оиласи Кўкчатов шаҳрига кўчганда, Валерий саккиз ойлик гўдак эди. Отаси — Владимир Яковлевич шаҳарга ҳарбий бошлиқ қилиб тайинланганди. Бошлиқнинг хонадони маҳаллий зиёлилар тўпланадиган жой бўлиб, бу ерда музика эшитиш, адабиёт ва санъат тўғрисида баҳслашиш, оила кутубхонасида бадиий асарлар, янги газета-журналлар ўқиш мумкин эди. Валерий саккиз ёшида мактабга боради. У 1904 йилда, ҳали ўспиринлик пайтида РСДРП Омск ташкилотига кириб, большевиклар фракциясига қўшилади.

Унинг амакиси уйда «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи» иши билан Петербургда сургун қилинган курсант Е. А. Шчегелев истиқомат қиларди. Валерий кўпинча унинг олдида кирар, китоблар олар ва Петербург социал-демократларининг ишлари ҳақида революцион руҳдаги ҳикояларни эшитар эди.

1905 йилнинг кузида В. В. Куйбишев Петербургда кўчиб бориб, Ҳарбий-медицина академиясига ўқишга кирди ва революцион ишларга шўнғиб кетди. У большевиклик адабиётларни тарқатишда қатнашди. Партия III съездининг қарорига биноан ҳамма жойда қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўрилатган, жойларда жанговар дружиналар тузилаётган эди. Ёш революционер худди ана шу ёрқин шуълага ўзини урди. 1906 йилнинг баҳорида В. В. Куйбишев революцион ишда актив қатнашганлиги учун Ҳарбий-медицина академиясидан чиқарилади. У полиция таъқибидан яшириниб, Омскка боради ва РСДРП шаҳар комитети аъзоллигига сайланади. Йил охирига бориб, чор полицияси уни қамоққа олади, кейинчалик эса Томск губерниясидаги Каинск шаҳрига полициянинг очик назорати остида бўлиш шarti билан сургун қилинади.

Биринчи жаҳон уруши йилларида В. В. Куйбишев меньшевиклар ва троцкийчиларга қарши изчил кураш олиб боради. Урушнинг биринчи кунлариданоқ чор амалдорлари большевиклар ташкилотларига репрессия тоши ёғдирдилар. Шароитнинг ниҳоят даражада мураккаб бўлишига қарамай, муҳим инқилобий ташвиқот ишлари билан шуғулланди. У агитация ва пропаганда коллегиясига раҳбарлик қилиш билан бирга ўзи ҳам завод ва фабрикаларда фаол иш олиб борарди. «Менинг эсимда борки, — деб ёзади петербурглик ишчи Н. Малютин, — Валериан Владимирович 1914—1915 йилларда партия-мизнинг Петербург комитети аъзоси сифатида «Путилов», «Треугольник», «Скороход» заводларида бизга курашимиз, вазифаларимиз тўғрисида, партия қарорлари тўғрисида гапириб берарди. Унинг мақсадга интилиши, қатъийлиги ва ўз сўзига ишонтира олиш қо-

## Туғилган кунига 100 йил тўлди

билияти бизга подпольенинг оғир шароитида кундалик курашимиз учун тўғри йўл танлаб олишимизга ёрдам берарди».

Февраль буржуа-демократик революцияси амалга ошган даврда В. В. Куйбишев учинчи марта сургунга Тумури (Иркутскда) қишлоғига кетаётган эди. Революция туфайли озод бўлгач, у Самарага қайтиб келади ва шаҳар большевикларига раҳбарлик қилади. У большевиклар партиясининг VII (Апрель) Бутунроссия конференцияси (1917 йил, апрель)га Самара ташкилотидан делегат бўлиб қатнашганди. Конференцияда жанговар сафдоши Я. М. Свердлов билан учрашди. Ф. Э. Дзержинский, Е. Д. Стасова, К. Е. Ворошилов ва конференциянинг бошқа делегатлари билан яқиндан танишади. В. И. Ленинни кўради. Доҳийнинг ҳар бир сўзи Валериан Владимировичнинг шуурини юлдуздек ёритади, қалбига булоқ сувидек ором беради.

В. В. Куйбишев конференция ва РСДРП VI съездининг қарорларини амалга ошира бориб, Самарада муҳим революцион ишларни олиб борди. 1917 йилнинг сентябрига келиб, қуролли қўзғолон бўлиши ва ҳокимиятнинг Советлар қўлига ўтиши аниқ бўлиб қолди. Худди шу вақтда Самара большевиклари В. В. Куйбишеви губерния партия комитетининг раиси қилиб сайладилар. Марказий Комитет Самарада қуролли қўзғолонни ташкил этиш ва амалга ошириш ишига масъулиятини унинг зиммасига юкледи.

25 октябрда Петроградда қуролли қўзғолон бошланиши билан Самарада дарҳол Ишчи ва солдат депутатлари Совети ижроия комитетининг большевиклар уюшмаси тўпландилар. Ишчи ва солдат депутатлари Совети ижроия комитети ва деҳқон депутатлари Совети ижроия комитетининг мажлисини В. В. Куйбишев очди. 26 октябрда эса Самарада ҳам Совет ҳокимияти барпо этилди. Эртасига Самара ва Самара губерниясида пролетариат диктатурасининг органи — революцион комитет тузилди. Унинг раислигига В. В. Куйбишев сайланди. Партия Марказий Комитети Самарани Советлар ҳокимияти тузилган биринчи шаҳарлардан эканлигини таъкидлади.

В. В. Куйбишев ўзининг бутун кучини, билимини, ҳаракатини Октябрь революцияси-



нинг ғалабасини ҳимоя қилиш, Советлар ҳокимиятини мустақкамлаш ва ривожлантиришга сафарбар этди.

Ҳарбий интервенция ва гражданлар урушининг оғир йилларида Валериан Владимировичнинг ҳарбий-сиёсий арбоб сифатидаги истеъдоди ёрқин намоён бўлди. Партия уни Шарқий фронт қўшинлари Жанубий группаси революцион — ҳарбий кенгашининг аъзоси, 1—4- ва 11-армияларнинг сиёсий комиссари сифатида Қизил Армияга ишга юборди. У одамларни танлашга уста эди, армиянинг раҳбарлик ишига ҳам кўп ишчи ва солдатларни кўтарди. Ревком Самара гарнизони комиссарининг ёрдамчиси қилиб собиқ Сармово заводининг ишчиси Василий Блюхерни тайинлади. В. К. Блюхер тез орада Қизил Армиянинг атоқли командири сифатида танилди, ёш Совет республикасини ташқи ва ички душмандан ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатди. У Совет Иттифоқи маршали деган ҳарбий унвонга сазовор бўлганлардандир.

Оловли йилларда Туркистонда ҳарбий-сиёсий вазият сақланиб қолганди. Фарғона водийси, Закаспий ва Етгисув фронтларида шиддатли қонли жанглар бораётганди. Туркистон АССРдаги қийин ва мураккаб вазиятни инобатга олиб, РСФСР Халқ Комиссарлари Совети пролетариат доҳийси В. И. Ленин раҳбарлиги ҳамда ташаббуси билан 1919 йилнинг 8 октябрида Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича комиссиясини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу мўътабар комиссия составига: Ш. З. Элиева (раис), аъзолари — М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев (унга партия ташкилотларига ва ҳарбий ишларга раҳбарлик қилиш юклатилди), Г. И. Бокий ва Я. Э. Рудзутаклар киритилди.

Турккомиссия командировка қилиниши муносабати билан В. И. Лениннинг Туркистон коммунистларига юборган хатида Коммунистик партия билан Совет ҳукумати миллий сиёсатининг асосий принциплари баён қилиб берилди. Бу хатни ўлка коммунистлари ва барча меҳнаткашлари завқшавқ билан кутиб олдилар. Хат матбуотда



элон қилинди, партия конференцияларида, ишчи ва деҳқонларнинг йиғилишларида ўқиб эшиттирилди.

Тошкентга М. В. Фрунзе келгунча ҳарбий масалаларни В. В. Куйбишев бошқарди. У ўлкада қўшинларни қайта қуришда бошқош бўлди. Алоҳида-алоҳида бўлган қизил аскар қисмлари ва отрядлари мунтазам полклар ва дивизияларга бирлаштирилди. Раҳбарлик қилиш эса Туркистон фронтда марказлаштирилди. 1919 йил куз фаслининг охирида Тошкентда Улка фронтининг В. В. Куйбишев раҳбарлигидаги Сиёсий бўлими иш бошлади. Унинг бевосита таклифи билан ТКП Улка комитети шу йилнинг декабрь ойида 250 нафар коммунистни қўшинларда сиёсий иш олиб бориш учун фронтга жўнатди. Унинг ўзи ноябрь ойининг ярмида энг муҳим Закаспий фронтга йўл олди. Йўл-йўлакай В. В. Куйбишев Самарқандда, Янги Бухорода ва бошқа шаҳар ҳамда аҳоли кўп жойлашган ерларда тўхтаб, партия ташкилотларининг иши билан яқиндан танишди. Гарнизонларни кўриқдан ўтказди, митинг ва йиғилишларда нутқ сўзлади.

Шу кезлари В. В. Куйбишев Ойдин станциясига яқин жойда 26 Боку комиссарлари отилгани ва қумга қўмилганини эшитиб, не азоблар билан ўша жойни қидириб кетади, шу ерлик темирйўлчилар ҳамроҳлигида тўрт кеча-кундуз Ахча — Қуйима — Перевальная станциялари ўртасидаги қум текисликларида белкурак билан ерларни қазишади, ниҳоят, Шаумян, Жапаридзе, Петров ва бошқа ўртоқларнинг жасадларини топишади...

1920 йилнинг 19 июлида РКП(б) Марказий Комитети қарорининг асосий моддаларидан бири амалга оширилди. Туркистон Компартиясининг муваққат Марказий Комитети тузилди. В. В. Куйбишев Урта Осиёда асл большевик интернационалчи кадрларни тайёрлашга ва шакллантиришга самарали ҳисса қўшди. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Икромов эсдаликларида В. В. Куйбишев фаолиятига шундай баҳо беради: «Биз, Туркистоннинг ўша пайтида ҳали ёш бўлган партия ходимлари барча шубҳаларимиз ва қийинчиликларимиз билан ўртоқ Куйбишевга дадил мурожаат қилардик. Ундан доимо маслаҳат ва мадад олиб турардик... Ҳар биримиз учун, хусусан шахсан мен учун ўша пайтда Валериан Владимирович билан уршувларимиз катта мактаб бўлган эди».

1920 йилнинг кузида Туркистондаги Закаспий ва Еттисув фронтлари тугатилди. Фарғона водийсида босмачиларнинг асосий қисми тор-мор этилиб, Хева хонлиги ағдариб ташланди. Аммо Бухоро устида қора булутлар сузиб юрарди. Меҳнаткашларга зулм ва ашаддий қийноқлар солган Бухоро амирли-

ги тугатилгани йўқ эди. Шу сабабли В. В. Куйбишев билан М. В. Фрунзе Бухорода етилган инқилобий вазият талабларидан келиб чиққан ҳолда, тезлик билан Бухоро операциясини ишлаб чиқдилар. Улар бўлажак операциянинг моҳиятини ҳар бир қизил аскарнинг аниқ тушунишига аҳамият беришди.

1920 йилнинг 28 августида Бухоро Коммунистлар партияси чақириғи билан Бухоро меҳнаткашлари қуролли қўзғолон кўтардилар. Тезда Қизил Армия қисмлари ҳужумга ўтдилар. Иккинчи сентябрда амир қўрғони — Эски Бухоро қалъаси қизил бухороликлар ва қисмларимизнинг биргаликдаги ҳаракати туфайли қўлга киритилди. Бухоро осмони узра озодлик куёши чарақлай бошлади. Халқ революцияси ғалаба қозонди! Бу ҳақда М. В. Фрунзе дарҳол В. И. Ленинга хабар қилди.

Бухоро операцияси учун В. В. Куйбишев фахрий қурол — кумуш қилич билан мукофотланди. 1920 йилнинг 10 сентябрида Туркомиссия қарорига мувофиқ В. В. Куйбишев РСФСР, РКП(б) Марказий Комитети ва Коминтерннинг Совет Вухоросидаги мухтор вакили қилиб тайинланди. Революция саркардаси, оташин коммунист ўзининг бутун таланти, ўткир қобилиятини РСФСР билан Бухоро Халқ Совет Республикаси ўртасида қардошларча алоқа ипини мустаҳкамлашга бағишлади.

1920 йилнинг кеч кузида гражданлар уруши голибона тугаллангач, 1921 йилнинг январидан В. В. Куйбишев РКП(б) Марказий Комитети секретариатининг қарори билан ВЦСПС иқтисодий бўлимини бошқаришга, аммо кўп ўтмай, В. И. Ленин таклифи билан Главэлектро бошлиғи вазифасига тайинланди. 1922 йилнинг апрелида эса РКП(б) Марказий Комитети Пленуми В. В. Куйбишевни партия Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади. Кейинги йилларда у ВКП(б) Марказий Контроль Комиссиясининг раиси, Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссари, СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳамда Меҳнат ва Мудофаа Совети Раисининг ўринбосари вазифаларида сидқидилдан, большевикчасига ҳалол, виждонан хизмат қилди.

1926 йилда В. В. Куйбишев Бутуниттифоқ халқ хўжалиги кенгашининг раиси вазифасига тайинланди. Кейинги йилларда эса уни ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси қилиб сайлашди. 1930 йилдан В. В. Куйбишев СССР Госплани раиси ва айни бир вақтда СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳамда Меҳнат ва Мудофаа Совети Раисининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1934 йилдан у СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Совет контроль комиссиясининг раиси, май ойидан эса — СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳамда Меҳнат ва Мудофаа Совети Раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади.

Партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби В. В. Куйбишев социалистик экономикани вужудга келтириш ишига ўзининг бой ҳаётий тажрибаси, ёрқин ташкилотчилик таланти ва билимини сарфлади.

В. В. Куйбишев биринчи ва иккинчи беш йиллик планларини тузишда бевосита қатнашди, амалга оширишда раҳбарлик қилди. Беш йилликларнинг дастлабки гигантлари — ДнепроГЭС, Магнитогорск ва Кузнецк металлургия комбинатлари, Сталинград трактор ва Горький автомобиль заводлари бунёд этилди.

1934 йилнинг кузида В. В. Куйбишев ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг вакили сифатида пахта етиштириш ва тайёрлашни ташкил этишда партия ва совет органларига жойларнинг ўзида ёрдам кўрсатиш учун Урта Осиёга келди. У «оқ олтин» маскани, куёшли республикамиз бўйлаб узоқ вақт сафар қилди, Самарқанд, Фарғона водийси ва 30 та пахтакор районлар ҳамда 100 дан зиёд колхозларда бўлиб, қимматли маслаҳатлар берди, партия ташкилотларига йўл-йўриқлар кўрсатди.

Афсуски, В. В. Куйбишевнинг жўшқин фаолияти 1935 йилнинг 25 январидан тўхтаб қолди. Уни ўлим ижодий ғайрати, гуллаб-яшнаган чоғида олиб кетди: ҳали 47 ёшга ҳам кирмаган эди. Эндигина унинг ўлими тафсилоти матбуотларда эълон қилинапти. Маълум бўлишича, у ҳам шахсга сиғиниш даврининг қурбони бўлган, захарланган экан. Куйбишевдек зукко партия арбобларининг йўқотилиши тарих гилдирагини маълум даражада секинлаштирди, аммо тўхта-толмади. Зеро, у бўронларда яшашни ёқтирарди. Унинг ўзи ёзганидек:

*Ғам чекиб, ҳам кулиб қўшиқлар куйлаб,  
Ҳам ўйлаб, ҳам севиб яшаймиз бизлар.  
Бўрон ҳайқирмоқда, шамол дарғзаб...  
Бўронда яшамок шарафдир, дўстлар.*

Ҳа, В. В. Куйбишев содиқ ленинчи, пролетар революциясининг дарғаси, социализм учун оташин курашчи, Урта Осиё халқларининг оғаси, ленинчи большевик сифатида ўзининг бутун жўшқин ҳаётини, партия ва давлат арбоби фазилатини партияга, социалистик Ватанга, халққа бағишлади. У ҳақиқий коммунист, ленинчи раҳбарлик намуналарини кўрсатди. В. В. Куйбишевнинг бу фазилатлари ҳозирги кунда, яъни партиямизнинг тарихий XXVII съезди кўрсатмалари асосида амалга оширилаётган қайта қуриш, демократиялаш чуқурлашаётган, ошкораликка катта эътибор берилаётган даврда янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Н. АХМЕДОВ,  
Л. МАМАСОЛИЕВ**

Самарқанд

Эркатош ШУКУРОВА

## БОЛАЛИК

*Умр — йиллар ўтади, сезмаймиз,  
Болалик кетади олислаб.  
Бир интиқлик билан  
Туғиб олгим келади*

*қўлчаларидан,  
Эркалатиб, ўпиб,  
Осмонларга етгим келади...  
У эса кетади югургилаб.  
Гоҳ капалаклар ортидан чопар,  
Йўлларида гул очилган чаппар.  
У ёмонликни, маккорликни,  
Хушомадни билмайди.  
Ширин сўздан,*

*Чиройли ранглардан,  
Эркалашлардан қувонади,  
Жилмаяди, кулади...  
Умр — йиллар ўтаверади,  
Болалик гоҳ кўринмай қолар,  
Суриштирмоққа тополмайман вақт,*

*Йўқдир фурсат,  
Болалик, ўзингни бир кўрсат.  
Қиёссиз исларингни  
Тўйиб ҳидламоқни,  
Майин гул юзларингга  
Юзларингни суйкамоқни жуда соғиндим.*

*Кел, болалик,  
Жажжи қўлчаларинг билан  
Мени қучоқла,  
Чарчадим,  
«Сойга оққан сувларни кўриб»,  
Зеро, йўлига интиқ, ташна  
Чечаклар қурир.  
Чарчадим,  
Фош бўлмай келмоқда*

*«ўғри»лар.*



*Алдов эса  
Хаёлларни, хаёлларни ўғирлаб,  
Севгининг эртақларида,  
Ор, номуснинг этакларига  
Илондек кирмоқда жим,  
судралиб.  
Юрагимда оғриқ уйғонар,  
Лоқайдлигу — тугун тўлғонар.  
Болалик, кел,  
Қўлларимдан тут.  
Баҳор чоғи кўнгилга ёғмоқдадир қор.*

*Қуёш бўлиб кура  
Шаффоф нурларинг билан.  
Гул бўлиб ун,  
Оламга гарат ялпиз бўйларин.  
Хиёнатга,  
Елгонга,  
Емонга ишониб,  
Воз кечмоқ мумкин эмасдир  
Яшашдан,  
Курашдан...*

Каттакўрғон





# Замон хизматида

Малик МУРОДОВ,

филология фанлари доктори, профессор

**К**ИШИЛАРНИНГ, хусусан ёшларнинг маънавий дунёсини бойитишда, уларда энг яхши инсоний туйғуларни, юксак одамийлик фазилатларини шакллантириш ва камол топтиришда халқ даҳоси яратган бебаҳо мерос — оғзаки бадиий ижод дурдоналари, мусиқа ҳамда рақс санъатининг аҳамияти бекиёс. Шу боисдан ҳам республикамизнинг бир неча районларида фольклор-этнографик ансамблларининг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Аммо республикамизда халқ оғзаки ижодини тўплаш, нашрга тайёрлаш ва илмий-тадқиқот ишлари амалга оши-

рилган, фаннинг бу соҳасида қирқдан ортиқ фан кандидатлари, ўнлаб фан докторлари излашнишлар олиб бораётганликларига қарамай, ҳамон фольклор амалиёти, яъни маданий-маърифий ишлар, клублар ва кутубхоналар тадбирларида, омма орасида халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш, қадимий ва ҳозирги замон фольклори намуналарини турмушимизга янада кенгроқ татбиқ қилиш борасида ҳамон оқсаётганлигимизни айтиб ўтиш жоиздир. Очик-ойдин эътироф этиш керакки, бу долзарб масалалар билан ҳеч ким махсус шуғулланмайдди. Биргина халқ ансамбллари, шу жумладан, фольклор-этнографик ансамблларини ташкил этиш ва

уларни бошқариш ишларини олиб кўрайлик.

Маълумки, 70-йилларнинг охирида айрим пенсионер онахонларимиз томонидан қалб амри билан ташкил этилган фольклор-этнографик ансамбллари (масалан, Бўстонлиқ районидagi «Гулёр», Намангандаги «Ер-ёр» кабилар) бошлаб берган хайрли иш — кекса истеъдодлар уюшган фольклор-этнографик ансамбллари тузиш ташаббуси қисқа муддат ичида республика бўйлаб кенг қулоқ ёйди. 80-йилларга келиб, ҳатто колхоз-совхозларда ҳам шундай алоҳида ансамбллар ташкил этила бошланди. Бу ҳаракат, хусусан, халқ ижодиёти Бутуниттифоқ II фес-

тивалига тайёргарлик бошланиб кетган ва давом этаётган пайтларда ниҳоятда ривожланди.

Фестивалга тайёргарлик, I—II кўрик-конкурс турларини ўтказиш, ўзаро беллашувлар, учрашув-мусобақалар, тортишувлар бундай ансамбллар фаолиятининг янада ривожланишига туртки бўлди.

Демак, Ўзбекистонда фольклор-этнографик ансамблларнинг пайдо бўлиши ва тез орада кенг қанот ёйиши қонуний ҳодиса бўлиб, ҳаёт ва халқ маънавий талаб-эҳтиёжларининг ифодасидир, деб англамоқ лозим. Хусусан,

(Давоми 21-бетда)

(Боши 1-бетда)

Тинимсиз ишлаш, изланиш йиллари бошланди. Унинг ишларига ота ўғити қанот, эл ҳамкорлиги нажот бағишлади. Планлар бажарилди. Ҳосилдорлик ошди. Юз ёруғ бўлди, ўзига ишонч кучайди. 1964 йил Боймурод акага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони берилди. Унинг тажрибаси кенг оммалаштира бошланди. 1968—1971 йилларда икки чақирик Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати этиб сайланди. Бирин-кетин кўксига Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва қатор медаллар порлади.

Даромад ошиб, бригада меҳнат аҳли яхши ҳақ ола бошлади. Меҳнатга муносабати яхши. Ўзаро ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Қишлоқ хонадонларида бирон-бир тадбир бригада бошлигининг маслаҳатисиз ўтмасди. Унинг йўл-йўриқ кўрсатишига мунтазир эди. Бу — йилдан йилга ҳосилдорлик, иш ҳақи, маъмурилик ошганлигининг ша-рофати, албатта.

Бироқ 80-йилларнинг бошида бу фаровонлиқнинг айрим деворлари дарз кетди. Ноаниқ планлар юқоридан қалаштириб ташланди. Ҳосилдорлик кўрсаткичи юқорига, иш ҳақи қуйига ўсди. Одамлар ўртасида парокандалик кайфияти кучайди. Нега?..

Бунинг сабаблари эндиликда ошкор таҳлил этилаёпти. Афсуски, ўша пайтларда Боймурод ака колхоз правлениеси ва партия ташкилотиди, райком пленумларида бу ҳақда гапирганида ҳеч ким қулоқ солмаганди ёки «овозингни ўчир» қабилда иш туттишганди. Нафақат у, балки унга ўхшаганларнинг сони мингта...

Бугунги пленумда ошкора мулоқотнинг авж олгани уни янада ҳаяжонлантираётганди. Боймурод Рамазоновнинг ҳам Бухоро район партия комитети бюро аъзоси, Лоша қишлоқ Совети депутати, колхоз правлениеси аъзоси сифатида айтадиган гаплари кўп. Ниҳоят, навбат унга келди. Минбар томон йўл олди-ю, аммо хаёллари паришон. Қўлидаги қоғоздан колхоз, бригадаси эришган ютуқларни ўқиди, бригаданинг ҳар гектар ердан юбилей йилида 43,7 центнер ҳосил

кўтарганини, пахтачиликдан 330 минг сўм даромад қилганини, бу бултурги ялпи даромаддан 100,2 минг сўм кўплигини, Холмурод Рамазонов, Аҳмад Сафаров, Камол Ҳайитов, Аллома Баротова сингари бригада азаматларининг бу ютуққа қўшган ҳиссаларини бафуржа айтиб берди. Бироқ бу билан кўнгли тўлмади, қоғозларни йиғиштириб қўйиб, залдагиларга дадил мурожаат этди:

— Ўртоқлар, мамлакатимизда янгича ўйлаш, янгича ишлаш, янгича яшаш, яъни янгиланиш шабадалари бизгача етиб келди. Энди деҳқон ҳам, чорвадору сабзавоткор ҳам дўппини бошдан олиб қўйиб, мустақил, лекин ўта фойдали ишлаш ва яшаш йўллари излаши керак. Ўртоқ Алибоевнинг биз, деҳқону чорвадор ва сабзавоткорларга нисбатан қилган таънаси жуда тўғри! Менимча, маҳсулот танқислигини йўқотадиган бир қатор омиллар бор. Мен шу ҳақда тўхталмоқчиман. Биринчидан, ариқ-зовурлар, экин майдонларининг бўш турган четларига мевали дарахтлар ўтказиш керак. Илгари қишлоқларимизда ана шундай дарахтлар кўп эди. Езу қиш аҳоли ҳўл ва қуруқ мева билан таъминланарди. Ҳозир-чи? Афсуски, ўрик, олма, олхўри, мурут, жийда, чилон жийда, балх тут дарахтларини ерларни карталаштириш баҳонасида битта қолдирмай қўпориб ташладик. Мана ўша бепарволик, лоқайдлик қандай оқибатларга олиб келди? Иккинчидан, алмашлаб экишга эътиборни кучайтириб, шу орқали чорвачиликни ривожлантирайлик. Яъни пахтачилик, сабзавотчилик бригадаларида 20—30 гектар бедазор ташкил этиб, дала шийпонлари қошида қорамоллар боқишни йўлга қўйайлик. Қишлоқда яшовчи оилаларнинг ҳар бирида сигир, қўй ва парранда бўлишига эришайлик. Ана шу шахсий ёрдамчи хўжаликни ҳам озуқа билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Учинчидан, ҳосилдорликни оширишнинг бирдан-бир йўли — захарли химикатлардан «бетоб бўлган» ерларни кўпроқ маҳаллий ўғитлар билан тўйдиришдир. Биз бригадамизда худди ана шу мақсадда учта ҳар бири 500 тонна маҳаллий ўғит сигмига эга хандақ тайёрлаганмиз. Уларда

йил давомида ўғит чиритилиб, ерга сингдирилади. Чириган ўғит тупроққа тезгина аралашиб кетиб, экинга «ҳазм» бўлади. Бригадамизда ҳосилдорликнинг ошиши сири ҳам ана шунда. Бу нарса район хўжаликларидида амалда қўлланса, айни муддао.

Юқорида таъкидлаб ўтганим — уч тадбир амалга оширилса, менимча, Озиқ-овқат программасини бажарган, серобликка эришган, бозор нархини туширган, магазин ва дўконларни арзон гўшт, сут маҳсулотлари ҳамда мева-сабзавот билан тўлдирган бўламиз. Бу, баландпарвоз қилиб айтганда, дилдаги умид шуъласидир.

Кўпни кўрган тажрибали деҳқоннинг бу гаплари ҳаммага маъқул тушди. Обком вакили ҳам уни қўллаб-қувватлади. Боймурод ака ўша куни пленумдан қайтиб, тўппа тўғри Ўртачўлга тутатиб кетган бригадасининг бағри кенг далаларига йўл олди. Кечгача дала айланди, янги режалар тузди: «12 картадан иборат пахта пайкалларидан турлича ҳосил олинаяпти. Паст ҳосилли карталарга кўпроқ маҳаллий ўғит киритиш керак...» Сўнгра ўзи пленумда далаларда мевали дарахтлар бўйича киритган таклифини ўйлади.

Хаёлида бўлажак дарахтлар, қуёш нурида олтиндек товланиб турган ҳар хил мевалар жонланди. Юраги қаприқиб кетди. Зумрад далалар, ошпоқ «оқ олтин»га тўла пайкаллар эгагида осмонга бўй чўзган дарахтлар нақадар кўркам, сервикор кўринди унинг наздида. Бу дарахтлар тўкин-сочинлик манбаи, фаровонликни таъминловчи умид шуъласи бўлиб порлаётгандай гўё. У ўшандан буён ана шу умид ва ёрқин режалар завқи билан яшаб, меҳнат қилиб, ниҳоллар ўтказиб, ҳамма-ҳаммага қуйидаги сўзларни ҳайқириб айтгиси келди: «Ҳой, одамлар! Ҳаётни гўзал, турмушни фаровон, юртни обод қилиш сизнинг қўлингизда. Келинг, ниҳол ўтказайлик, боғ кўкартирайлик, ўзимиз учун, келгуси авлод учун тўкин-сочинлик манбаини яратайлик! Бу бизнинг инсоний бурчимиздир!»

Бахшулла РАЖАБОВ

Бухоро райони



## «ЯНГАМГА УЙЛАНМАЙМАН»

У болаларнинг: «Дадам келди», «дадам келаяптилар» дея қувонишларини кўриб эзилиб ўсарди. Отажонини қўмсайди. Алланечук ҳолатда: «Дадажон... дадажоним, қайдасиз...», деб юборишдан ўзини тийиб қолади.

Шундай пайтлари онаси унинг бошини силайди: «Отанг иш билан узоққа кетган, ҳали келади», деб овутади. Бола ишонади. Эшик тик этса: «Келдимикан», деган умид билан йўлакка қарайди.

Султон онасининг гапига ишонган эди. Неча-неча тунларни отасиз ўтказган бўлса-да, кўнгил узмади. У оқ-қорани фаҳмлай бошлаганда, интизор нигоҳларида ғазаб ўти ёнди.

Айниқса тунлари юм-юм йиғлаб чиқадиган онаизорнинг: — Энди даданг қайтмайди. Пешонамиз шўр экан. Не кунларга қолдик, болагинам, энди амакинг Ваҳоб сизларга оталик қилади, — деганини эшитиб, чидаб туролмади.

— Йўқ, йўқ, ишонмайман. Дадам албатта келадилар. Нега амаким ота бўлар экан. Дадамчи?

— Таомил шунақа: сизлар бегона бўлмасликларинг керак. — Таомил нима? Сиз кўндигизми?

— Иложим йўқ, болам. Катта бобонгу хеш-таборларнинг юзига оёқ кўйишга ожизман. Рози бўлмасам, уруғдан ажратишади. Яккалашади. Бу «таклиф»-ни сизларни ўйлаб қабул қилаяпман, ёлғизларим...

Орадан олти ой ўтгач, Бибинор таомилга кўра ўздан тўрт ёш кичкина бўлган қайниси билан бир ёстиққа

бош қўйди. Энди эса... акасининг болалари Ваҳоб учун фарзанд саналади.

Қаранг-а, бир инсон не-не орзу-умидлар билан севиб, севилиб оила қурган эди. Аммо умри қисқа экан. Энди унинг хотини укасига хотин бўлди. Вақт ўтиши билан марҳумдан на ном, на нишон қолади. Хотираси унутилади. Ота-боболар таомили, удумимиз деб ўз қобиғига ўралиб яшаш — марҳумлар хотирасига нисбатан ҳақорат. Қолаверса, инсоний туйғуларнинг оёқ ости қилинишидир.

Бу тўқима ёки афсона эмас, сиз билан биз жамиятимизда социалистик принципларни мустаҳкамлаётган, келажак кишини коммунистик руҳда камол топтираётган бугунги кунда рўй берапти. Уруғчилик, оғайникашлик чуқур илдиз отган баъзи жойларда «қўл синса энг ичида» қабилида иш кўриб, эскилик урф-одатларига кўр-кўрона бўйсунилмоқда.

Сурхон воҳасида табиатнинг хушманзаралиги билан ажралиб турадиган тоғли Бойсун районининг қишлоқларида яшовчи тўдаци авлоди, пасурхичи, дарбанди, кўчкаги, сариосиёчи, шўроби каби уруғларида ҳанузгача ана шундай одат сақланиб келинаётган.

Мабодо келин бева қолса, у албатта қайниси ёки қайноғасига (агар у бўлмаса, яқин қариндошига) унаштирилади. Бордию, йигитнинг турмуш ўртоғи бевақт ҳаётдан кўз юмса, у ҳеч иккиланмай марҳуманинг синглисига уйланади. Бундай урф-одатлар албатта энг ичида амалга оширилади.

Бойсунлик Ҳайдар исмли йигит Тошкентда олий билим даргоҳида таҳсил олиб юрганида акаси оғир касалликдан вафот этди. Янгаси 25 ёшида уч ўғли билан бева қолди. У ҳам ҳамма ёшлардек орзу-ҳавасли, оиласи тинч, кўнгиллари бир дарёдан сув ичарди. Бешафқат ўлим ўзалигини кўрсатди.

Ҳайдар ўқишни тугатиб, қишлоғига қайтгач, унинг ота-онаси жианлари бегона бўлмаслиги учун янгасига уйланиши лозимлигини такрор-такрор уқтиришди. У катталарнинг таомил деб бешафқатлик қилаётганини, қолаверса, ўз севганига уйланажани билдирди:

— Сизлардан ўтиниб сўрайман, ўз ҳолимга қўйинглар — деди у. — Тўғри, ота-боболаримни ҳурмат қиламан. Янгам ва унинг фарзандларини ёлғизлатиб қўймайман. Ердан қўлимни чўзиб, акамнинг хотираси ҳақи ҳурматини сақлайман. Фақат сизлардан ёлғиз истагим мени мажбуран: «Янганга уйлан», деманглар.

— Ўғлим, шаҳарда юриб, уруғимиз таомилини унутибсан. Биров эшитса, нима деган одам бўламиз. Акаси ўлди, янгасини бегоналаштирди, демайдими? «Қари билганини пари билмас», дейдилар. Айтганимизга хўп дегин!

— Йўқ, онажон, акамнинг ўрнини мен боса олмайман. Янгамга уйланмайман! Таомил-таомил деймизу инсон кадр-қимматини оёқ ости қиламиз. Ахир, менинг ҳам сўзларимга қулоқ солинглар!.. Бу инсонни хўрлаш-ку!

... Ҳайдар сўзида турди. У ўзининг аҳдлашган қизи Ҳилола билан оила қурди. Ҳозир бахтли турмуш кечираяпти. Янгасини ишга жойлаштирди. Унинг ҳам рўзгорига қаршиби турибди.

Ҳар хил удумларга, диний сарқитларга биз ёшлар сабр-тоқат, мустаҳкам ирода билан қарши турсак, ҳеч қачон опа-сингил, ака-ука ва биродарлар ҳамда азиз одамларнинг бахти завол топмайди. Инсон хотираси азизлигича қолади. Хаёлимдан шу фикрлар ўтаяптию, ёш замондошларимизнинг қалбида бу урф-одатларга нисбатан уйғонган чексиз ғазабни, наҳотки, жойлардаги атеистик тарбия билан шуғулланадиган масъул шахслар, маҳалла-кўй, комсомол коллективларининг назаридан четдалигига қайрон бўламан. Ахир, ҳамма қайта қуриш талабларини изчил амалга ошириш учун аввало кишиларимиз онгини замонга мослашимиз керак-ку. Бунинг учун эса атеистик тарбиянинг янги-янги шакллари, яқка тартибда, лекция ва суҳбатлар асосида ишни олға юрдиришнинг вақти келди.

Гулгун ҳаётимизга соя ташлаб турган ҳар хил удум, ирим-сиримларнинг зарарли эканлигини одамларимизга англишимиз керак. Бу — ҳар бир қалбида ўти бор, оқ-қорани англай оладиган замон кишининг бурчи. Шундагина теварак-атрофимизда, қишлоқ жойларда рўй бераётган айрим бўлмағур расм-русм, одатлар ўрнига янгича анъаналар қарор топа боради.

Жўрамуҳаммад РУСТАМОВ

Сурхондарё области

## ТЕГИРМОН ОРТИҚЧА ЮКМИ?

Қишлоқнинг қоқ марказида эски тегирмон бор. Унинг супасидаги улкан чинор тангадай офтоб нурини ерга туширмайди. Тегирмон паррагига урилиб зарраланаётган зилол сув атрофга муздек шабада уфуради. Тегирмонтошнинг гулдироқ овози бу масканга кўрк бағишлайди. Оппоқ ун гардига беланган тегирмончи Жўракул ота Шарипов тошсупа устида оёқларини чалиштирганича, ўйноқлаб оқётган сувга боқиб, хаёлга ботиб ўтирибди. Отахон йўқлаб келганимдан хурсандлигини яширолмади.

— Ундек азиз, сиз каби оқ ниятли кишиларни эсламай бўладими?.. — дедим отанинг кўнглини чоғлаб. Ростини айтганда, тегирмон ҳақида ёзиш нияти мени кўпдан буён тинчлантирмас эди. Магазинларда ҳар хил

навли нон, ун етарли бўлса, бунинг устига, аҳолининг қандайдир алмисоқдан қолган тегирмонга анча йиллардан буён иши тушмаётган бўлса, бу ҳақда ёзиш шартмикин?

Фан ва техника тараққиёти даврида бу масала аҳамиятсиздек кўринади. Дарҳақиқат, техника кучайиб, халқимизнинг нон ва нон маҳсулотига бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда. Аммо эски тегирмонлар-чи?

— Отахон, қарийб ўттиз йилдан буён тегирмончилик қилар экансиз. Уни ётқизиб қўймаслик керак. Эшитишимга қараганда, бу тегирмон кўп одамларни оғир йиллардан омон асраб ўтган. У ноёб мулк... Тегирмончиликдан қанча фойда кўрасиз, — сўрадим.

Ота кулди:

— Одамларга ҳайрон қоласан киши. Ҳам-

ма нарсани фойда кўриш билан баҳолашади. Бу дунёда савоб иш қилиш деган гап ҳам бор-ку! Бир пайтлар тегирмон колхозга катта фойда келтирарди. Фермалар учун донли озуқалар шу тегирмоннинг гарданида эди. Колхозлар, бундан ташқари, ойда 1,5—2 тоннадан ошириб буғдой даромад қиларди. Ҳозир даромад камайиб кетди. Эътибор ҳам сусайди. Шундай пайтлар бўладики, колхоз кўзи тўрт бўлиб қайлардан-дир озуқа олиб келинишини кутади. Лалми ерда қанча гектарлаб буғдой, макка етиштирилади. Давлат планлари ошиб-тошиб кетади. Омборда эса дон мўл. Ана шу тўпланган жамғармани қишин-ёзин тегирмондан ўтказиб, чорва моллари учун озуқа ҳозирлашни йўлга қўйса, бунинг устига, сувте-



гирмон электр энергиясини талаб қилмайди, у кони фойда-ку. Қолаверса, у — тарих гувоҳи...

1933—1934 йиллари эди. Уша йиллари йил ёмон келди. Очарчилик. Одамлар бурда нонга зор. Кишилар иложсизликдан кунжа-ра еб шишиб ўлганларини биламиз. Ушанда бир килограмм уннинг бозор баҳоси 50—60 (ҳозирги 5—6) сўм. Одамлар бор бисотини сотиб бўлса-да, тирик қолишнинг йўлини қидиришади. Катта оила бир килограмм унни икки кун атала қилиб ичишарди. Ана шунда бу «Дев тегирмон» шоҳқишлоқликларни ўлим чангалидан асраб қолган. Иккинчи марта 1943—44 йиллари юқоридаги ҳол такрорланди. Бунда 1 килограмм уннинг бозор баҳоси 70—80 (ҳозирги 7—8) сўм. Уруш, фронтдагиларга ёрдам қилиш керак, бу ёқда халқ оч...— Бир дам ота сукутга толди, сўнг суҳбатини давом эттирди.— Ота-боболаримиз, савоб иш қиламан десанг, тегирмончилик қил, етти йил пода бок, ё экин экиб, элни шираю шарбатга тўлдир, деганлар. Мана, ҳозир тегирмонни қайта қабул қилганимга ҳам 10 йил бўлди. Илгаларлари шу атрофларда тегирмонлар анчаги-

на эди. Ҳозир борлари ҳам тутдай тўкилай деб турибди. Бу ҳақда кўмак сўраб колхознинг собиқ раиси Болта Эшонқуловга ўн бора мурожаат қилгандирман. Орада янги раис сайланди. Каромат Аллаев — ёш раис. Ердан сўраб, уч маротаба ҳузурида бўлдим. Зора арзимни тинглаган бўлса.

— Ота, тегирмон колхоз учун ортиқча юк деган қарашлар ҳали ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ. Агар ундан тадбиркорлик билан фойдаланилса, фойда кўриш мумкинми? Айниқса, қайта қуриш шарофати билан қороналар ўз-ўзини бошқаришга ўтаётган шароитда.

— Тадбирли одам ҳар нарсадан фойдаланиши мумкин. Колхозлар тегирмондан ўринли фойдаланса бўлади. Тегирмон бўлса бор. Омборда бугдой, макка тиралиб турган бўлса. Ишнинг кўзини билиш керак.

Кўринишидан киши диққатини тортмасда, ҳали халқ хўжалиги учун анчагина асқотадиган бу «дев тегирмон» олтидан анча пайт кета олмадим. Қандай имкониятларга эгамиз-а. Буларнинг ҳаммаси ўз эътиборсизлигимиз натижасида унутилмоқда. Халқимиз азалдан тарихий обид-

ларга бой. Биз Россия, Украина, Беларусия ва бошқа қардош республикаларда бўлсак, тегирмонлар кўрки, кадр-қиммати ўз-ўзини йўқотмаганлигини кўраемиз. Бизда эса вақт ўта бориши билан унутилади. Мисол, Сурхондарё областининг тоғли Сарисийё, Денов, Шўрчи, Войсун районларининг қишлоқларида яқин-яқин йилларда ҳам тегирмонлар кўп эди. Уша йилларда Сарисийё районининг «Ленинизм», «Правда», «Дашнобод» совхозининг Пастбоғ, Свердлов номли колхознинг Сўфиён, Ғайрат, Шоҳқишлоқ қишлоқларида ҳатто иккитадан тегирмон ва жувоз, обивозлар бўлган. Ҳозир эса уларнинг сони районда 1—2 тани ташкил этиши мумкин. Марказий музейларда ҳам бу ҳақда бирор бир маълумот ололмайсиз.

Зотан, ўзбек халқимиз ўзининг гўзал обидалари билан машҳурдир. Бироқ бизда ҳали кўп нарсалар назардан четдадир. Инчунун, эски тегирмонларни асраб қолиш, уларни ёш авлодга мерос қилиб қолдиришни унутмаслигимиз керак.

Турсунбой МАҲМАДАЛИЕВ  
Сурхондарё области

# Қишлоқда

# ЯЙЛОВ

# БЎЛСА...

Туб аҳолининг 80 фоизи республикамиз қишлоқларида истиқомат қилиши манбалардан маълум. Уларнинг йиллик гўшт истеъмоли жон бошига 10—11 килограммни ташкил этади. Сут, қатик, сарийёг тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Ҳаммага аён, аҳолининг 60 фоизидан кўпроғи шаҳар магазинларидан сут-қатик, сарийёг ташиб келадилар. Сабаби, қишлоқда яшаётган оилаларнинг кўпчилигида чорва молларини сақлаш имкони йўқ. Ҳақли савол туғилади: қишлоқда яшаб мол ушламасликнинг сабаби нима? Аҳолининг шахсий чорваси учун бирорта колхоз-совхозда яйлов ажратилмаган.

Пахта эгатидан, бедазор, макказор чеккаларидан ёзи билан ўт ташиб боқишнинг уддасидан чиққанларгина сут-қатик ичадилар. Қишлоқ жойларида яшаб, қишлоқнинг чангу тўзонига, гарду шамолида бутифос каби заҳарли химикатлар орасида бўла туриб сут-қатик ичиш, гўшт-ёғ истеъмоли қилиш узоқ йиллар мобайнида режадан анча кам бўлганлиги оқибатида, кейинги йилларда халқимиз соғлиқ-саломатлиги анча ёмонлашиб қолди. Камқонликнинг

ҳам, сариқ касалининг ҳам, рак ва ҳатто болалар ўлимининг сабаби — шарт-шароитнинг йўқлигидандир.

Партия ва ҳукуматимизнинг халқимизга бўлган ғамхўрлиги чексиз. Қишлоқ магазинларининг қайси бирига қараманг, озиқ-овқатнинг ҳамма тури тўла-тўқис, серобчилик — ун, гуручдан тортиб, макарон, вермишель, лапшагача, пахта ёғи, ширинликларнинг ҳамма турлари муҳайё. Кийим-кечак, уст-бошларни халқимиз танлаб киймоқда. Фақат сут-қатик, гўшт-ёғ масаласини ҳал қилиш мушкул бўлапти.

Республикамиз агросаноати раҳбарлари колхоз-совхозлар чорвасини яйлов ёки ем-хашак билан таъминлаш тадбирини планлаштираётган вақтида аҳоли чорваси учун ҳам қулайлик яратишни ҳисобга олишса, халқ фаровонлигини таъминлашда катта ғамхўрлик қилинган бўлур эди. Колхоз-совхозларнинг деярли ҳаммасида халқ чорваси учун яйлов йўқ, яйлови борларида эса подачи йўқ. Бу ҳол аҳоли ўртасида қийинчилик туғдирмоқда. Шу сабабли ҳар бир колхоз-совхоз раҳбари авваламбор халқ чорвасини яйлов билан таъминласа,

подачи ва чўпонларни ҳам колхоз-совхоз томонидан тайинлаб, уларнинг меҳнатига арзигулик ҳақ белгиланса, уй-жой билан таъминлаш йўлга қўйилса, давлатга ҳам, халққа ҳам кони фойда. Чунки колхоз ва совхозларда аҳоли чорвасини боқиш ташкил қилинса, меҳнаткашларнинг ортиқча ташвишланишига ўрин қолмасди. Ўз-ўзидан маълумки, бу иш унумини бир қадар ошириш имконини яратади. Иккинчидан, аҳоли подага ва чўпонларга бериладиган ҳақни колхоз-совхоз кассасига тўласа, бу борада ҳам тартиб ўрнатиларди. Зеро, бундай фойда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съездида чорвачилик маҳсулотларини ошириш борасида гапириб, алоҳида таъкидлаган: «...колхоз ва совхозларнинг имкониятларини намоён қилишимиз, деҳқонларнинг чинакам омилкорлик ишига бўлган ҳуқуқини реал равишда таъминлашимиз лозим», деган кўрсатмаларига амалий жавоб бўларди.

Абдуғаффор АБДУҚУНДУЗОВ

Ховос

Қадрли журналхонлар!

Биз «Гулистон» почтаси — қайта қуриш: хат ва ҳаёт» рубрикаси остида жойлардан келаётган хатлар асосида ўткир муаммолар, қизиқарли воқеалар, ечилмаган жумбоқлар, қайта қуришнинг илк ютуқлари, самарали тадбирлар ёки қайта қуришнинг айрим соҳалари келтириб чиқарган муҳим масалалар кўтарилган хабар ва материалларни ёритиб борамиз. Айрим хат ва хабарлар баҳсли бўлиши мумкин. Улар ҳақида сиз журналхонларнинг фикр-мулоҳазаларингизни

кутаемиз. Кўтарилган мавзунинг муҳимлигига қараб, баъзи хатлар асосида мутахассисларнинг мақолаларини уюштириб, шу мавзу борасида атрофича маълумот бериб борамиз. Масалан, бир-бирига ўхшамаган учта хат босилапти. Журнализмнинг яқин сонларидан бирида шу саҳифадан ўрин олган Ж. Рустамовнинг «Янгамга уйланмайман» хатига жавоб тариқасида мутахассис мақоласини бериш ниятимиз бор. Сизлар нима дейсизлар?

## Об-ҳаво даракчилари

Бундан 80 йил муқаддам Ҳинд океанининг Маврикий оролида Мандерс исмли инглиз подполковниги хизмат қиларди. У ўз хизматдошларидан тирик жонзот-

ларга қизиқиши, айниқса кўпроқ — тропик жойларда учраб турадиган капалакларни севиши билан ажралиб турарди. Ундан мерос қолган 155 нусхадан иборат, ноёб энтомологик коллекция Оксфорд университети музейида сақланмоқда.

Мандерс ўзи хизмат қилган жойда ҳавонинг ҳароратини ва ёғин миқдорини ҳар кун икки мартадан батафсил ёзиб борган. Омадни қарангки, бу ёзув-

лар сақланиб қолган. Қузатувчи-табиатшунос сифатида у ўзининг энг сеvimли кўнғир капалакларининг бир-биридан фарқланувчи икки тури борлигини аниқлаган. Подполковникнинг тахминича, бу нарса фаслнинг қуруқ ёки ёғинли келишига, гумбакларнинг қайси вақтда жонланишига боғлиқ. Энтомологлар унинг тахминларига, гарчи у ҳозиргача ҳеч қандай статистик таҳлилларда қайд этил-

маган бўлса ҳам, жиддийлик билан ёндошиб келмоқдалар.

Яқинда Кардиф университети (Буюк Британия)нинг ходими Пол Брейкфилд унинг коллекция ва ахборотларини яна қайтадан текшириб чиқди. Маълум бўлишича, гумбакдан капалак чиққунга қадар икки-уч ҳафта олдинги ҳаво ҳарорати бу кўшқанотлиларнинг қандай шаклда бўлишини белгилар экан.







# ШОИР

(АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДИГА  
ЧИЗГИЛАР)



Ўн йилча бурун Ўрта ер денгизи бўйлаб сафар қилган эдик. Жугрофий хариталарда уч қитъа ораллигида энсиз камардек чизилган Ўрта ер денгизи учи-қуйруғи кўринмас, беҳудуд уммон экан. Саёҳат бошида Рим осори-атиқалари, Ватикан музейларини қизиқиш билан томоша қилган туристлар кўп ўтмай уйларини, Ватинини қўмсай бошладилар. Корсиканинг сўлим манзараси, испан тоғлари, Истамбулнинг қий-чувга тўла бозорлари ҳам диққатни тортмай қўйди. Олағовур, ярим яланғоч ресторандар, беҳаё, фаҳш билан тўла эстрадалар меъдага тегиб бўлган эди. Бир кун Валенсиядан Мадридга автобусда кетаётгандик, кимдир шеър ўқий тиклифини орага солди. Волгоградлик саёҳатчилар мулозамат қилиб ўтирмай, Роберт Рождественский шеърларидан ўқий кетдилар. Сўнг украин, қозок, латиш тилларида шеърлар янгради. Ёнимда ўтиридан машҳур газалхон, марҳум Қодир Махсумов мени туртиб: «Сен бирор нарса айт, бу ерда аруз кетмайди», деб қолди. Яхши-ёмон ўқиганимни ким билиб ўтирибди, дедим-да ёдимга келган шеърни айта бошладим:

*Парчагина булут,  
Чексиз осмон,  
Адир ортидаги ёлғиз оёқ йўл,  
Барча ташвишларни унутиб шодон,  
Қайтгим келаётир қошинга буткул...*

Сўзнинг кучи, шеърнинг сеҳри ва қудрати ҳақида озми-кўпми тасавурум бор эди. Лекин, ҳаётимда биринчи бор ана шунда шеърнинг таржимонсиз юракларни забт этиши гувоҳи бўлдим. Мен ўқиган шеър «Соғинч» деб аталарди. Шеърнинг мазмуни тўлиб турган юракларга шундай куйилди, чоғи.

Қизиғи шундаки, беш соатлик йўлда мен айтган шеърнинг биринчи банди рус, украин, латиш, қозок талаффузлари қоришган ҳолда ғалати бир оҳангдорлик қолса этиб янграй бошлади. Бутун автобус, совет саёҳатчилари Ватандан жуда олисда, испан тупроғида Абдулла Ориповнинг «Соғинч» деган шеъри биринчи сатрини жўр бўлиб айтдилар.

60-йилларнинг иккинчи яримларидан эътиборан ҳаётимизда дабдаба, ҳашам, қарсақбозлик авж олган эди. Айрим ижодкорлар йилдан-йилга миллионлик сарҳадларни «писанд» қилмай юксалаётган «оқ олтин» тоғларига, охири ўйланмай ўзлашти-

рилган «бўстонларга» маҳлиё бўлиб асарлар яратдилар. Шу боисдан, бу йилларда адабиётда катта мансабдорлар, «ҳозирги давр бойлари» образлари қалашиб кетди.

Ленин ғоялари қон-қонига сингиб кетган ижодкор учун бундай силлиқ, ҳатто, мартабаларга йўл очадиган йўналиш тамомила ёт нарса эди. Ўша пайтлар, Абдулла Орипов шеърлари минг машаққат билан, онда-сонда кўринадиган йилларда баъзи шоир ва ёзувчилар жилд-жилд китоблар чиқариб олдилар, юмшоқ ўриндиқларда талтайиб ўтирдилар, мукофотлар шавқидан маст бўлдилар. А. Ориповнинг 1964 йилда ёзилган «Юзма-юз» асарини қайта-қайта ўқиб, шоир жасоратига қойил қоласан киши. Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам ҳозир очикчасига айтилаётган гапларни гапириб кўринг эди! Энди, тап тортмай айтилаётган даъволардан ажабланамиз. Ўзини фидойи қилиб кўрсатишга тиришаётган айрим ижодкорлар: «Мен фалон номда асар ёзиб, ҳаётдаги бузилишларни тасвирламоқчи бўлган эдим», қабилида кўп гапирадиган бўлиб қолди. Ботирларнинг қачон кўпайиши маълум, албатта. Ўша йилларда аксарият маддоҳлик йўлини тутган бўлса, айрим мулоҳазакор ёзувчилар «мудофаада» турдилар. Санокли ижодкорларгина ҳақ гапни айтишдан чўчимади. Албатта, юки йўқ асарлар ёзиб, сонда юриш қулай. Ҳақиқатни юзга айтиш, унинг оқибатларига мардонавор қўқрак кереш учун эса ирода, ирода бўлгандаям коммунистик ирода керак эди. Ўшанда шоир шеърларини элақдан ўтказиш, нохушроқ туйилган сатрлар хусусида зуғумлар қилиш кимларнингдир эрмаги бўлиб қолган эди. Шоир зуғумлардан тап тортмади, адолатсизлик юз берса: «Бўлсанг-да худо номингни шайтон ёзажакман», деб ҳайқирди.

Ҳа, гап «Юзма-юз» шеъри ҳақида эди. Ўша руҳда ёзилган мана бу мисраларга эътибор қилайлик:

*Бироқ урраларни севмайман ҳали,  
Урра демоқликка қисқидир тилим.  
Баъзи одамларни кўрсатиб ҳали,  
Қийиндир соф инсон дея атамоқ.*

Урралар... 70-йилларнинг иллати ҳам ана шу асоссиз қарсақбозликда, урра-урраларда эди. Пахта далаларига яқин йўл бўйлариди қурилган қасрлар — «юбилей шийпонлари» деб ата-

ларди. Бу қошоналар ичига деҳқон зоти қадам босмаган. У ишратпараст бойваччалар оромгоҳи эди. Сиртдан қараганда, ҳамма иш жойида эди. Аммо ҳаётда шундай эдимиз? Шоирни шу масала ўйлантиради:

*Менинг нигоҳимни тортади такрор,  
Миллион эгитларга сочилган ўзбек.  
Гарчанд пахтазорга боқаман мен ҳам,  
Ва лекин дилимда ташвиш бор*

*менинг.  
Майлига, шўх қўшиқ янгрисин тилда,  
Ранглар сингилгинам, сени ўйлайман.  
Кузги райхондайин маънос ўсдинг сен,  
Табиат бермади билагинга куч,  
Узингдай одамга қаллиқ тушидинг сен,  
На соғлиқ, на ёрдан ёлчимдинг ҳеч.*

«Ранглар сингил» — пахтакор халқ эди. Пахта далаларида узок йиллар давомида ишлатиб келинган заҳарли химикатлар кишиларнинг соғлиғига зарар етказганди. Орадан қанча йил кечиб, қайта қуришнинг инқилобий нигоҳи бу жабҳага ҳам тушмай қолмади. Ниҳоят, СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг «Бутифос ишлаб чиқариш ва қўллашни ман қилиш ҳақида»ги қарори чиқди. Шоир шундай истиқболни 60-йиллардаёқ орзу қилган, аниқроқ айтганда, кўролган эди:

*Сенинг қаторингда, она халқ бордир,  
Сен каби меҳнатқаш, сен каби суюк.  
Унинг ташвишини унутмоқ ордир,  
Уни унутганлар тўнқадир, куюк.  
Сингилга — халқимга боқсам доимо,  
Улуғ келажакни айладим орзу.*

Шон-шухрат, мансаб, бойлик изидан қувиб, кўзбўямачилик йўлига тушган, маҳобатли йиғилишларда наъра тортиб ваъдалар берган кимсалар асли «қўлмак давра» эди:

*Кўлмак давра кўрсам эзилар  
кўнглим,  
Халқим, келажакнинг ўшалармикан?  
Халқим, шундайларга қолмасин  
қуниг.*

Партияимизнинг собитқадамлиги туфайли ҳаётда юз берган нохуш иллатлар тағ-томири билан кўпориб ташланапти. Ачиб-бижиган «қўлмак давралар» ҳолига бугун маймулар йиғлаб турибди. «Юзма-юз»да шоирнинг виждони, гражданлик жасорати, коммунистик эътиқоди тўла-тўқис аксини топган.

Кўпинча шоирнинг танқидчилар индамай ўтадиган яна бир шеъри бор. У 1965 йилда ёзилиб, «Чол ва коммунизм қиссаси» деб аталади. Бир қарашда энгил юмор усулида ёзилган бу шеър аслида ўткир памфлетдир. Зеро, коммунизм қуриш масаласига

енгилтаклик билан қараш, «совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизмда яшайди», деб жар солишлар яқин келажакда амалга ошиши илмий асосланмаган эди. Шоир бу ҳақиқатни ўз вақтида англаган эди. Буни кўпчилик билар эди. Лекин бу ҳақда гапиришга уларда журъат етишмаганди.

Атоқли рус совет шоири, Ленин мукофоти лауреати Михаил Светлов ҳар бир шоирнинг солдат шеъри, офицер шеъри ва генерал шеъри бўлади, деган эди. Мен шу андоза билан А. Ориповнинг шеърларини мутолаа қилар эканман, умуман, унинг солдат шеърлари борми, деган савол устида тўхтаб қоламан.

Тўғриси, бу ҳақиқатни тан олиб айтиш керакки, 70-йилларда адабиётимизда ҳукм сурган панегризм — мадҳиябозлик қўланкаси шоир ижодининг ҳам бўсағасига бориб қолган эди. У бу йилларда сохта қахрамонларга, йирик мансабдорларга шеърлар бағишлади. Албатта, бу бағишловлар эндиликда тоза, асл кийимга машина сачратиб кетган қўлмак доғини эслатади. Хайриятки, бундай бағишловлар бармоқ билан сарнали даражада.

Дарвоқе, унинг ижоди аввал бошда ноқ турли-туман баҳсларга сабаб бўлди. Етакчи адабиётшунослар шоир ижодига холисона баҳо бериб, унинг фалсафий мушоҳада салоҳиятининг ўткирлиги, жўн кўринган мавзулардан қутилмаган ҳаётий ҳузусалардан чиқара олиши (масалан, «Дорбоз», «Тилла балиқча») мафтун этса, яна бир туркум шеърхонларни шоирнинг ўзбекона аллиги, ҳақиқатни қўрқмай айта олиши, лирик қахрамонининг баъзан фоже, кўпинча, маҳзун тасвир этилиши қизиқтиради. Лекин, бир нарса ҳақиқатки, қачон, қаерда шоир шеърлари ҳақида гап кетмасин, баҳслар ҳамини айтилмаган, аммо, кўзда тутилган маънога алоқадор бўлади, шеърларнинг бадииятидаги техник жиҳатлар мукамаллиги туфайли мунозарага мавзу бўлмайди. Тўғри, унинг газал шаклида ёзилган шеърлари бадиияти бармоқдаги шеърлари даражасидан анча пастдек туюлади.



Бадий тафаккур оламида, дейлик, «фалон ёзувчи фалон асаридан бошқа нарса ёзмаса ҳам номи абадий қолади», иборасини эшитишга тўғри келиб туради. Бу фикрни, агар жоиз бўлса, шоирнинг «Аёл» шеърини олайлик. Бу шеър ҳақида кўп гапирилди. Айрим танқидчилар ундан қандайдир нуқсон ҳам қидириб кўрдилар. Назаримда, ҳозирги замон шеърятининг жаҳон стандартлари (шундай дейиш жоиз бўлса!) даражасидаги мумтоз намунаси ҳисобланишга лойиқ шеър бу!

Услубнинг раванлиги, тилнинг халқона сайқалланганлиги, қиёнинг саралиги, хулосанинг доширмандона эканлиги манамаман деб туради. Шоирга қадар ҳам солдат беваси, унинг садоқати ҳақида талай асарлар ёзилган. Ун тўққиз ёшида бева қолиб, «қуриган кўксига ёлғиз беланчак»ни босган мунга аёлнинг садоқати нимада эди? Ўзбеккона фидойиликда эди. «Йиллар ҳам ўтдилар, ҳамон у ёлғиз, мунгайиб термулар ботгучи кунга». Шеърнинг давомида «Ўзини минг битта бозордан олиб, минг битта бозорга солган» сатанглар, ҳаётга енгил-елпи, хузур-ҳаловат, истемолчи тарзида қарайдиган аёллар муқояса қилинади. Мана шу жойи инжиқ танқидчига ёқмайди. Қолбуки, икки ҳаётӣй деталь қиёси орқали ҳақиқат очиб берилаётир. Ҳаётда шундай эмаслигини ким инкор этади? Шеърда шу контраст тасвир бўлмаса, унинг ижтимоӣй юки пасайиб кетади.

«Биринчи муҳаббатим» (1968) шоирнинг энг машҳур асарларидан бири. Ойнинг бўзариб ботиши, Зухра юлдузининг милтираб, хира ханда отиши қахрамоннинг руҳӣй ҳолатини қанчалар равшан очиб беради. Бу ташбеҳлар ҳаёт каби содда, ҳаёт каби гўзал. Шоирнинг оригиналлиги, адабиётга «қайнаб» киришининг боисларидан бири унинг тасвирдаги мураккаб усулида бўлса керак. Зотан, ўқувчилар узоқ йиллар давомида тасвирдаги бир хилликка кўникиб қолган эди. Масалан, севги мавзуси, у албатта схема бўйича ё кўтаринки, ё маҳзун йўсинда ифода қилиниши керак эди.

А. Орипов мавзунини ҳар томонлама, пухта бадий тадқиқ этади, унда икки кайфият — хурсандчилик ва дилхунлик санъаткор-

на омухта тасвир этилади. Бир мавзуда ёзилаётган шеърда манфий ва мусбат қутбларнинг бўлиши ўқувчини чалғитмайди, аксинча, уни ҳаёт бағрига, муҳаббат гўшасига бошлаб боради:

Қолбуки орзулардан жудо ҳам бўлганим йўқ,  
Юлдуздай кулганим йўқ, ой каби тўлганим йўқ.  
Эрта хазон гул каби саргайиб сўлганим йўқ.  
Сени эслаб йиғлайман, биринчи муҳаббатим,  
Эслаб бағрим тиглайман, биринчи муҳаббатим.

Гоҳо қулоққа чалинади: «Биринчи муҳаббат бўлар экан, демек, иккинчи, ҳатто учинчиси ҳам инкор қилинмайди-да?!» Бориб турган сунъӣй мантиқфурушлик бу, албатта. Сарлавҳани тафтиш қилиш ўрнига мазмунни яхшироқ идрок этиш маъқул. Зеро, биринчи муҳаббат омадсизлигидан кейин ҳаёт тўхтаб қолмайди. Бироқ, ошиқ умр бўйи илк севгисига сиғиниб яшайди.

Шоир лирикасининг салмоқли қисми она юрт, жонажон халқига бағишланган шеърлардан иборат. Бу ўринда «Юртим шамоли», «Ўзбекистон», «Қарши қўшиғи», «Мени олиб кетинг», «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» каби асарларни эслаш кифоя. «Юртим шамоли» халқ оқинининг сулуви ва дилбар сатрларида қуйилиб келади, бир ўқишдаёқ талай мисралар ёдда қолади. Диёр мафтунни, юрт ошиғи бўлган шоирнинг лирик қахрамони — саргашта, турмуш тазйикларини кўрган киши. У Ҳисор этақларида кўрагини тўлдириб нафас олади, чечаклар атридан маст бўлади. Дунёда шундай шамоллар борки, улар гоҳ қуюн, гоҳ довул бўлиб қанча бўстонларни совуради. Лекин, она юртнинг шамоли бўлакча, унинг эсишида бунёдкорлик, яратувчилик бор:

Эсгин, эй боғларнинг жамоли кулсин,  
Мовий нафас билан тўлсин этақлаб,  
Учқур кўшиқларга бу олам тўлсин,  
Эсгин, Ватанимнинг таралсин боли,  
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

«Саратон»ни олайлик. Шоир бу манзумасида ҳам ўзининг аънавий услубига — муқоясавий тасвирга мурожаат этади. Дашт воҳасининг тиниқ манзараси, «гўдак уҳича ҳам шамол топилмайди», диққинафас ўлкада

қийнаётган ҳаёт ёрқин чизгилар орқали очиб берилади:

Бу олам гўё улкан дошқозон,  
Қайдадир кўринмас унинг нарёги.  
Бу қайноқ қозонни кузатмоқ осон,  
Ичига тушмоқлик осонмас чоғи.

Ҳа, саратон палласи, ҳаво 45 даража исиган чоғлар ўзбек деҳқонининг меҳнати нақадар оғир эканлигини кузатиш, унинг ҳақида гапириш қийин эмас. Лекин, у билан бақамти туриб ишлаш, «қозон ичида бўлиш» — осон юмуш эмас. Шеърда ҳеч қандай декларативлик, баланд-парвозлик йўқ. Лутф бор, ишора бор. Нозик дидли китобхон буни илғаб олади. Шеърнинг қадрини ҳам, фикримча, ана шу бадий ресурслар оширади. «Қарши қўшиғи»да ҳам муболага, шоирона хаспўшлаш йўқ. «Бу ерларнинг бори шу: қип-қизил сахро бари, фақат сароб жимирлаб чорлар сирли базмга. Унча ҳам сулуви эмас саҳронинг жонзодлари, насрога ярашмаса, ярашмайди назмга». Бироқ, шоир ана шу «назмга ярашмайдиган» ўлкани шундай ярашиқлик тасвир этади, умрида Қарши даштларида бўлмаган киши бу ернинг фидойи, меҳнатқаш халқини айнан тасаввур эта олади, унинг чидамига, жасоратига қойил қолади. Чунки:

Иложин топса агар, кетмоннинг дастасин ҳам,  
Ерга қадаб термулиб, кўкартирғувчи бу халқ.  
Жазм этса кўкка бўяр жаҳон харитасин ҳам,  
Бугун чўлга чиқибди, нияти топсин барҳақ.

Шоирнинг суюкли халқи, она дийри ҳақидаги шеърлар дастасида бир ноёб инжу борки, мен уни «Ўзбекистон» деб кўрсатган бўлардим. Фикримизча, Ўзбекистон портрети, унинг тароватли шакли-шамойили бу манзумада рангин ва аслида монанд ифода этилган. Кичик-кичик шеърӣй бандларда ўзбеклар дийрининг ўтмиши, бугуни, эртаси бир бутун бўлиб нурланиб туради. Шеърни ўқиркансан, мисрадан-мисрага ўтганинг сари ифтихор туйғуси кучая боради, шу юртнинг фарзанди эканлигиндан камоли қаноат ҳосил қилсан, киши. Унга содиқ бўлишга, номини азиз

ва мусаллам тутишга ич-ичингдан қасамд қилсан. Бу фарахли кунлар қадрига етсан, шуқроналар айтсан, киши. Шоирнинг лирик қахрамони учун Ватан улғувор ва муқаддас тушунча. У Арманистон ҳақида ёздаими, Қозогистон ёки Тожикистонга шеър бағишлайдими, Қирғиз дийрини васф этадими, бундан қатъӣй назар, бир юрт кишиси, бир Ватан фарзанди образини жонлантиради. Шоирнинг Арманистон туркумидаги шеърлари гоӣвий юксаклиги, бадий теранлиги билан ажралиб туради.

Унинг ижодиёти жуда эрта — 60-йилларнинг иккинчи яримларидан эътиборан оламшумул инсонӣй муаммоларни қамраб ола бошлаган эди. Умуминсонӣй муаммолар шоирнинг ўз халқи, она-Ватани ҳақидаги концепциясининг узвий бир қисмидир. Бу жиҳатдан «Ленин», «Она сайёра», «Тафаккур монологи», «Маломат тошлари», «Афғонистон ёшларига», «Ленин. Инқилоб. Ватан», «Қўриқхона», «Учинчи одам», «Нозим Ҳикмат», «Сўнги уруш» каби асарларни таъкидлаб ўтиш кифоядир.


Уруш ва тинчлик масаласи неча асрларки, инсониятни ларзага солиб келади. Термоядро фалокати хавф солиб турган ҳозирги даврда инсоният, қолаверса, сайёрамиз тақдир бу қадар мушкул аҳволда қолмаган. Ҳасос шоиримиз қуюнчақлик, айни пайтда улкан гражданлик наъраси билан:

Бу бари — асримиз кашф этган бало,  
Бу ёвуз сармоя, ҳамшиша басир.  
Бошимиз устида турибди гўё,  
Бир соч толасига боғланган шамшир, —

дейди. Соч толасига осилган шамшир... Инсоният бошига ядро уруши солиб турган қисматни бундан аниқроқ гавдалантириш мумкинми? Машъум ҳалокат олдини олиш — муқаддас ва кечиктириб бўлмайдиған иш. Шоирнинг бетиним қалби ер куррасининг омонлигини тилайди, «фақат бўлмаса бас бу сўнги уруш», дейди.

Шоир ўзининг қайноқ мисралари билан ўзбек адабиётининг обрўсини кўтарди.

**Поён РАВШАНОВ,**  
филология фанлари кандидати  
Қарши



## ЭНГ ЙИРИК ОЛМОС

Жанубий Африка Республикасидаги Кимберли шаҳри олмос қони марказларидан ҳисобланади. Яқинда бу ерда жа-

хонда тенги йўқ ҳажмдаги олмос топилди. Оқ-бинафша тусда товланувчи ушбу қимматбаҳо тошнинг оғирлиги 599 қирот (қирот — 0,2 грамм). Унинг тахминий баҳосини 30 миллион доллар ҳисобламоқдалар.

«Гиннес рекордлар китоби»да дунёда энг йирик гавҳар тош 1905 йили Преторияга яқин жойда топилганлиги қайд этилган. Унинг оғирлиги 3 минг 106 қирот бўлган. Бироқ бу қимматбаҳо тош кейинчалик 100 дан зиёд қисмга бўлинган, унинг «Африка юлдузи» деб номланган бўлаги 503,2 қирот оғирликка тенг. Мазкур ноёб тош Англия қироличасининг хонадонига сақланади.

## ИЛОН ЗАҲРИДАН ЎН ТОМЧИ

«Известия» газетасининг Пхеньяндаги муҳбири В. Лукашин бу ердаги ҳайвонот боғида бўлганида Хан Ен Хи (директор ўринбосари) унга совра сифатида ихчам ҳажмли шиша идиш такдим этди. Унинг ичида кулчадай бўлиб илон ётар, идиш суюқлик билан тўлдирилган эди. «Буни нима қиламан?» деган саволга Хан Ен Хи қуйидаги жавобни берди:

— Илон заҳри аралаштирилиб тайёрланган бу суюқлик

(настойка) даярли ҳамма дардлардан фориғ қилади, вужудни мустаҳкамлайди. Ҳар наҳор ўн томчидан ичишни тавсия қиламан. Тенги йўқ дори.

## АТЛАНТИДА ШАРПАСИ

Эраимиздан аввалги икки мингинчи йилнинг охирида Грециядаги Санторин вулканининг қудрати бу ердаги киклад маданиятини барбод қилган эди. Унинг қайта отилишдан пайдо бўлган тўлқин кучи Крит шаҳрини ҳамда Эгей денгиздаги аҳоли истиқоматгоҳлари — ороллар-

ни харобазорга айлантирди. Атлантида ҳалокати ҳақидаги ривоятлар шуларнинг оқибати туфайли туғилган.

Шу кунларда қадимий фожаи шарпалари яна пайдо бўла бошлади. У ерда бўлган кишилар кучли ерости силкинишлари рўй берганлиги, денгиздаги балиқчилар эса, сувнинг «илий бошлагани» ҳақида маълумот келтира бошладилар. Мазкур муаммо билан Греция вулканишунослик институти олимлари қизикиб қолдилар. Институт расмий вакилининг айтишича, бу ерда вақти-вақти билан кучсиз вулкони фаолияти сезилмоқда. Санторинда энг кучли вулкони отилиши бундан минг йил муқаддам рўй берган эди.





# БЎЁҚДАГИ ДОСТОНЛАР

Бундан олти ойлар муқаддам республикамиздан ташқарида бўлиб ўтган бир адабий учрашувда ўзбек адабига шундай савол берилди:

— Ўзбекистонда аҳвол қалай? Сўнгги йилларда юз берган нохуш воқеалар танқидидан кейин ўзбек халқининг табиатида ўзгариш сезилаяптими?

— Ҳозир республикамизнинг аҳволи анча яхши, ишлар дуруст борапти,— дея саволга жавоб берди ўзбек адаби.— Лекин, халқимизнинг табиатида ўзгариш йўқ. Ўзгариш бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки халқ ҳаммаша халқлигича — ҳалоллигича, меҳнаткашлигича қолади. Турғунлик йилларида беш-ўнта, бординг, ана юзта-икки юзта нафс бандаси ақлидан озиб, тумшугидан илинган экан, бундай ноҳўя кирдикорларнинг халққа нима дахли бор? Халқимиз ҳалол яшапти, меҳнат қилапти...

Адиб тўғри жавоб берди, топиб гапирди. Савол берган китобхон ҳам жавобдан қониққанлигини билдириб, раҳмат айтди... Мен истеъдодли рассом Ҳайдар Саноевнинг «Дала кутубхонаси» асарини кўздан кечиратуриб ўша учрашувни — ўзбек адабининг халққа берган баҳосини яна бир карра эсладим. Мана, оддий халқ вакиллари — улар орасида агроному механизатор ҳам, бригадиру сувчи ҳам, сергайрат ёшлар ҳам, табелчи, ошпаз ҳам бор — далада ҳордиқ чиқараётдилар. Тушлик тамаддидан кейин бировлар газета-журнал, бировлар китоб ўқишга берилган пайт. Кунда-

лик воқеалар хусусида суҳбатлар ҳам бўлиб турибди. Шийпон атрофидаги чигит экилган майдонлар — уларнинг ҳозиргина бажарган ишларидан далолат. Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони гўё ҳаммани чигит экишнинг яқунлангани билан табриклагану, эндиликда ёш-яданларга келажак ҳақида, ҳалол ишлаб, ҳалол яшашнинг шарофати хусусида сўзлаб тургандек...

Рассомнинг мазкур асари томошабинни лоқайд қолдирмайди, ўйга толдиради, мулоҳазага чорлайди. Кўпинча Ўзбекистон, қолаверса, Ўрта Осиё жаннатдек юрт деб мақталади. Достонларда ҳам, қиссаларда ҳам шу ифодалар такрор-такрор тилга олинади. Ахир, шу юртни жаннатдек қилганлар, фақат ўзлари учун эмас, бошқалар учун ҳам фаровонлик ато этганлар, этаётганлар ана шу меҳнаткаш халқ вакиллари эмасми?

Шу нуқтаи назардан Ҳайдар Саноевнинг «Пахта — фронтга» номли тематик асари юқоридаги гоёяна яна ҳам тўлдираётгандек таассурот қолдиради. Улуғ Ватан урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб ишланган бу полотнода республикамиз деҳқонларининг босқинчи душманга интиқом туйғуси билан амалга оширган ишлари — «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун» шиори остида қилган тинимсиз меҳнатлари ўз ифодасини топган. Бунда биз ўзлари етиштирган «оқ олтин»ни аравага ортиб бораётган, ғалаба учун ҳисса қўшиш ишқи билан яшаётган хотин-қизларни, чол-кампирларни, болаларни кўрамыз.

Рассом ижодида Улуғ Октябрь ва В. И. Ленин мавзуйи алоҳида ўрин эгаллайди. Бу жиҳатдан унинг «В. И. Ленин ва Н. К. Крупская болалар даврасида» асари алоҳида диққатга сазовор. Мазкур тематик расмда мусаввир Владимир Ильич ва Надежда Константиновнанинг болаларга бўлган чексиз меҳрини ифодалаб беришга интилган... Арча атрофида болалар шеър ўқиб, навбати билан қўшиқ айтиб туришибди. Улуғ Ленин ва Крупскаянинг меҳрибон нигоҳларида эса чексиз мамнунлик зуҳур этиб турибди. Буюк зотлар гўё ана шу болалар сиймосида мамлакатимизнинг порлоқ келажagini хаёлан тасаввур этмоқдалар...

Одатда мусаввирнинг тематик расмлар яратишини адибнинг қисса ёзишига, шоирнинг дoston битишига қиёслайдилар. Шу

қиёсни Ҳайдар Саноев асарларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Таъбир жоиз бўлса, бу истеъдодли ижодкорнинг кўпгина тематик асарлари бўёқлардаги дostonлар, дейишга асос беради. Унинг асарларига хос бўлган табиий ҳолат томошабинлар шуурида ўйчанлик ва сокинлик туғдиради, нафосатга илиқ меҳр уйғотади, қалбларни тўлқинлантиради.

Мана, кўз олдимизда рассомнинг «Сен етим эмассан» асари. Бу асар 1984 йили Ўзбекистон ССРнинг 60 йиллик тўйига бағишланиб яратилган.

...Даҳшатли уруш давом этаётган йиллар. Манфур душман вақтинча босиб олган ерлардан Шарққа эвакуация қилинган болаларнинг бир қисми вагонларда Тошкентга келтирилган. Мурғак меҳмонларни кутиб олиш учун республикамизнинг раҳбарлари, маданият арбоблари вокзал майдонига чиқишган. Шоир Ғафур Ғулom ҳозиргина вагонлардан тушган болаларга атаб ёзган «Сен етим эмассан!» шеърини ўқиб бермоқда... Рассомнинг бу асари ҳам, худди шоирнинг машҳур шеъри сингари, ҳам ватанпарварлик, ҳам инсонпарварлик, ҳам интернационализм гоёларини қоришиқ ҳолда ифода этади.

Ҳайдар Саноев тасвирий санъатнинг манзара ва натюрморт жанрларида ҳам мўйқалам суради. Ижодкорнинг «Куз шамоли», «Ойдин кеча», «Саховат» асарлари бунга мисол бўла олади. Бундай асарларда мусаввирнинг она табиатга бўлган меҳр-муҳаббати шундоққина билиниб туради.

Ёш, истеъдодли рассом Саноев Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтида таҳсил кўрган йилларида ҳам, ундан кейинги — ижод палласига кирган даврида ҳам ўз устозлари Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Баҳодир Жалолов ва бошқалар ижодидан, таълимидан баҳраманд бўлди. Узаро суҳбатларда у ўзбек тасвирий санъатининг қадимий анъаналарини ҳам, ҳозирги жўшқин даврдаги йўналишларини ҳам ҳурмат билан тилга олади. «Ҳаммасини эъзозлашимиз керак», дейди у. Ана шу эзгу қондага амал қилиб ўз йўлини, ижодий услубини топиб олаётган рассомнинг сермашаққат фаолиятига омадлар тилаймиз. Бўёқдаги дostonлари кўпаяверсин.

Оқилжон ҲУСАНОВ

## МУҲАРРИР МИНБАРИ

Фарзандларимизга яхши от қўйишимиз керак. Илгари исмлар рўйхати ёзилган китобча ҳам бўларди, наҳотки, тузатиб, қайта нашр этиш мумкин бўлмаса!

Бир укам янги туғилган ўғилчасини кўтариб келиб, каминага кўрсатди, адиб нигоҳи тушишини дилидан ўтказган экан.

— Оти нима? — сўрадим кулиб турган мурғак чақалоқни қўлимга олиб. Унинг гўзаллигини тасвирлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

— Қулмуҳаммадхўжа қўйдик...— деди ёш ота менга тикилиб.

— Э, қўйсангиз-чи! — дедим,— Шундақа ҳам узун бўладими исм деган! Метрикага Ҳакимовни «Ҳакибов», Мирзаевани «Марзаева» ёзадиган хатотлар ҳам ўтказиб юбордимми?

— Ҳа! — деди.

— Бунинг исми — Умид бўлади, — дедим қатъий. — Мамлакатимиз, халқимиз умиди, ота-онанинг умиди! Катта йигит бўлиб, китоблар ўқийдиган бўлгач, албатта ниятимизни тушунади.

Уша ЗАГСдаги опалар илтимосни инobatга олишди, метрика тўғриланди. Қўшниси ҳовлисида дунёга келган: Остонакул деб исм қўйилган бир ойлик дўмбоқ боланинг ҳам номи Озод бўлди. Хуллас калом, фарзандларимизга исм қўйишда гап кўп, армон бўлмаслиги, катта бўлгандан сўнг ўксимаслиги учун яхши исмлар қўйиш керак.

«Гулистон» журнали редакциясига келган кўплаб хатларда исм-фамилиялари бузилган кишиларнинг норозилиги ифодаланади, болаларга қўйилган номларнинг гоёта узунлиги мантиқан ноболлиги қайд этилади.

Тўғри, гап ҳаммаша ҳам исмда эмас, баъзан Теша, Тош... деб ном қўямиз, Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий, Теша Зоҳидов... деган академиклар, Абдулла... деймиз — Абдулла Қодирий, Абдулла Тўқайлар дунёга келган. Болаларга исм қўйишда халқ оғзаки адабиётимиз, бадий адабиёт қаҳрамонлари, машҳур кишилар номларидан фойдаланиш мумкин. Жуда кўп туғилганлик гувоҳномаларида ўзбек исмлари бузиб ёзилади, бунинг оқибатида, фарзанд баҳоғатга этиб, бошқа ҳужжатлар олишда ҳар хиллик ва хатolikлар содир бўлмоқда. Метрика ҳамда бошқа ҳужжатлар ёзадиган ЗАГС ва бошқа ташкилотлар тўғри ёзиши керак ва шундай қилишга қонун мажбур этади! Бошбошдоқлик қиладиган, устобузармон баъзи шахсларнинг ўзбошимчилигига йўл қўймаслик керак!






Раққоса Равшана Султонова.  
В. Дубровский фотоси



*РАССОМ*  
*ҲАЙДАР САНОЕВ*  
*АСАРЛАРИДАН*



ОИДИН КЕЧА.



БҮЛАЖАК КУРАШЧИЛАР.





ПАХТА — ФРОНТГА!



САХОВАТ (НАТЮРМОРТ).

КУЗ ШАМОЛИ.





Ф. Кагаров ишлаган плакат.



Республика Болалар уйи қошидаги «Юлдуз» ансамбли иштирокчиларидан бир гуруҳи.





**Т**оштемир отага лоқайдлик, турмуш иқир-чиқирларига эътиборсизлик бегона. Сахармардонда туриб, ҳовлисидаги майда-чуйда умрушлар билан машғул бўлади. Ҳориган кезлари болаларига, набираларига йўл-йўриқ кўрсатади. Фарзандлари ҳам қобил болалар, деганини икки қилмайди. Кампири — Умринисо аянинг ҳам, болаларининг ҳам қистовига қарамасдан тек ўтиролмайди.

Сизга таърифни бераётган бу нуруний ота — Тоштемир Азизов Сирдарё районидаги «Коммуна» колхозида яшайди. Оппоқ соқол-мўйлови кузалган, жуссадор, — саксондан сакраган, аммо ҳали бардам, гаплари бурро — қиличнинг дамидай кескир. Газета-журнал ўқишни, телевизорда «Вақт» кўрсатувини кўриб боришни сира қанда қилмайди. Дунё воқеаларидан бохабар бўлиб, ўзича мулоҳаза юритади, болаларига, набираларига, қишлоқдошларига айтиб беради. Бундан ўзгача бир мамнунлик туюди. Элпарвар бу инсоннинг ҳар ҳафта ё районга, ё Гулистон шаҳрига бир марта қатнаши бор. Ечилмаган муаммоларни раҳбарлардан талаб қилади. Ййманмайди, чарчамайди. Қишлоқнинг ташвиши саксондан ошган одамга қолибдими, қариганида эл назарига тушмоқчиси, деб ўйлайдиганлар ҳам топилади. Йўқ, обрўси етарли, қишлоғида эсини таниган кексаю ёш борки, уни кўрганда саломлашиб ўтади. Тўю маърака ўтказувчилар ҳам унинг маслаҳатига шошилади. Республика миқёсидаги пенсионер, рўзғори бут.

— Одамларга мадад берсак, мадад олганлар биздан ўраниб, бошқаларга мадад берса, меҳр-оқибат ўлмайди, — дейди у.

Ота аввал менга ҳаёт йўлини — бир тишлам нон топиши илинжида тонг сахардан тоярим тунга довури қора терга ботиб ишлагани, қариндошлари томонидан ўтказилган зугумни, комсомолга ўтганида, «кофир бўлдинг, ҳаром бўлдинг», деб уйдан ҳайдаб қувганини, Шаҳрихона биринчилар қатори трактор бошқариб борганини, коммунистлар сафига ўтгач (1928 йилдан буён КПСС аъзоси), колхозлаштириш, саводсизликни тугатиш давридаги, уруш ва урушдан кейинги йилларда партия ва совет идораларида ишлаганини — ибратли умрини фахрлианиб ҳикоя қилди.

Унинг юрагида — йигирманчи-ўттизинчи йиллар йигитларига хос ўктамлик, собитлик, дангаллик, мардоналик кўри сўнмаган, шундан бўлса керак, ҳамон замондошлари билан ҳамқадам.

— Оёғимда дармон, белимда қувват бор экан, сафдан чиқаманми? Гоҳида қаттиқ чарчаганим, асабларим толиққани сезилади, ўзимга ўзим дашном берман. «Кел, энди бас қилақол», дейман, ҳордиқ чиққач, бари унутилиб кетади. Чоп-чопларинг бир кунмас бир кун бўй кўрсатади, эл мамнунлик туюди, кейин яна жўшиб кетасан-да. Тўғри, одам барига мурося қилиб яшайвериши мумкин. Четда томошабин сифатида, кузатиб туриш ҳам мумкин. Агар ҳамма кузатишга ўтса, энг шимариш кимга қолади. У-ў, бу ўтган йиллар оралигида одамларимиз қанчалик боқибегамлик касалига чалиниб кетдилар. Кузатувчилик — бу даврга ёт кўриниш. Бугунги ёшларга ҳавасим келади. Ишлайдиган, ўқийдиган, меҳнатинг қадр топадиган замон келди-да, болам.

— Ешариб кетсангиз нима қилардингиз, отахон? — сўрайман ундан ҳазил аралаш.

— Нима қилардим, битта бригада тузиб, колхозга чиқардим...

— Нега энди колхозга?

— Э, колхоз хароб, — деб ота дарров дилидагини ёрди. — Ун йилдири, план тўлмайди. Оворагарчилик. Қарза ботиб кетган. Колхоз абгор бўлгандан кейин колхозчининг турмуши қандай кечишини тасаввур қила оларсиз?! Сабаб дейсизми? Сабабиниям билдим. Колхозда кадрлар масаласи чатоқ. Узимиздан чиққан кадрларга ўрин йўқ. Ҳаммаси ҳар ёқда тўзиб юрибди. Кўплари чет-

дан. Ҳатто раис ҳам. Мен бунга асло қарши эмасман. Ишласин, иззат топсин, ҳалоли бўлсин. Аммо четдан келган одам колхоз майдони, одамлари билан танишгунча қанча вақти кетади. Қани эди, улар муқим бўлиб қолса, ҳаммалари бир-икки йил ишлашади-да, «кўтарилиб» кетишади. Буни ўзлари ҳам билишади. Шундан кейин ким жон кўйдиради. Бу билан кўзланган мақсадга эришиб бўладими? Шунинг учун ҳам ёшлар ҳозир ё Гулистонга, ё марказий қишлоқ хўжалик тажриба станциясига бориб ишлашади. Сабаби, кунни тун демай ишласа-ю, меҳнатига яраша ҳақ ололмаसा, кимнинг қўли ишга боради? Шаҳарда саккиз соат ишлайди, қолган вақти бекор, ойлиги колхозникидан бир ярим-икки ҳисса ортиқ. Мана ёнимиздаги «Коммунизм» колхозининг (машхур Жавод Кўчиевни биласиз-а, ўша колхоздан) ёшлари ўзларидан бир қадам четга чиқмайди. Ёшларни қишлоқда олиб қолишни улардан ўргансин. Урганиш айб эмас. Бугун ўнтаси кетади, эртага йигирматаси, индинга ким қолади қишлоқда?!

Ота бу масалани колхоз партия йиғинларида ҳам кўндаланг ҳилиб қўйган эди. Раҳбарлар ййлаб-ййлаб, чора изламоққа вағда беришган, гапларингиз жуда тўғри, деб маъқуллашган.

— Нагижа эса йўқ! — деди совиб қолган чойини ҳўллаб, томоғини ҳўллар экан суҳбатдошим. — Ҳар замон-ҳар замон, зериканда дала айланиб келаман. Интизом бўшашиб кетган. Колхозчилар, механизаторлар соат ўн иккени қоралаб далага чиқади. Нега кеч келаянсан, деб сўрайдиган одам йўқ, назаримда. Далада кўнгулдагидек ҳордиқ чиқаришга шароит йўқ. Эҳтиёжнинг қондирилиши меҳнатга муносабатда ўз аксини кўрсатади. Инсон омили деган нарса худди шу жиҳатдан юзага чиқади. Кол-

## Кўр

хоздаги қарийб тўқсон фоиз бригадаларда дала шийпонлари йўқ, борлари ҳам номигагина. Бузук телевизор, шалоғи чиққан икки-учта буклама каравот. Қизил бурчаклар ташкил этиши йўқ. Ташвиқот ишлари ўлда-жўлда. Буларни тўғриламасдан туриб, илгарилаш душвор. Раҳбарларга кўп бор айтдим, радиоузел ташкил этинглар деб. Радио нима учун керак? Колхоз ҳаётини колхозчиларга етказиб бориш учун. Ким ёмон ишласа элга ёйсин, ишлагани рағбатлангирсин. Кўп ишчилар ёш боласи борлигини, шийпонларда шароит йўқлигини баҳона қилиб ишга чиқмайди. Ўзингиз ййлаб кўринг. Наҳотки, ҳар бир бригадада шаҳарлардагидек, ҳеч бўлмаса 50—60 ўринли болалар богчаси ташкил қилиб бўлмаса. Шароит яратиб беролмас. Ҳаракатда — баракат. Бунинг учун раҳбар халқпарвар бўлиши керак. Халқни орқасидан эргаштира олсин. Ана ундан кейин кўринг ишни. Яна бир муаммо, у ҳам бўлса, ерга муносабат масаласи. Колхоз майдонларини шўр босиб кетган. Ер одамнинг меҳрига ташна, ерга эга йўқ... Буларни тугатмасдан туриб, ишнинг силжишига кўзингиз етадими? Айтинг-чи?

— Йўқ, — дедим.

Тоштемир ота куйиниб гапирар, қўллари беихтиёр ҳаракатга тушарди, овози ўз-ўзидан гоҳ пасайиб, гоҳ баланд кетарди. Бу муаммолар биргина бизнинг «Коммуна» колхозимизда эмас, республикамизнинг деярли барча хўжаликларида ечимини кутиб ётибди, деярди.

...Олтмиш тўртинчи йили ота бир алп йигитнинг ишини бемалол уддаларди. Пенсияга чиқаришди, «Дамингизни олинг, қариллик гаштини сурунг», деб елкасига қо-



қиб қўйишди. Афсус, мақсадлари кўп ва хўп эди. «Ишлайман», деди. Кўнишмади. Енгилроқ иш ҳам вағда қилишмади. Шунда алоҳида бригада тузиб, кўриқдан янги ер очиб, деҳқончилик қила бошлади. У ўша йилларни бошини сарак-сарак қилиб эшлади:

— Уйга келиш йўқ. Узимиз тискан чодирда ётиб ишлаймиз. Тракторни биримиз қўйиб, биримиз ҳайдаймиз. Кечая кундуз сув тараймиз. Ғўзамиз бўлиқ, мўл ҳосилдан дарак бера, районга келган тафтишчилар борки, албатта бригадамизга бир келиб кетар эди. Улар қандай ёрдам зарурлигини сўрашарди, мен эса, қўшмай-чатмай камчиликларни айттардим. Ердам беришларини илтимос қилардим. Бу қўйи раҳбарларга ёқмасди. Ижирганиб кўярди гапирётганимда... Ҳосил шундай бўлиб берди, оғзимиз ошга етганда, мени бригадирликдан бўшатишди. Айбим ишни икки сменада ташкил этмаслик, сувни исроф қилиш эмиш. Е тавба: «Текшириб кўринглар», дедим. «Гап қайтарманг, аризани ёзинг. Бизга сизга ўхшаган чўлқуварлар эмас, ҳақиқий, ватанпарвар чўлқуварлар керак», дейишди. Билдимки, муддаоси мени ишдан олиш. Ноқонуний бўшатишди. Елдим-югурдим. Қўлим калталик қилди. Аммо ҳосилни кузатиб бордим. Салкам қирқ центнердан хирмон кўтаришди. Кўзимдан ёш чиқиб кетди ўшанда.

Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, деган гап бор. Ота олғирларнинг замонига боқолмади. Уйдаям ўтиролмади. Сўзи биланми, ҳаракати биланми колхозга нафим тегса, дер эди. Бундан бир неча йил илгари колхозда яшовчи қари-қартангларни ҳисоблаб чиқди. Йигирмадан ошиқ экан. Ҳассасини дўқиллатиб, ҳаммасиникига бир-бир кириб чиқди. Уларга йиғим-теримнинг долзарблиги-ю, кўпга келган тўй эканини тусунтирди. Гапини ерда қолдиришмади. Кўнгли кўтарилиб, ниятини парткомга айтди. Партком ташаббусни қувватлади. Мана, бир неча йилдири, қариялар бригадаси колхоз хирмонида пахта териб тўкапти. Тўғри, бу шунчаки ёрдам, аммо пахтакор дардига малҳам, уларга руҳий мадад эканини унутишга ҳаққимиз йўқ.

\* \* \*

Ота билан қишлоқ айландик. Урни келганда, ўзи ҳисса қўшган ишлардан йўл-йўлакай ҳикоя қилиб борди.

— Ҳув, анави мактаб, — деди у икки қаватли иккита бинони кўрсатиб. — Буни қурдириш учун роса елиб-югурдик. Болаларимиз ўқиётган жой жуда ночор, ибтидоий эди.

Қишлоқнинг тошкўчасидан кўтарилган чанг бир зум муаллақ қолди. Пештоқиға «Вокзал — «Коммуна» деб ёзилган автобус шофёри тезликни бир оз пасайтириб, сигнал бериб ўтди.

— Шофёрларнинг бари таниш. Тоштемир аканинг автобуси дейишади, — деди ҳамроҳим жилмайиб. Билдимки, отахон бу ерда автобус қатновини йўлга қўйиш учун ҳам анчагина жон куйдирган. Қишлоқ кўчаларини айланар эканман, бир илиқ туйғуни қалбимда доим ҳис этиб турдим. Бу илиқлик ҳалигина автобусини илдам жилдириб ўтган ҳайдовчи йигитнинг ҳам, йўл давомида суҳбатга қўшилган кекса фронтчи Хўжабек ота Саидовнинг қишлоқ почтаси, қишлоқ Совети, касалхона биноларини барпо этиш ҳақидаги ҳикояларида ҳам тафтлиниб турди. Қадрдонларга эргашиб бора-япману қишлоқ аҳлининг уларнинг изидан мамнун боқишаётганини куриб қувонаман. Эл ташвишига шерик ана шундай отахонларимиз доимо омон бўлсинлар.

Асқар ҲАЙДАРОВ





# АСЛ ҚЎШИҚ

(ПЎЛКАН ШОИРНИНГ СОВЕТ  
ДАВРИДАГИ ИЖОДИ)

**М**инг йиллар давомида халқ юраги орқали оқиб ўтиб келаётган шеър дарёлари боши-охирини кўз илғамайди... Бу дарё тўлқинлари билан жон ришталари ила боғланган дарғалар бўлади, улар ўз кемаларини улуг тўлқинларга қўшқанот қилган ҳолда кўзланган олис манзилларга эсон-омон элтадилар, таъбир жоиз бўлса, Эргаш шоирлар, Фозил шоирлар, Пўлкан шоирлар шеър дарёларининг ана шундай моҳир дарғаларидан эдилар... Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил шоир Йўлдош ўғли, Ислом шоир Назар ўғли ижодий йўлларидан намоён бўлганидек, Муҳаммадқул Жомурод ўғли Пўлкан шоир ҳам халқ шеърий сиёсатининг йирик намоёндаси даражасига кўтарилди олди. У «Мардикор» достонида бутун Туркистондаги қўзғолонлар юраги бўлиб ловуллаган Жиззах қўзғолони сабаби — мардикор воқеасини тасвир этди, ўз даврининг бош ҳақиқати — ижтимоий адолат, озодлик йўлидаги курашнинг пешталкинларидан бири сифатида кўринди. «Ҳасан батрак» достонида Улуғ Октябрь революцияси йилларидаги мураккаб шароитни, шафқатсиз синфий курашни, инқилобнинг Мамарайим фирқа, Ҳасан батрак каби оддий аскарларини, Айвазбой, Жонали чўнтўқ сингари эзувчиларни — революция душманларини тасвирлади. Мамарайим фирқа совет фольклоридагина эмас, ўзбек совет адабиёти миқёсида ҳам илк коммунист образларидан бири эканини ҳисобга олсак, Пўлкан шоир ўзбек совет фольклори, ўзбек совет адабиёти, фольклор — адабиёт синтези жараёнига йўналиш бера оладиган даражада аҳамиятли ғоявий-бадий ҳисса қўшганлигини тўлароқ идрок этамиз. Ҳали артель ҳам, колхоз ҳам тузилмаган, ер-сув ислоҳоти ўтказилмаган вақтлар. «Совет ҳукумати бўлгандан кейин дашт ерларда бойлар кўп йилгача йўқолгани йўқ эди. Бойлар қишлоқнинг бир хил каттаконлари билан чиқишиб, ҳукуматдан қўрқмай, у-бу қилиб, камбағал батракни ишлатиб турди, молни, дунёни орттирмақнинг ҳийласини қилиб турди», деб бошлайди ўз достонини Пўлкан шоир. Мана шундай шароитда Мамарайим фирқа қишлоқдаги ўзига ўхшаган камбағалларни йиғиб, уйда икки-уч кунда бир йиғилиш ўтказар, райком билан район ижрокомининг йўл-йўриқларини ҳамқишлоқларига етказар, шу йўсин партиявий иш олиб борар эди. Унинг атрофига йиғилган Қобил фирқа, Суяр комсомол, Гулнор, Ҳасан батраклар қишлоқ меҳнаткашларининг ишончини қозонадилар, шунинг учун райондан комиссия келганида, уларни ҳам комиссия аъзолари сафига қўшадилар. Ҳасан батрак Мамарайим фирқа таъсирида бўлгани учун партия сиёсатидан, Совет ҳукумати амалга оширишни мўлжаллаган катта ишлардан хабардор, шу эзгу ғояларни рўёбга чиқариш жараёнида фаол қатнашишга маънан тайёр эди. Бу унинг Ойқизга кўнгил ёриш саҳнасидаёқ маълум

бўлади. Ойқиз дастлаб ота-онаси кайфиятини эсда тутган ҳолда фикрлайди ва шунинг учун Ҳасанни камсити, унинг севгисини рад этади, ўзининг бой қизи эканлигини, йигитнинг камбағаллигини бунга сабаб қилиб кўрсатади. Шунда Ҳасан батрак юрагига ларза тушади. Ойқизнинг гапига юраклари эзилиб, лекин унинг туришига жони эмраниб, кўнгли уйғониб, ҳақиқатни баён қилади, ўз маънан юксаклигини намоёиш қилади. Ойқизни ўз муҳаббатига лойиқ бўлишга даъват этади, уни даврнинг бош ва тўғри йўлидан ўзи билан ҳамқадам бўлишга даъват этади. «Ҳозир ишчи, меҳнаткаш ҳукуматни қўлга олган, элу халқни тўғри йўлга солган, ҳукумат эркак билан аёлни тенг қилган, барига ҳуқуқ берган, ҳозир бойнинг сўзи ўтмайди, кучи ерга етмайди, ҳийлакорлик билан иши битмайди. Марказдан, райондан одам келиб, қишлоқда неча марта йиғин қилган, кўп гаплар бўлган. Сени ҳам Ҳасан батрак отангдан яшириб, шу йиғинларга олиб борган, сен у гапларни ўз қулоғинг би-

лан эшитгансан. Мана шу ишлар бари бўлади», дейди. Яна шундай деб уқтиради:

*Кўзга илмай кетма бизни...  
Кейин пушаймон бўлмагин.*

Муҳаббат асрлар давомида ижтимоий ҳаётнинг қарама-қарши қутблари, даврнинг бош масаласига муносабатига кўра мусбат ва салбий гуруҳга ажраладиган характерлар тўқнашув майдони бўлиб келган эди. Пўлкан шоирнинг «Ҳасан батрак» достонида ҳам муҳаббат синфий курашни ғоявий-бадий фокусга йиғиш воситасига айланади. Карл Маркс аёлга муносабатига қараб жамиятга баҳо бериш лозимлигини уқтирган эди. Ҳасан батрак ўзбек совет фольклори, ўзбек совет адабиёти миқёсида ижтимоий адолат заминида туриб севги изҳор қилаётган, севги воситасида синфий маҳдудлик ботқоғига ботиб кетиши мумкин бўлган кизни даврнинг катта йўлига чорлаётган биринчи ошиқдир, янги дунёнинг тимсолига айланган образдир. Мамарайим фирқа каби Ҳасан батрак Пўлкан шоирнинг фольклор ва адабиёт



Таниқли бахши Умарқул Пўлкан невараси Саодат Пўлканова билан.  
1986 й.





ривожига йўналиш бера олувчи кашфиётидир.

Уз ҳаётини асосига кўра Ойқиз образи дoston воқеаларини марказлаштиради. Оилавий муҳити таъсирида даставвал Ҳасан батракни ўзига тенг кўрмаган бу қиз тез орада янглишганини сезиб қолади. Қўш хотинли бой — Жонали чўнтоқ уни ўзига учинчи хотин қилиб олмоқчи бўлиб совчи юборади. Совчилар ким денг? Мاستон билан Бўстон — бойнинг биринчи ва иккинчи хотинлари... Бу хатти-ҳаракат Жоналининг руҳиятини ниҳоятда яққол кўрсатади. Ҳа, у икки хотинини одам ўрнида кўрмайди, шу тариқа очиқ-ойдин камситади, балки аёлларга бой-феодалларча муносабатнинг бундан ҳам яққол мисолини топиш қийиндир... Айвазбой тўйга розилик беради. Пўлкан шоир шунда Мастон билан Бўстоннинг не ҳолга тушганлигини уқтириб ўтади: «Бу гапдан совчиларнинг юраги ёрилгудай бўлиб, ўз кўнглида: «Бермаса ҳам майлига эди, бизнинг кўрган кунимиз ўзимизга озмиди, совчи бўлмай ўла қолсак бўлмасмиди, икков эдик, учов бўлдик, ғамнинг устига ғамни ўзимиз тилаб олдик», деб хафа бўлганини бойга билдирмай, ёлғондан кулиб, фотиҳа ўқиб, билдирмай, Мастон билан Бўстон уйига қараб жўнаб кетди». Ойқиз ўз бошига кундошлик балоси келишини аниқ билгач, ақлини йиғиб олади, қатъий ҳаракат қилади. «Ҳасандан бошқа кўзига кўринмайди». Кечаси ҳеч кимга билдирмай, Ҳасаннинг ёнига боради, кўнглини ёради. Унинг қатъияти Ҳасанга ҳам ўтади, иккиси тунда районга, женотделга қараб йўлга чиқади. Уларнинг мақсади амалга ошади. Женотдел Ҳасан батракка Ойқизни никоҳ қилиб беради. Икки ёш қишлоққа район комиссияси билан биргаликда қайтади. Комиссия оқни оққа, қорани қорага ажратади. Милиция Айвазбой билан Жонали чўнтоқни — икки қонхўр бойни қамаб қўяди. Шунда Айвазбой буқаламунлик қилади, кўзига ёш олиб, Ҳасанга:

*Армон билан ўлдирмагин отангни,  
Қизим туғул, молимни ҳам  
бераман, —*

деб ёлворади, лекин унинг сўзларидан қашшоқ ички олами, энг эзгу нарсаларни, ҳаёт мазмунини пул, мол-дунё билан ўлчаши маълум бўлади. «Қизим туғул, молимни ҳам берман», дейиши худди шуни фош қилиб қўяди. Айвазга нисбатан муносабати, жавобида Ҳасаннинг синфий онги яққол кўринади.

«Ҳукуматнинг кўрар кўзи бўламан», — дейди у, бойларга — эзувчиларга қарши оғишмай курашажани очик айтади. У ўзи, яъни эндиликда ер-сув, мамлакатнинг хўжайини бўлиб қолган меҳнаткашнинг ижтимоий ҳаётдаги юксак мавқеини, маънавий бурчини чуқур англайди. Ғоявий-бадий жиҳатдан мукамал, мақол каби мухтасар сўзлари — юқоридаги мисра шунинг далили эмасми? Қуйидаги — Ҳасан батракнинг эътиқодини яна ҳам ёрқинроқ ифодалаيدиган сатрларга эътибор берайлик:

*Ҳасан батрак ҳукуматнинг  
«қули» дир,  
Уғлим дема! Ленин ўртоқ ўғлидир.*

Мамарайим фирқа, Ҳасан батрак ва улар сафидаги меҳнаткашлар ёш Совет ҳукумати олиб бораётган адолатли сиёсатни қўллаб-қувватлайдилар, ўз ишлари билан янги тузумни мустақкамлашга интиладилар. Улар — социализмни бунёда келтирувчи халқнинг вакиллари; Владимир Ильич Ленин социализм халқнинг жонли ижоди бўлишини уқтирган эди. Биз «Ҳасан батрак» достонида оддий халқ вакиллари — меҳнаткашлар фаол ҳаётини позицияда турганликларини: Айвазбойнинг жияни каби янги жамият мироблари сафларига кириб олиб, сувни лойқалатаётган ёт унсурлар танобини тортиб қўйиш учун райондан комиссия чакирганликларини, шу тариқа адолатни тиклаганликларини, Мамарайим фирқани қишлоққа раис, Ҳасан батракни артель катта-

ларидан бири этиб сайлаганликларини кўра-миз. Бинобарин, Пўлкан шоир социалистик жамият қураётган халқни, унинг муносиб фарзандларини ўз достонига қаҳрамон қилиб олди. Бу ғоявий-бадий жиҳатдан олға ташланган дадил қадамдир, мардикор воқеалари, Жиззах қўзғолони, Гражданлар уруши тасвирларидан кейин янги ҳаёт қурилиши мавзуси «Ҳасан батрак», «Комсомолка Ойтўти» каби асарлар воситасида ўзбек фольклори, совет адабиёти кун тартибидан — ғоявий-бадий жараёнидан ўрин эгаллади.

Пўлкан шоирнинг «Комсомолка Ойтўти» достонида колхоз қурилиши даври воқеалари, янгилик билан эскилик ўртасидаги кучли синфий кураш жараёнида кишилар ижтимоий ҳаётида ва маънавий дунёсида рўй берган ўзгаришлар қарама-қарши эътиқодлар тўқнашувининг ҳосиласи ўлароқ содир бўлган хатти-ҳаракатлар, ҳодисалар тасвирланади. Муштумазурлар, домла-имомлар йўригини тутган, ич-ичдан эскиликни ёқлайдиган Эрмат колхозга суқилиб киради, алдаб Ойтўтига уйланади. Лекин сиртдан дўст бўлиб юргани билан дили бошқаю тили бошқа экани билинади. Хотини Ойтўти комсомол сафига киришига, илм олиб, янги турмуш шодлигини суришига қаршилиқ кўрсатади:

*«Комсомол бўлай», деб, яна сўз очсанг,  
Бу танингдан кесиб олгум  
бошингни, —*

дейди. Қонхўрликдан тап тортмайди.

Ойтўти билан Эрмат ўртасидаги тўқнашув ғоялар, эътиқодлар ўртасидаги тўқнашувдир. Эскилик ўрнини адолат, хотин-қизларга бой-феодалларча муносабат ўрнини гуманистик эъзоз эгаллаётган бир пайтда икки қарама-қарши кутб орасида жанг бўлмаслиги, ёмонлик яхшиликка ўз ўрнини ихтиёр тарзда бўшатиб бериши асло мумкин эмас эди. Отилмай — қўйинда қолган тош отилиши, Советларнинг кундан-кунга яшнаётганини кўрган аламзадалар, зулм, жаҳолат, бидъат сўнги марта човут солиши турган гап эди. Шунинг учун Эрмат Ойтўтининг ширин тил билан айтган сўзларига, қишлоқ Совети раиси насиҳатларига қулоқ солмайди, аксинча ёмон нияти яна ҳам қатъийлашади.

Пўлкан шоир Ойтўтининг Эрмат томонидан ёвузларча ўлдирилишини тасвирлар экан, комсомол қиз маънавий оламини таъсирли ифодалайди. Ойтўтининг маънан юксаклиги ва голиблиги унинг ўлим қаршисида кўрқмай айтган қуйидаги мардона сўзларида яққол:

«— Сен, — деди Ойтўти, — йигит бўлиб номарднинг ишини қилаясан. Кучинг — тилинг пичоққа етибди. Майли, ўлдирсанг ўлдир. Лекин билиб қўй: мени ўлдириб, сен ҳам соғ қолмайсан. Менинг қоним учун сенинг ҳам қонинг кетади, авлод-аждодининг ёстиғи қурийдим. Мен комсомолга ёзилиб эдим. Билет-книжка олиб эдим. Шуни кучоқлаб ўламан».

Ойтўтининг ҳаёт билан видолашув сўзларида унинг парвозга шайланган кабутар қанотларидек шиддатга тўлган фаслида жувонмарг бўлган руҳий дунёси намёнён бўлади. Бу комсомол қизни маънавият қаҳ-

рамонлари, юксак мурод-мақсадлар тимсоли бўлмиш қаҳрамонлар сафига дохил этади:

*Оқ кўйлагим қизил қонга бўйлаб,  
Юрак-бағрим лахта-лахта қон*

*бўлди.*

*Комсомолга кириб хизмат*

*қилмадим.*

*Бу мен учун кетмас бир армон*

*бўлди.*

Ойтўти кўнглидаги коллизияни, ижтимоий пафос билан йўғрилган юксак орзуни бу қадар халқчил, содда, таъсирчан — психологик ҳаққоний ифодалаб бериши Пўлкан шоир маҳоратининг белгисидир. Қаҳрамон ҳолатини психологик жиҳатдан асослаш — индивидуал ижодга хос фазилат.

«Комсомолка Ойтўти» — том маънодаги янги замонавий, оригинал асар, — деб ёзган эди қирчинда қирқилиб, орамиздан бевақт кетган шоир ва фольклоршунос Амиркул Пўлканов. — Бу белгилар достоннинг композицион қурилишида, шакл ва мундарижасида, сюжет линиясида яққол кўзга ташланади. Достоннинг ғоявий-бадий қимматини ҳам воқеликнинг ўзидан келиб чиқиб баҳолаш керак. Ижодкор давр руҳини, ҳаёт ҳақиқатини, қаҳрамон психологиясини реалистик услуб доирасида ишонарли қилиб бадий умумлаштира олган. Бу, айниқса, қаҳрамоннинг руҳий оламини тасвирлашда, унинг характерини белгилашда кўпроқ кўринади». (Қаранг: «Пўлкан шоир» тўплами, 49-бет).

Бинобарин, давр билан ҳамнафаслик, ҳам-қадамлик фазилати шоир учун камлик қилади, у ўз синфининг маънавий байроқдорлари, йўлбошчиларидан бўлиши керак. Ана шунда унинг қалбида халқ даҳоси тилга киради. Ана шунда шоирлар ўз давр ҳақиқатини, мурод-мақсадларини ўз шахсларида мужассам этадилар. Улар ўз асарларида бадий талқин этган қаҳрамонлар, ғоялар ўша давр учун ижобий ҳодиса, ибрат, маънавий маёқ ҳисобланади. Улар майдонга чиқарган ижобий ёки идеал қаҳрамонлар ҳаётга йўналиш бера олиш кучига эга бўлади. Юсуф Хос Ҳожибнинг илк туркий бадий ёдгорлиги «Қутадғу билиг», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк», Алишер Навоийнинг «Хамса» ва «Хазойинул маоний», шунингдек, бутун ижоди, Бобур, Турди, Машраб, Огаҳий, Мунис, Махмур, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Дилшод Барно, Анбар отин, Завқий, Аваз, Аҳмад Дониш, Ҳамза, Садриддин Айний, Чўлпон, Абдулла Қодирийлар ижодидаги ижобий қаҳрамонлар маънавий таъсири, тараққийпарвар ғоялар ибрати ўз даври учун ҳам, кейинги авлодлар учун ҳам баракали бўлди. Аммо бу қаҳрамонларни бадий воқеликка олиб кирган, «қабих онларда эркин куйлаган» ижодкорларнинг амалий қаҳрамонлигини эсдан чиқармаслик керак. Биз ўтмишдаги муайян ижодкор ҳақида фикр юритганда, баъзан унинг асарларида мусбат идеал етарли даражада намёнён бўлмагани ҳақида сўзлаймиз. Аммо мавжуд воқеликни, унинг учун хос бўлган салбий типларни ҳажв қилган Муқимий каби шоирлар шахси — ҳаётини — ҳаққоний позицияда турган ижодкор бево-сита, амалий тарзда мусбат идеал тарзида майдонга чиқади, Шу маънода саодатга йўл-



Невара шоир Амиркул Пўлканов (ўнгда) Эргаш Жуманбулбул чевараси — фольклоршунос олим Шомирза Турдимов билан. 1977 йил.

В. КЛЕПКО фотоси



ловчи билимни ёқлаган Юсуф Хос Ҳожиб ҳам, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий ва ўзбек адабиётининг кейинги йирик намоёндалари ҳам ўз даврининг амалдаги ижобий қаҳрамонлари эдилар.

Бу, амалдаги ижобий қаҳрамонни ўрганиш — табиий эҳтиёж. Чунки унинг сиймосида даврининг энг мураккаб жиҳатлари, бадий ижобий қаҳрамонда акс этмай қолган маънолари мавжуд бўлади. Ижодкор шахсида у яратган асарлар, ғоялар, қаҳрамонлар ва айна пайтда унинг шахси билан боғлиқ кўп хислатлар, яъни ҳаёт ҳақиқати ва бадий ҳақиқат мужассам топган. Шу жумладан Пўлкан шоир халқнинг меҳри ва қаҳри учрашган нуқта. Чиринган, адолатсиз ижтимоий ҳаёт, унинг салбий типларини рад этаётган шоир — Ҳасан батраклари, комсомолка Ойтўтиларни қўллаб-қувватлаётган, шахсан ўзи социализм қурилиши жараёнида қизгин иштирок этаётган шоир — амалдаги ижобий қаҳрамондир.

У Совет ҳокимиятини чин юракдан шарафлади:

*Ивгогар бойларга бўлди қиёмат,  
Камбағал деҳқонга бўлди мурувват,  
Меҳнаткашман бўлди Шўро ҳукумат,  
Шўро ҳукумати узоқ яшасин,  
Таълим берган Ленин ўртоқ яшасин!*

Гимндек улуғвор бу қўшиқ.

Асл қўшиқ.

Эскирмайдиган қўшиқ.

Бутун халқнинг дилидагини тилига чиқарган қўшиқ.

Пўлкан шоир доҳий Ленинни, Совет ҳокимиятини ўз индивидуал асарларининг бош қаҳрамони деб билди, айна чоқда социализмнинг оддий аксарларини — коммунистларни, комсомолларни, ёруғликка чиққан хотин-қизларни, «бой бобони вой-войлатган активлар»ни қўшиққа солди. Ўзбек совет фольклори оламини шакллантиришга ўз ижодий ҳиссасини қўшди. Унинг «Мардикор», «Ҳасан батрак», «Комсомолка Ойтўти», Фозил Йўлдош ўғлининг «Маматкарим полвон», «Жиззах қўзғолони», «Очилдов», Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Таржимаи ҳол», «Ўртоқ Ленин» дostonлари уйғунликда Улуғ Октябрь инқилоби арафасидаги, революция, Гражданлар уруши, колхозлаштириш даврларининг яхлит бадий манзарасини ҳосил қилди.

Бу муваффақиятлар қадимий ва бой ўзбек халқ дostonчилиги муҳитида, унинг заминиде юзага чиқди. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жомурод ўғли Пўлкан, Ислоҳ Назар ўғли каби дostonчилик антейлари ўз баҳодирлик қувватларини шу она тупроқдан олдилар.

Ўзбек фольклоршунослари ўз тадқиқотлари жараёнида уч юзга яқин халқ бахши шоирлари, уларнинг репертуарларини аниқладилар. Булунғур, Қўрғон, Қашқадарё, Сурхондарё — Шеробод, Кўлбуқон, Қамай, Қўтир дostonчилик мактаблари кашф қилинди. Булунғур дostonчилик мактаби қаҳрамонлик эпосининг ватани сифатида танилди. Қўрғон дostonчилик мактаби ишқий-романик эпос ўлкаси сифатида овоза кўтарди. Қўтир дostonчилик мактаби ўзбек бахшилари, қозоқ ва қорақалпоқ жировлари бадий тафаккури бирлашган эпик марказ экани маълум бўлди. Хоразм дostonчилик мактаби эса ўзбек, туркман, қорақалпоқ эпик анъаналари бадий Орол денгизини ҳосил қилган воҳа. Кўлбуқон дostonчилик мактаби ўзбек ва қирғиз эпик оламларини ўзида бирлаштирган, ўзига хос интернационал репертуар яратган. Мана шу айтилган хусусиятларига қараб мулоҳаза юритганда ҳам, ўзбек дostonчилик мактаблари ўз она халқининг бадий даҳосини, унинг эзгу идеалларини тўла-тўқис намоён қилувчи, айна пайтда миллатлараро фольклор алоқаларини вужудга келтирган, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилган маънавий куч сифатида намоён бўлади. Ўзбек совет фольклоршунослигининг хизматларидан бири шу бўлдики, у халқимизнинг фольклор олами география-



Сариосиёдаги 5-кишлоқ қурилиши комбинати ишчиларидан бир гуруҳи: Холмурод ЭШМАТОВ, Раҳмон РАВШАНОВ, Исмагулла КАРИМОВ, Равил МУЛЛАЯНОВ, Омон ЭШОНБОЕВ, Ҳамро ТАНГРИҚУЛОВ, Худойберди ЖУМАЕВ ўзаро суҳбат чоғида.

В. МОСИН фотоси

сини тузди, унинг маънавий иқлимларини ҳосил қилган омилларни белгилади.

Ўзбек фольклори намуналари нашр этилгач, илмий тадқиқ қилинган, унинг ўзбек маданияти, адабиёти ривожига тутган мавқеи ҳам кучайди, тўғрироғи, халқнинг асрий бадий тажрибаси адиблар, шоирлар ижодини юксалтиришга ёрдам берди. Ҳамзанин «Майсаранинги иши» драмаси, Ғафур Ғулломнинг «Кўкан» дostonи, «Шум бола» повести халқ булоғидан сув ичиб кўкарган боғлар. Албатта, бу ҳисобга ўзбек совет музыкаси, тасвирий санъати тараққиётига доир тажрибаларни ҳам қўшсак, ушбу жараённинг кўлами янада кенгроқ тарзда намоён бўлади. Айтиш мумкинки, ўзбек фольклори ҳам ўзбек совет адабиёти жадал ривожланиши учун муайян имконият яратди.

Инқилобий муҳит ўзбек бахши шоирларининг индивидуал қуввати ёрқин бир тарзда майдонга чиқиши учун асос берди. Асрлар давомида халқнинг эзгу мурод-мақсадларини бадий талқин қилиб келган, ижтимоий адолат учун олиб борилган курашнинг байроқдорларидан бўлган халқ шоирлари янги давр ҳақиқатини тез илғай билдилар, инқилобий ҳақиқатни бадий ифодаб бера олдилар. Маълумки, давр ҳақиқатига нисбатан бадий ҳақиқат оқсаб қоладиган пайтлар ҳам бўлади. Аммо ўзбек бахшилари ижодида бундай номутаносиблик сезилмади, ҳаёт ҳақиқати ва бадий ҳақиқат уйғунлиги ҳосил бўлди. Бу жуда муҳим, алоҳида урғу бериш лозим бўлган нуқтадир. Фольклоршунос В. Гусев бир ўринда: Ўрта Осиё бахшилари янги замон мавзуида дostonлар тўқидилар, лекин улар оммалашиб кетмади, деб нуқиб ўтади. Бизнингча, олим бир нарсани эътиборга олмайди: у кўзда тутган асарлар фольклор намуналари эмас, балки индивидуал ижод маҳсулидир. Шу тариқа кўп миллатли мамлакатимизнинг бир қанча халқлари тарихида бўлганидек, Ўзбекистон бахшилари ижодида янги бир ҳодиса: фольклор — адабиёт синтези ҳосил бўлди. Бу фольклоршунослик фани ҳали чуқур ўрганиши ва у ҳақдаги ўз илмий хулосаларини айтиши лозим бўлган — йирик ижтимоий-бадий ҳодисадир. Фозил Йўлдош ўғлининг «Маматкарим полвон», «Жиззах қўзғолони», «Очилдов» дostonлари шунини кўрсатадики, халқ шоири бадий тафаккури даврининг мусбат идеалларига мос равишда ҳаёт ҳақиқатини тадрижий равишда инъикос этиб борган. Халқ шоири «Маматкарим полвон» дostonида стихияли тарзда майдонга чиққан халқ вақилини тасвирлайди, «Жиззах қўзғолони» дostonида чор империясини ларзага солган халқ қўзғолонининг ёрқин манзарасини чизиб беради ва бу воқеаларда, ўз севилисичи учун қурган қаср деворларини беэзаган Фарҳод ўзининг Ширинга маҳлиё бўлиб турганини такрор-такрор тасвирлагани каби, Брюллов «Помпеянинг сўнги куни»

асарида шу асар руҳига уйғун ҳолда ўзини мўйқалам ушлаган ҳолда тасвирлагани каби фаол иштирок этади. Халқ шоири бутун тасвирдан, қаҳрамонларга муносабатларидан, ўша тарихий муҳитдаги хатти-ҳаракатларидан чинакам ватанларвар, адолат курашчиси, онгли равишда халқ томонида экани кўриниб туради. «Очилдов» дostonида эса мутлақ оригинал йўлдан боради. Йўлдан адашган, халқ манфаатларига қарши курашган салбий қаҳрамонни биринчи планда тасвирлайди ва шу тариқа ҳаёт ҳақиқати халқ томонида эканини, халққа қарши борган ҳар қандай куч фитнадан нари бормаслигини ва забун бўлишини кўрсатади. Совет адабиётида кейинги йилларда ҳаёт ҳақиқатига қарши борган гумроҳлар фожиасини талқин қилган — салбий қаҳрамонлар биринчи планда тасвирланган бир қанча асарлар яратилдики, улар Фозил Йўлдош ўғлининг бадий қуввати интуицияси (савқи табиийси) тўғри бўлганини, у ўз дostonи билан адабиётнинг кейинги ривожига бадий ёрдам бера оладиган йўл танлаганлигини билдиради. Дарҳақиқат, халқ ижоди адабиётга кўп вақт йўл ҳозирлаган. Қаҳрамонларни саралаб, кўрсатиб берган. Зеро, энг зўр шоир ҳамиша халқдир.

Халқ шоирлари — ана шу энг зўр шоирнинг ҳамнафас фарзандларидир. Пўлкан шоир улардан бири эди.

Ундан ёзиб олинган дostonлар севиб ўқилмоқда, у қуйлаган ҳасан батраклар, ойтўтилар, мамарайим фирқаларнинг давомлари — замондошларимиз: қайта қуриш ва жадаллаштириш даври кишилари тинчлик йўлида меҳнат қилмоқдалар. Пўлкан шоир ҳам сафда. Буюк дostonчи номида мактаблар, кўчалар мавжуд. Самарқандда Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислоҳ Назар ўғли даврасида ҳамда туғилган ери — Жизмонсойда ҳайкали қад кериб турибди. Ўғли — Умарқул Пўлкан ўғли, невараси — Амирқул Пўлкан ўғли, чевараси — Саодат Пўлканова унинг қўшиқларига жўр-овоз бўлиб майдонга чиқдилар.

Умарқул Пўлкан ўғли «Овозинг давоми эрур овозим» шеърида шундай деб қуйлайди:

*Эзилган мазлумга Ленин йўл боши —*

*Бўлди-ю, барчанинги бошин силади.  
Сениндек мазлумга оқ йўл тилади.  
Озодлик йўлига тушдинг ўшанда,  
Етиб келдинг жонга туташ гўшанга.  
Созинг чертиб, камбағалга бош бўлдинг,  
Дostonингда Ҳасан миниб отини,  
Мамарайим берди бойлар додини,  
Епон таслим бўлди Ҳасан кўлида,  
Тинчлик қарор топди Совет элида,  
Паранжи, чачвонни ёқди Ойтўти.  
Машғалдек порлади унинг қалб ўти.  
Сўнг қўлга туширдинг жолдор бўрини,  
Халқингга бахш этдинг қалбинг қўрини...  
Шу боис минг йиллар яшайсан ҳали,  
Эзгулик ҳиссангни қўшгайсан ҳали...*



сан, партия ва ҳукуматимиз томонидан халқ ижодига, халқ истеъдодларига, бадий ҳаваскорлик коллективларига чуқур эътибор берилиши, ғамхўрликлар кўрсатилиши, бу борада ҳал қилувчи роль ўйнади. Қаердаки маданият бўлимлари бошлиқлари, шунингдек, партия, совет, комсомол ташкилотлари раҳбарлари халқ маънавий маданиятига қизиққан, уни ривожлантиришга, турмушга янада кенгроқ татбиқ қилишга эътибор берган бўлсалар, шу ерда фольклор-этнографик ансамбллари нисбатан яхши ташкил этилди ва муваффақият билан ривожланди. Қўқон, Наманган, Бўстонлик, Фарғона, Хоразм, Булунғур, Бойсун, Китоб, Бухоро ва бошқа шаҳарлар, районлардаги ансамбллар бунга мисол бўла олади.

Аммо баъзи жойларда давримиз маданияти ва санъатининг ўзига хос характерли белгиларидан бўлмиш фольклор-этнографик ансамбллари ташкил этиш ва улар фаолиятини маданиятимиз талаблари, халқимиз маънавий эҳтиёжлари асосида фаоллаштириш ишига етарлича эътибор берилмади. Айрим раҳбарлар бу ишга панжа орасидан қарашди. Оқибат натижада жойларда отахонлар, онахонлар, ҳатто ёшлар орасида қадимий халқ кўшиқлари ва термаларини, халқ ўйин-рақсларини зўр иштиёқ ва эҳтирос билан ижро этаоладиган, бадиҳа йўли билан асарлар ижод қилиб, ўзлари куйга солиб айтадиган, шунингдек, халқ ижодининг қизиқчилиги, тақлидчилик, созандалик ва бошқа турларидан хабардор бўлган кишиларнинг бошлари ҳамма вақт ҳам қовуштирилмади. Бунга мутахассис-фольклор-шуносларнинг, қолаверса, маданият, халқ ижодиёти билан шуғулланувчи мутасадди кишиларнинг ҳам маълум айби бўлди, албатта. Умуман, шу кунга қадар фольклор-этнографик ансамбль қандай бўлиши лозим, улар фаолиятини ташкил этиш, репертуарини белгилаш, куйи, ижроси, костюми, услуби каби масалаларни аниқлаш, вазифаларини конкрет белгилаш ишлари билан бевосита шуғулланилмади, уларга етарлича амалий-методик йўл-йўриқлар кўрсатилмади ва ҳоказо.

Ҳўш, ҳозирда мавжуд бўлган ва кишиларга маданий хизмат кўрсатиб келаётган фольклор-этнографик ансамбллари кўлга киритган ютуқлари, йўл кўйган хато ва камчиликлари нималардан иборат?

Фольклор-этнографик ансамбллари ўзбек халқ бадий ижоди, мусиқиси ва рақс санъатининг қадимги турлари намуналаридан баъзи бирларини ижрода «тирилтирдилар», уларни бутунлай йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолдилар. Улар қадимий фольклорни ўз репертуарларига қабул қилиб, нафақат ижрочи сифатида фаолият кўрсатмоқдалар, балки совет даври халқ оғзаки ижоди намуналарининг ҳам яратувчилари ва ижрочилари бўлиб майдонга чиқмоқдалар.

Дарҳақиқат, қайси фольклор-этнографик ансамбль ре-

пертуарига назар ташламанг, уларнинг аксарияти замонавий асарлар, яъни Ленин, Партия, Совет ҳукумати шаънига тўқилган мадҳия, тинчлик, меҳнат, она-Ватанга аталган сиёсий-публицистик кўшиқлар билан бойитилганини кўрасиз. Бу ансамбллар халқ бадий ҳаваскорлик санъатининг янада ривожланишига, кишиларда пинҳона яшириниб ётган истеъдодларни рўёбга чиқаришга туртки бўлмоқда. Масалан, «Гулёр» (Бўстонлик), «Ер-ёр» (Наманган) фольклор-этнографик ансамбллари даставвал ўзлари яшаб турган территорияда, кейинча эса Тошкент телевидениесида чиқишлари нафақат Ўзбекистонда, балки Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон республикаларида ҳам кексаю ёшлар қалбларида пинҳон ётган истеъдод булогини очиб юборди. Жойларда фольклор-этнографик ансамбллари бадий ҳаваскорлик коллективлари тузилишининг ташаббускори бўлдилар. Шу кунга келиб, биргина республикамизда икки юздан ортиқ фольклор-этнографик ансамбллари ташкил этилиб, улар озми-кўпми халқимизга бадий хизмат кўрсатиб келаётган экан, бу жуда катта маънавий, маданий бойлигимиздир, дея оламиз. Аммо уларнинг кўпчилиги ўзлари уюшган «фольклор-этнографик ансамбль» дегани нима, унинг репертуарлари, либоси, ижроси қандай бўлиши лозимлиги борасида мукамалроқ тасаввурга эга эмаслар. Жойлардаги бундай коллективларнинг репертуарларидаги кўшиқлар, куйлар, рақслар ҳам, уларнинг ижро усуллари ҳам, либослари ҳам халқ ижоди — фольклорга яқинлашиб келмайди. Бунга сабаб уларга ўз вақтида керакли йўл-йўриқлар кўрсатувчи, фаолиятларини тартибга солган ҳолда бошқарувчи раҳбарликнинг йўқлигидир. Шу боисданми, колхоз, совхоз ёхуд клуб, санъат саройи қошидами, кишилар ўзларича беш-олтита кўшиқ айта оладиган ёки ўйинга тушадиган қарияларни уюштириб, бошларини қовуштириб олиб (бу ҳам аслида катта меҳнат, машаққат билан бўлади-ку-я!) дарров унга «фольклор-этнографик ансамбль» деб ном бермоқдалар. Ваҳоланки, ҳар қандай фольклор-этнографик ансамблнинг ўз олдига қўйган талаб-эҳтиёжлари, ўз йўналиши, бошқа бадий ҳаваскорлар ёхуд ансамбллардан фарқли томонлари бор. Уларни унутишга, четлаб ўтишга ҳаққимиз йўқ. Демак, ҳозирда «фольклор-этнографик ансамбллар», деб юритилаётган уюшмалар фаолиятидаги бошбошдоқликка, уқувсизликка хотима беришимиз, уларнинг тўғри йўлдан боришига ёрдамлашмоғимиз лозим.

Хуллас, юқорида тилга олинган «Ер-ёр», «Гулёр», «Нозанин», «Шалола», «Човқи», «Достон», «Авазхон», «Оразибон» ансамбллари истисно қилганда, репертуарда ҳам, либосда ҳам, шунингдек, ижро-услубда ҳам халқ ижодиётига мос тушмайдиган уюшмаларни фольклор-этнографик ансамбллари, деб айта олмаймиз.

«Фольклор-этнографик ансамбль»лар деб аталмиш коллективлардаги яна бир қусур репертуарда, шакл-шамойил, яъни либосда ҳам, рақс-ижрода бир-бирларини такрорлашгина эмас, жуда юзакчилик ҳамдир. Уларда теранлик, қисқаси, фольклорга хос нафосат, чуқур лиризм, миллийлик, гўзаллик кўзга ташланмайди. Баъзи ҳолларда қайси ансамбль Фарғона водийсиники-ю, қайси бири Тошкент ёхуд Наманганники эканлигини ажратиш қийин. Кийим-бошда ҳам, ижрода ҳам, рақсда ҳам бир хиллик сезилади. Ахир, фарғоналик ва наманганлик онахонлар айтган аллаю ёр-ёрлар, лирик кўшиқлар, тўртликлару қазил-мутойба лапарларда ўзгача майинлик, нафосат, ўзгача ранг-оҳанглар яққол сезилиб турганидек, Тошкент, Самарқанд ёхуд Қашқадарё, Хоразм фольклориди янада бошқача тароват, бошқача услуб-оҳанг, йўл мавжудлиги барчага аён-ку?! Фольклор-этнографик ансамблининг биринчи галдаги вазифаси репертуарига танланган асарлар, қабул қилган либослар ансамбль мансуб бўлган жойнинг кайфияти, руҳий ҳолати, ҳис-туйғулари, орзу-умидлари, дардлари, қисқаси, маънавияти, эстетик диди ва қиёфасидан хабар бериб, тингловчиларда ўзгача бадий ҳис-туйғулар, яхши кайфиятлар туғдириш эмасми?

Яна бир масала. Танланган рақснинг, кўшиқ-куйнинг ҳам маълум композицияси, яъни бошланиши, авжи, тугалланмаси бўлиши шарт. Ансамблларнинг иштирокчилари баъзи ҳолларда кўшиқни қаеридан бошлаб, қаерида тугатишни билишмайди. Овозлар, нафасдошлар бир-бирига монанд эмас, бир иккинчисини тўлдирмай, аксинча, ажралиб турадилар. Рақслар ҳам кўпинча қовушмайди. Қўлни кўтариб, «Во-ҳай бола», «Омон ёр», «Ер-ёр»га ўйнар эканман, деб саҳнага чиқаверилади...

Қисқаси, репертуардаги бадий, мусиқий, рақс санъатига, халқ асарларига хос руҳ, ўйноқчилик, мусиқийлик, эстетика яққол кўзга ташланиб турмайди. Зе-ро, баъзи «кўшиқчи-шоир»ларнинг ғоявий саёз, бадий тўмтоқ ғазал, кўшиқ деб аташга арзитайдиган пойма-пой, олди-қочди, ўлдим-куйдим гаплар тизмасидан иборат «асар»лари репертуарга қабул қилинар экан, улардан фольклорга хос нафосат, до-нишмандликни ахтаришнинг ўзи кулгили-да. Ваҳоланки, ўзбек халқи тинглангани ҳайратга солувчи лирик кўшиқлар, инсон кайфияти, дарди, ҳис-туйғуларини, меҳнат, табиат тароватини акс эттирувчи, шунингдек, сатирик, юмористик асарларга ниҳоятда бой.

Шундай қилиб, «фольклор-этнографик ансамбль» деган фахрли номга эга бўлган ҳар қандай уюшманинг ҳар бир аъзоси халқ ижодиёти чаманзори рангларини бутун қалби билан идрок қила билган, халқ даҳоси яратган юксак бадий асарлар руҳи-оҳангларини унинг ўзидек чуқур ҳис эта олган, ранг-баранг, жозибали рақслар сеҳридан керагича баҳраманд бўлган, қисқаси,

фольклорнинг гўзал намуналаридидаги шира-болни бамисоли асаридек шима олган, айна чоқда халқнинг турмуши, ҳаёт тарзи, маданияти ва урф-одатларига, маросим, байрам-сайилларига хос хусусиятларни чуқур тушунадиган, ўзи ҳам улар ичида яшай оладиган қалби ҳам шоир, бас-такор, санъаткор кишига айланмоғи лозим.

«Фольклор-этнографик ансамбли» кийим-кечакдан тортиб репертуардаги ҳар бир асаргача, куйдан тортиб рақсгача, хатти-ҳаракатдан тортиб безакларгача содда, ҳаётий, халқчил бўлмоғи шарт. Уларнинг қиёфалари, чиқишларида халқ ҳаёти, орзу-интилишлари, маънавий турмуши, меҳнати, кайфияти: руҳияти, этик, эстетик диди, қарашлари бамисоли ойнадек акс этмоғи, ана шу ҳолатларни тасвирлаган сўз ва ҳаракатга асосланган бўлмоғи керак. Сўз ва куй, куй ва ҳаракат, ҳаракат ва эмоционал таъсир, рамз каби омиллар кўмагида бирор бир маросимни, меҳнат жараёнини барча ранг-баранглиги билан ифода-лаш — фольклор-этнографик ансамблларидаги бош мақсадларидандир. Ахир, маросим фольклори, этнография, халқ мусикаси товланишлари, рақси қирралари кўпроқ фольклор-этнографик ансамбллар фаолиятида намоён бўлади-ку? Бундай ансамбллар халқ асарлари — хоҳ кўшиқ, хоҳ музика ва бошқа санъат турларининг асл руҳини сақлаб қолиш, бутун қирралари билан намоёиш этиш орқали ижтимоий ҳаётда катта вазифани ўтайди.

Фольклор-этнографик ансамблларида, юқорида ҳам қисман айтилганидек, кўпинча халқ ҳаёти, турмуши, руҳиятини яхши ҳис эта олмайдиган, баъзи ҳолларда ҳатто фольклор, халқ анъаналари билан классик ҳамда замонавий адабиёт, санъат ўрта-сидаги фарқларни, ўзига хос ўзгачаликларни англаб етмаган кишиларнинг раҳбарлик қилишлари ҳам бу соҳадаги жиддий нуқсонларнинг содир бўлишига олиб келади. Фольклор-этнографик ансамбллари фаолиятини бошқариб, уларга методик йўл-йўриқлар кўрсатувчи, репертуарини таъминловчи, назорат қилувчи бирон-бир жамоат ташкилоти тузиш зарурга ўхшайди. Шунингдек, ана шундай ансамблларга раҳбарлик қилувчи ташкилотчи-методист кадрлар тайёрлашни ҳам ўйлаб кўришга тўғри келади. Бундай мутахассислар тайёрлашни Тошкент Давлат маданият институти, хусусан, ундаги «Халқ мусикаси», «Оммавий байрамлар режиссураси», «Маданий-маърифий ишлар методикаси» кафедралари режиссураси, айна муддао бўлур эди.

Хулоса қилиб айтганда, халқ донолигининг бадий, мусиқий ва ҳаракат-ритмик ифодаси бўлмиш фольклорга меҳр-муҳаббат билан қараб, унинг гўзалликларидан кишиларни баҳраманд қилишга уриниш, санъат йўлида фидойилик кўрсатиш ҳақиқатан ҳам хайрли, саховатли ва шарофли ишдир. Фольклор-этнографик ансамбль ўз номига яраша бўлмоғи керак.



Инсон умри — куз осмони:  
Гоҳ булутли, гоҳ қулар.  
Турмушнинг ҳам бахт нарвони  
Гоҳ тикланар, гоҳ қулар.

Бугун қуёш кулиб боқди,  
Куз осмони чарақлар.  
Қулмат илк бор чироқ ёқди,  
Кўнгли уйдайд ярақлар.

Чақчақлайди болалари,  
Чақчақлайди хотини.  
Неки мавжуд дилбар бари,  
Минган шодлик отини.

Уч хонали квартира  
Олди ахир шаҳардан.  
Учиб кетди кўп хотира  
Шу қувончли хабардан.

Қулмат умри ўтди, зотан,  
Ижарага уй сўраб.  
Юрагини этди ватан  
Турмуш деган дард ўраб.

Берилди у ишга бутун,  
Илғор бўлди заводда.  
«Уйли бўлсам», деди тун-кун,  
Ёнди қалби шу ўтда.

Уйни кутиб, уйсиз ҳатто  
Топишдилар икки дил.  
Уч болали бўлгунча то —  
Навбат кутди етти йил.

Мана энди кўп хотира  
Учди шу бир хабардан:  
Уч хонали квартира  
Олди ахир шаҳардан.

Синди энди ҳасрат тиғи,  
Қувонар у ич-ичдан.  
Болаларнинг қийқириғи  
Томни тешар севинчдан.

Қулмат борин этиб бозор,  
Кечга айтди дўстларин.  
Рафиқаси — чечан Баҳор  
Ёнди ками-кўстларин.

Варақилар қилди хил-хил,  
Дастурхонни беади.  
Шўрва тайёр: гўшти хил-хил,  
Таъми тилни кесади.

Сўнг дўсту ёр бўлишди жам,  
Уйин-кулгу олди авж.  
Уй завқи зўр денгиздан ҳам,  
Даврада гап урди мавж.

— Уй муборак!  
— Уй муборак!  
Шифт ҳам ҳатто қаҳ-қаҳлар.  
Тушмас лабдан бу ибора,  
Жўр бўлади қадаҳлар.

Тўйда дардни ким тингларди,  
Фақат севинч сўзларди.  
Бехос эшик жириглади,  
Давра юзи ўзгарди.

Шодлик кезган уммон ичра  
Дуч келгандек айсберг,  
Қулмат шу зум турди сачраб:  
— Эшикни оч! Нега берк!

— Бекитгандир, — деди Баҳор, —  
Болаларнинг биттаси.  
Эшигимиз дўстга хумор —  
Очиқ эди, дадаси.

Сўнгра бориб очди дарҳол,  
Қўлин қўйиб кўксига.  
Кириб келди соҳибжамол,  
Танимади аксига.

Кўрсатиб у иззат-икром,  
Ичкарига бошлади.  
Бегонайди юзу андом,  
Қулмат бўйнини қашлади.

Аммо у ҳам этди бажо  
Оталарнинг урфини.  
Тўрдан унга кўрсатди жой,  
Очиб кўнгли қулфини.

Ўрнидан дув турди давра  
Хурмат қилиб меҳмонни.

Танишлардай ҳамма жавраб,  
Сўраб кетди мол-жонни.

У ким? Ҳеч ким сўрмас бироқ,  
Узун ташлар арқонни.  
Қайси ўзбек қилар сўроқ  
Уйга келган меҳмонни?

Фақат исмин айтди хурсанд,  
Исми экан Севара...  
Ҳамма тагин гап билан банд,  
«Ол-ол» билан овра.

Баҳор қилган ошни алқаб,  
Қулматни шод этишди.  
Ярим кеча давра тарқаб,  
Уй-уйига кетишди.

Тўй ҳам ўтди, йўқ муаммо,  
Дил севинчи беҳудуд.  
Меҳмон қизда йўқдир аммо  
Кетмакка ҳеч тарадуд —

Елка қисиб хотинига  
Қулмат қизни кўрсатди.  
Баҳор борди қиз ёнига,  
Вой бермай деб фурсатни:

— Хуш келибсиз, уйимизга  
Бугун бахтдан соч ўрдик.  
Қўшилибди тўйимизга  
Насибангиз, хуш кўрдик.

Худо ўзи қилсин шафқат,  
Паноҳида юрибмиз.  
Буюрмайсиз айбга фақат,  
Танимайроқ турибмиз.

Севара ҳам шуни кутиб  
Турган экан чамаси,  
Тамшанаркан тупик ютиб,  
Тўкиб солди ҳаммасин:

— Катта раҳмат, опа, сизга,  
Қучоғингиз очилди...  
Қут ёғилсин уйингизга,  
Тўйгаздингиз, оч эдим.

Ростин айтсам, хонадоним —  
Уй-жойим йўқ азалдан.  
Бор бойлигим — жомадоним,  
Қолди у ҳам вокзалда.

Бир бошпана излаб юриб,  
Уйингизга дуч келдим.  
Қорним очиб, хаёл суриб,  
Тўйингизга дуч келдим.

Кимлигимни сўраб-нетмай,  
Мени меҳмон этдингиз.  
Бегонани кўриб қандай  
Жийрилмади этингиз.

На она бор, на бир падар,  
Меҳр кўзлаб келдим мен.  
Олислардан чекиб кадар,  
Паноҳ излаб келдим мен.

Хўп десангиз қолай шунда,  
Меҳрингизни билайин,  
Қош чимирмай, сизнинг кунда  
Хизматингиз қилайин...

Менга тордир бугун шаҳар,  
Зотан, катта, чиройли.  
Ишга кириб олсам агар,  
Бўлиб қолсам уй-жойли.

Яшар эдик бир умрга  
Опа-сингил тутиниб.  
Ҳақ тўлаши бўлар бир гап,  
Жой сўрайман ўтиниб...

Жужуқларин ўйнатарди  
Қулмат қўшни хонада.  
Баҳор ўйлаб меҳмон дардин,  
Икки ўтда ёнади:

Ҳа, десинми, йўқ, десинми,  
Бу нотаниш гўзалга?  
Танибдики у эсини,  
Шодлик солар пайсалга.

Уйда турса шундай пари,  
Ишонч борми эркакка?  
Шу бугунги қувончлари  
Айланмаса эртакка.

Йўқ дей деса, бечора қиз  
Тагин кимга мусрайди?

Юриш қийин қизга ёлғиз,  
Душманми, дўст учрайди?

Улибдими, қиз — ёш, гўзал,  
Эрига бормас яқин.  
Ўзгаларга эри бир гал  
Кўрсатмаган тиш оқин...

Сўз айтмади: «Илож йўқ-ку»  
Ёки «Майли, қол» деган.  
Аста туриб ўрнидан у,  
Борди Қулмат олдига.

Қулматга ҳам қиз тарихин  
Бир бошидан қайтарди.  
Негадир у қиз таърифин  
Ошириброқ айттарди.

Қулмат деди: — Яшаш учун  
Юрибди, де, жой танлаб?  
Тунай қолсин майли бугун,  
Аммо жўнат эрталаб.

Қучиб қўйди Баҳорни қиз,  
Меҳри ортди тобора...  
Бир хонада ўзи ёлғиз  
Ором олди Севара.

Баҳор эрта турган эди:  
Ҳамма тараф саришта.  
Эр ёнига бориб деди:  
— Қиз эмас у, фаришта.

Ҳамма ёқни ювиб-артган,  
Этсам арзир овоза.  
Чалинмасин қўли дардга,  
Идиш-товоқ топ-тоза.

Кўриб-билиб аҳволин биз,  
Кет, деяйлик не учун?  
Жой топгунча бечора қиз  
Тура қолсин уч-тўрт кун.

«Турса турсин» деган янглиф  
Қулмат бошин ирғади.  
Баҳор унга боқди илиқ,  
Розилигин илғади.

Шу-шу уйда шодлик-хуррам,  
Кулгуларнинг садоси.  
Бўлиб қолди Севара ҳам  
Оиланинг азъоси.

Қуюқ сочи ўйнатар кўз,  
Елка узра товланиб.  
Иш буюрсанг, турмас бесўз  
Ерга қараб, ковланиб.

Уни бари қилар ҳурмат,  
Яшар эди хотиржам.  
Бир амаллаб сўнгра Қулмат  
Жойлаштирди ишга ҳам.

Сал кечикса, эслашади,  
Қолишдилар ўрганиб.  
Болалар ҳам излашади,  
Юрак-бағри ўрганиб.

Кунлар оқиб тўлдиришди  
Кўкдаги кўл — ойни ҳам.  
Она тобсиз — билдиришди  
Баҳоройга айни дам —

Шошиб-пишиб йўлга чиқди,  
Кутар ахир онаси.  
Севара бор — уй тўлиқдир,  
Саранжомдир хонаси.

Бир парча хат этди огоҳ,  
Ишдан қайтгач Севара,  
Оро бериб қолди ногоҳ,  
Қилди сочин чамбарак.

Дўконларга учган тахлит  
Бориб келди бирпасда.  
Ичкилик ҳам қилди харид,  
Олиб келди гулдаста.

Уй ичини шамоллатди,  
Ками-кўстин тузатди.

Пардаларни дазмоллади,  
Тўй кунидай безатди.

Кечроқ қайтди ишдан Қулмат  
Мойга ботиб қўл-юзи.

Кутиб олди уни хурсанд  
Севаранинг бир ўзи.

Уй боқарди сирли, мубҳам,  
Болалардан йўқ дарак.

Болаларнинг ўрнига ҳам  
Эркаланди Севара.

Уқди дарров Қулматнинг у  
Кўзидаги саволни.  
Айлаб минг бир нозу кулгу,  
Тушунтирди аҳволни.

Чехрасида чақнаб ханда,  
Сочиларди нур-ёғду.  
Қулмат устин ечинганда  
Кўмаклашиб турди у.

Ювинганда сочиқ бериб,  
Янги пайпоқ келтирди.  
Кўз-кўз қилиб, кўксин кериб,  
Сўнг ёнига ўлтирди.

— Во-ей, бунча чиройлисиз, —  
Тортиб Қулмат бурнидан,  
Сўнгра бирдан ўпдио қиз,  
Ирғиб турди ўрнидан.

Қулмат эса титраб тизи,  
Ўрнидан ҳеч туролмас,  
Олов бўлиб ёнар юзи,  
Ақли ҳуши эди маст.

Хаёллари арқон солди,  
Судраб тортиб ҳар томон.  
«Наҳот, мени, севиб қолди  
Шундай гўзал бир жонон...

Ҳазиллашган... Кўнгли очик...  
Ўпди... Тортди бурнимдан...»  
Тизи янглиф титраб сочиқ,  
Туролмайди ўрнидан.

Қиз турарди деган каби:  
«Бўшанглигинг кўрсатдинг».  
Тагин борди қизнинг лаби  
Қулоғига Қулматнинг:

— Кулгим қистар ич-ичимдан,  
Туролмайсан не учун?  
Ўпиб олдим севинчимдан,  
Мен туғилган кун бугун.

Қулмат шошиб турди дарҳол,  
Такбирини йўқотди.  
Энди тили чиққан мисол  
Бир амаллаб сўз қотди:

— Табриклайман... Сени қара,  
Айтмабсан-да наҳорда...  
Қўшиб қўйди. — Эҳ, Севара,  
Кетмас эди Баҳор ҳам.

— Ҳеч қиси йўқ, мана, сиз бор,  
Ёлғиз қолсам бошқайди...  
Яхши эркак — элга сардор,  
Ўз ортидан бошлайди.

Қани, бошланг ичкарига,  
Ҳамма нарса мунтазир.  
Қулмат деди: — Хўп, «дори»га  
Чиқиб келай, мен ҳозир...

Қўлдан тортиб, эркаланиб,  
Севара дер: — Бор бари.  
— Қандоқ бўлди? — Иккиланиб,  
Қулмат кирар ичкари.



# = Достонь =



Таниб бўлмас уй ичини,  
 Стол усти ясоғлиқ.  
 Яширолмайд қувончини,  
 Тилади қизга соғлиқ.

«Ажойиб қиз, — дилга туйди —  
 Шунча бўлар ҳурмат ҳам...»  
 Севарани кучиб қўйди,  
 Ҳазиллашиб Қулмат ҳам.

Қизаришиб, ими-жими  
 Ўлтиришди ёнма-ён.  
 Юксак ўрлаб қон босими,  
 Ҳислар қилар тўполон.

Қулмат ўзин алдай бошлар,  
 Қалбга берар тасалли:  
 «Сал суйкансам, жеркиб

ташлар...»

Ўзни босай... Еш ҳали...»

Хаёл босиб мисли туман  
 Кўзин тўсиб қўйибди.  
 Кўзин очса: хаёл билан  
 Ароқни ҳам қўйибди.

Қизга бахтдан тилади тахт,  
 Қулмат қадаҳ кўтариб.  
 Сўзлади у бирмунча вақт,  
 Ора-сира йўталиб.

Сўнг қадаҳлар жарангидан  
 Майиб бўлди ақллар.  
 Суйкаланиб елкаю тан,  
 Тизлар секин яқинлар.

Қистаб қолди Қулмат қизни,  
 Сўзла дея бир карра.  
 — Учратганим учун сизни! —  
 Қисқа қилди Севара.

Қулмат тани чўғдек қизди:  
 «Севар экан, демак, у...  
 Баҳор билса... Уғил-қизи...»  
 Қулоқ солмас ҳис-туйғу.

Тирсагига қизнинг кўкси  
 Тегиб кетди чамаси.  
 Тамом бўлди идрок баҳси,  
 Унутилди ҳаммаси.

Қулмат қўли титраб секин  
 Қиз тизига ўрлади.  
 Қиз энтикиб олади тин,  
 Гўё буни кўрмади...

Учиролмас идрок бу дам  
 Ҳис ёндирган оташни,  
 Сезмай қолди ўзлари ҳам  
 Лаблар қандай туташди.

Бир-бирдан ийманишиб,  
 Яширишар кўз қирин.  
 Жипслашиб, куйманишиб,  
 Қалблар тинглар бир-бирин.

Ҳасратми ё кулди иқбол,  
 Севаранинг кўзи нам?  
 — У томондан қўлингни ол,  
 Шошма бунча, жонгинам.

Кечир мени, бир бор аввал  
 Алдаганим боғ сайли...  
 Топширдим мен ўзни бу гал  
 Чинакам ишқ туфайли.

Севасанми сен ҳам мени? —  
 Қиз сингади бағрига.  
 — Бир умрга дейман сени,  
 Қўл силкийман барига.

Қиз бер деса, берар ҳозир  
 Қулмат бутун жаҳонни.  
 Тақдим этди унга Хизир,  
 Шундай гўзал жононни...

Тонгга қадар уйда чироқ  
 Ўчиб-ёнди неча бор.  
 Ишга бориш керак бироқ,  
 Ажралишди чор-ночор.

Қулмат ишга боргунча то  
 Келолмади ўзига.  
 Ўнгими бу, тушмиди ё,  
 Ишонмайди кўзига

Уйлангунча, дея чўтир,  
 Кўп қиз танбеҳ беришди.  
 Паридек бир қизга, ахир,  
 Қандай қилиб эришди.

Кўнгил дейди: «Юрма ўйлаб,  
 Танламайди ишқ чирой.  
 Адашган кўп, бўлар бир гап,  
 Қизни қўлдан берма бой...»

Қўйган эди режа тузиб,  
 Қулмат ишдан қайтишда.  
 Сал нарсдан жаҳл тўзиб,  
 Эру хотин айтишди.

— Нега кетдинг сўрамасдан?!  
 — Дўқ урмасдан гапиринг.  
 — Улибдими, айт-чи, мастон,  
 Ақлин еган кампиринг?!

— Ундай деманг, мен мубтало...  
 — Аврайман деб уринма?  
 — Жин урдими, нима бало!  
 — Йўқол уйдан, кўринма!..

Болалари ёшга қўшиб  
 Юракларин сачратди.  
 Севарахон ора тушиб,  
 Икковини ажратди.

Бири ёқса, бири ёқмай,  
 Ҳар кун қилди можаро.  
 Ҳафта ўтмай жанжал сири  
 Бўлиб қолди ошқора.

Ярим кеча туриб Баҳор,  
 Боласини эмизди.  
 Назарида кимдир бедор,  
 Ниманидир дил сезди.

Мўралади аввал секин  
 Эри ётган ўринга.  
 Олмас эди ҳеч кимса тин.  
 Қаён кетди? Хўш, нега?

Сўнгра аста борди Баҳор  
 Қиз хонаси тарафга.  
 «Нахотки, қиз бўлса дучор,  
 Бу бемаза талабга...»

Шивирлади қиз хонаси —  
 Саси келди эркакнинг.  
 Чиқиб кетди эсхонаси,  
 Қўрқув босди юракни.

— Ифлос! — гўё сачраган чўғ:  
 Баҳор кирди бостириб.  
 Иккаласин аввал бу дўқ,  
 Қўйди бир зум шоштириб.

Кўксидан сўнг: — Менман эга! —

Яланғоч қиз итарди.  
 — Йўқол бундан! Кирдинг нега?! —

Қулмат шовқин кўтарди.

Қайғу яна бўлди улфат,  
 Йиғлаб кутди нахорни.  
 Уч болага қўшиб Қулмат,  
 Қувди уйдан Баҳорни.

Яраштирамоқ истадилар,  
 Уруғ-аймоқ, ҳатто суд.  
 Қулматни хўп қистадилар,  
 Бўлар дея бағринг бут.

Туриб олди қайсар Қулмат,  
 Ғишт қолипдан кўчган деб.  
 Унга бўлган ишқ-муҳаббат  
 Қалбдан буткул ўчган деб.

Ажрим пайти уйни Баҳор,  
 Бахтсиз уй деб олмади.  
 Лекин уйда эски бирор  
 Буюми ҳам қолмади.

Бўлди Баҳор молу шафқат —  
 Алиментга эгали.  
 Болаларга тегди фақат  
 Отасизлик медали.

Уйнаб ўтди Қулмат вақти  
 Гўё ширин туш каби.  
 Учиб кетди сўнгра бахти  
 Қорни тўйган қуш каби.

Юрса — ўпоқ, турса — сўпоқ  
 Бўлиб қолди бир йилда.  
 Қулмат энди қоқмас қулоқ,  
 Қайсарлиги тийилди.

Юрди хотин қарғишин еб,  
 Бу кун ҳам кўп экан:  
 Бахт устуни — турмушим деб,  
 Ушлагани чўп экан.

Уни уйдан қувди бутун,  
 Надоматга фарқ бўлди.  
 Энди унга тунлар узун,  
 Йўли — фарбу шарқ бўлди.

Алампдан ичди Қулмат,  
 Этолмай уни уdda:  
 Уйку элтди — босди гафлат...  
 Ўзини кўрди судда.

Анкеталар кутар ҳисоб,  
 Ҳисоб бериш мажбур-ку.  
 Саволларга берди жавоб,  
 Ҳарбийга ҳам мажбур у.

— Адресингиз?  
 — Мен саргардон,  
 Уй-жойи йўқ бир киши.  
 — Тугатилган аллақачон  
 Дарбадарлик турмуши.

— Ўттизинчи йилдаёқ денг,  
 Балки айбдор қиларсиз?  
 — Уйсиз кўча безорининг  
 Турар жойин биларсиз?

— Ҳа, биламан. Лекин ҳеч ҳам  
 Менинг бунда айбим йўқ.  
 — Мастлар учун уйми кўча?! —  
 Сўроқ қилган урди дўқ.

Ялинишга ўтди Қулмат,  
 Тушунтирди аҳволин.  
 Учақишга йўқдир журъат,  
 Икки қилмас саволин.

Бўлди чоғи суд хотиржам:  
 — Чиқинг! — деди Қулматга...  
 Чақирилди Севара ҳам,  
 Етиб келди, албатта...

Анкеталар кутар ҳисоб,  
 Ҳисоб бериш мажбур-ку.  
 Саволларга берди жавоб,  
 Адресин ҳам айтди у.

— Қулмат билан турмушингиз?  
 — Нимасини айтайин,  
 Шу кунларда уришлимиз,  
 Эр эмас у, бетайин.

Кўп ичади. Ҳар кун жанжал.  
 Кун бермайди менга у.  
 Бу ерга ҳам мастлик маҳал  
 Ушлаб олиб келган-ку!

— Севанмисиз уни олдин,  
 Қандай турмуш қургансиз?  
 — У олдин ҳам олган хотин,  
 Бирам яхши, кўрсангиз.

Бир-бирдан сулув, ширин,  
 Уч фарзанди бор эди.  
 Билмай улар ота меҳрин,  
 Бир отага зор энди.

Чирқиллатиб уч гўдакни,  
 Наҳот, севсам мен буни?  
 Бола суймас, тош юракнинг,  
 Наҳот, бўлсам мафтуни?

Қаранг унга, на хусни бор,  
 На эркаклик сиёғи.  
 Лекин жуда писмиқ, ғадрор,  
 Қийшиқ босар оёғин.

Мени, пойлаб холи фурсат,  
 Мажбур этди тегишга...







Сумалак — қадимий таом. Наврӯзи олам дастурхонининг «шоҳ» неъмат. Утмишдан ханузгача тўйимли ва ширин неъмат, баҳор, кўкламнинг янгиллиги сифатида бекиёс қадрланиб келинади.

Сумалак дастурхонга файз киритгунча, кишидан ҳам кўп меҳнат, ҳам узоқ кунлик масъулият талаб қилади. Уни тайёрлашнинг ўзига хос усуллари бор, албатта. Катта қозонда сумалак пишириш жараёни — бутун бир санъат. Бунинг учун, масалан, ўн килограмм бугдой, ўттиз килограмм ун, уч-тўрт литр зиғир ёки пахта ёғи сарф қилинади. Албатта, мазази бўлиши учун зиғир ёғи маъқулдир. Сумалакка бир чимдим туз ҳам, бирон хил ширинлик ҳам қўшилмайди.

Авалло, сара бугдой ҳар хил хас-чўп, тош, қум зарраларидан тозаланади. Сўнг оппоқ сурп қопга солиниб, сувга тўлдирилган тоғорага қўйилади. Икки кун бўктирилади. Шундан кейин қопдан олинади-да, тоза тахтага бир текисда бугдой ёйиб чиқилади.

Тахта устидаги бугдой кўкариб етилгунча, шакароб қилиб сув сепаб турилади. Биринчи кун ниҳоятда майин-майин, кейинги кунлар сезиларли даражада сув сепади. Шу тарзда ҳар кун уч марта: эрталаб, туш ва кечки пайтлари намлатилади. Бугдой игнадай ниш уриб, майин майса ҳолига киргунча, шундай қилинади.

Агар ҳаво илиқ ё уй иссиқ бўлса, саккиз кунда; салқин келса, узоғи билан 10—11 кунда бугдой тайёр ҳолга келади. У оқ-сарғимтир, қизғиш рангда кўкариб, қизғиш кўкимтир учи лаб очади. Бу дамни «майса гулга кирди», дейишади. Бу кўриниш майсанинг тайёрлигини билдиради.

Устки томони майса, остки томони бир-бирига чирмашган

# Сумалак

сарик-оқимтир бугдой яхлит ҳолга келиб қолади. У пичоқ билан кесиб олиниб, гўшт қиймалагичдан ўтказилади. Масаллик сирланган тоғорага солинади-да, унга сув қўширилиб, қўл билан сиқиб-сиқиб бугдой қолдиқлари ажратиб олинади ва қалинроқ докадан ўтказилади.

Шу масалликни биринчи шарбат дейишади. Камида тўрт-беш, хоҳласангиз, олти-етти марта масалликни эзиб-ғижимланиб, унинг қуйқа — қолдиқларини ажратиб олинади.

Шуни унутмаслик керакки, бу ишларнинг ҳар бир такрорланиши учун шунча идиш керак ва шу идишларда нечанчи «шарбат» турганлигини унутмаслик шартдир. Демак, гўшт қиймалагичдан чиққан бугдойни, тахминан биз олти марта ювиб олган бўлсак, унинг «шарбати» шунча миқдордадир.

Энди уни пишириш йўллари: ёг қозонда яхшилаб қиздирилади. Қизиб турган қозонга масаллик куймаслиги учун бир челак сув қуйилади. Шундан сўнг, учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи «шарбат»га ўттиз килограмм миқдоридаги ун қўшилиб, атала ҳолига келтирилади. Шулар бирин-кетин қозонга солинади. Атала қайнатилверилади. Кейин, — сиз тайёрлаб қўйган ўша бугдой суви «иккинчи шарбат» солинади. Иккинчи шарбатдан бирдан қозондаги масаллик кўпириб, тошиб қолиши турган гап. Шу пайтнинг ўзидаёқ икки-уч челак сув қуйилади. Борди-ю, бу ишни унутсангиз, қозондаги масаллик тошиб кетиши ҳеч гап эмас.

Учоқнинг олови сусаймай, чамаси ярим соатлардан сўнг, биринчи «шарбат» солинади. Лекин у энди «шарбат» ағдарилмайди, балки коса билан қуйиб турилади. «Биринчи шарбат»нинг қуйилиб турилиши асосан кўпириб тошаётган масалликни пасайтириш даврларида

олиб борилади ва шу тақлид «шарбат» тугатилади.

«Биринчи шарбат» солингач, иш оғирлашади. Масаллик қуюқлашади. Уни капгир, махсус ёғоч кураклар билан қовланади. Қозоннинг тагига олмасин деб тоза ювилган қайроқ тош, унга баъзилар ёнғоқни ҳам бутунча қўшиб ташлайдилар. Сумалак тобора қуюқлашади, охирида яна уч-тўрт челак сув қўшилади. Яна қовланади: капгир, кураклар тинмай ишлатилади. Шу тариқа сумалак тайёр ҳолга келади. Шундан сўнггина қозоннинг усти чойшаб, қалин, катта идишлар билан беркитилади: уч-тўрт соат дам берилади. Қарабсизки, ажойиб таом — сумалак тайёр.

Биз тасвирлаган сумалак пишириш жараёни, яъни қозонга олов ёқишдан то дам бергунга қадар бўлган муддат мобайнидаги иш: камида 10—11 соат давом этади. Бу ҳол, айниқса, қишлоқларда, шомдан то тонгача бўлган вақтда бажарилади. Сумалакнинг меҳнати қанчалик оғир бўлмасин, у ниҳоятда озодаликни талаб қилади. Масалан, ерга ўрнатилган қозон атрофига бугдойнинг қуйқа-қолдиқлари худди сувалгандек қилиб ёйиб чиқилади. Бунинг боиси: сумалак пиширилаётганда қаттиқ қайнаши туфайли у сачрайди; юқоридаги ихота эса, лой-тупроқнинг қозонга тушишидан сақлайди. Чунки лой-тупроқ қўшилса, сумалак аччиқ бўлади. Сумалак сузиб олингач, қозон атрофидаги ана шу қуйқа-қолдиқлар йиғиб олинади-да, молларга берилади.

Қадимий таом — сумалакнинг тайёрланиши жараёнини Нурота шаҳар, Собир Раҳимов номидаги маҳалланинг ажойиб пазандаси 73 яшар Саҳат ая Шукурованинг қимматли фикрлари ва иш тажрибалари асосида қаламга олдик.

Раҳим ҚОДИРОВ

Нурота



## ТАНИШИНГ, НЕФЕРТАРИ

Машҳур фиръавн Рамзес II нинг хотини, кўхна Миср маликаси Нефертари номлари бизга номаълум бўлган рассомларнинг асарларида чиройли, савлатли ва назокатли қилиб тасвирланган. У Луксор шаҳридан узоқ бўлмаган Шоҳлар водийсидаги энг ҳашаматли мақбаралардан бирига дафн этилган. Орадан ўтган минг йиллар шиддати қадимги усталарнинг ноёб ижод намуналарини аяб ўтирмади. Мазкур қабристонда изланиш олиб борган олимларнинг кўз ўнгида муддиш манзара намоён бўлди: мақбара кўп йиллар давомида топталган, уни қум ва тупроқ босиб қолган эди.

Мисрлик археологлар шоҳ асарни сақлаб қолишга киришдилар. Яқинда тиклаш ишларининг бир қисми тугатилди.

## ТОҒ ЧҶҚКИ-СИДАГИ МЕТЕОРИТ

Ҳақ тўрт кишидан иборат «Гейш» экспедицияси (ГФР) олти ҳафта давомида Антарктида қитъасидаги Шеклтон тоғларини тадқиқ этди. Тадқиқотчилар муваффақияти салмоқли бўлди — улар оғирлиги 7 кадоқ (кадоқ — 409,5 грамм) бўлган метеорит парчасини қўлга киритдилар — уни муз билан қопланмаган тоғ чўққиларидан биридан топдилар. Хоссаи никель ва темирдан иборат мазкур осмоний жисмининг ёши аниқлангач, Антарктида музликнинг тарихини ўрганиш анчагина осонлашади. Маълум бўлишича, музликнинг баландлиги ҳозиргига қараганда минг метр зиёд бўлган. Метеорит ана шу музликка тушган, акс ҳолда, яъни тоғ муз билан қопланмаганда, у чўққига урилиш зарбидан нагста думалаб тушган бўларди.

## ХОТИМА

Даврим берган бахтли садо  
Жаранглар ҳар пучмоқда.  
Уйимиздир ҳатто фазо —  
Инсон тинмай учмоқда.

Ғар истасак, шундай уй бор —  
Денгиз туби ҳовлимиз.  
Хона йўқдир ёғдуга зор —  
Бахт қуёши давримиз.

Тагин нурин сийлов этди  
Қулматга бахт офтоби:  
Ҳовли тўйга айтиб кетди,  
Қочиб оғзин тоноби.

Қани, кетдик ҳовли тўйга,  
Қулмат гина қилмасин.  
Борманг фақат ёмон ўйга:  
Севаралар билмасин.

Меҳмон кутар Баҳор ҳозир  
Варақилар пишириб.  
Юринг, дўстлар, келайлик бир  
Қоринларни шишириб.

1977 йил.

Мажбур бўлди мағрур Қулмат  
Бошин қуйи эгишга.

— Розимисиз бирга тагин  
Турмуш қуриб яшашга?  
— Жирканамаман, бориб яқин  
Бирга қадам ташлашга.

— Сиз-чи, Қулмат?  
— Йўқ! — бемажол  
Унинг боши чайқалди...  
Ташқарида жала, шамол —  
Тиниқ сувлар лойқалди.

Бериб бир ой муддат — синов,  
Ишни сурди орқага.  
Бошланиб сўнг яна тергов,  
Қайтди ўша ҳалқага.

Ҳар икковин арзи-доди  
Инобатга олинди.  
Ажрим қоғоз — ишқ фарёди  
Чўнтақларга солинди.

Уч хонали квартира  
Севарага хатланди.  
Учиб кетди кўп хотира,  
Гўё жардан хатланди.

Гўё шодлик қанотида  
Учди уйга Севара.  
Уч хонали уй олдида  
Тордир дала, тоғ — дара.

Кириб-чиқди уйга келиб,  
Хоналарга бирма-бир.  
Айланди у елдай елиб,  
Қизиқ экан бу тақдир.

Мийғига қўнди кулгу,  
Қуёш бўлиб сузгудай.  
Ўз-ўзини табриклар у  
Аксин кўриб кўзгуда:

«Ишлатмасанг ақлинг агар,  
Турмушда йўқ самара.  
Уйсиз бўлсанг — тордир шаҳар,  
Уй муборак, Севара!»

Ташқарида куз осмони  
Гоҳ йиғлайди, гоҳ қулар.  
Турмушнинг ҳам бахт нарвони  
Гоҳ тикланар, гоҳ қулар.

Аммо бугун қулаб тушган  
Бахт нарвони эмасди.

Рўй бергандек бу ҳол тушда  
Севара ғам емасди.

Турмушга, деб, топдим устун,  
Еди Қулмат таъбирин.  
Севара ҳам тўлар бир кун  
Бу ҳаётдан қарзини.

Энди Қулмат кўчаларда  
Юрди излаб бошпапа.  
Тонги олис кечаларда  
Совуқ қилди тантана.

Фарзанд дея ботди ўйга:  
Юрак меҳри бойланиб,  
Болалари турган уйга  
Бориб қолди айланиб.

Кўкда юлдуз пирпирайди,  
Ўчган кузнинг ранг-қути.  
Юпун юрак дилдирайди,  
Топиларми ишқ ўти?..

Шўрлик Қулмат эгиб бўйин,  
Ишқ тиланиб юрибди.  
Қувган бахти — Баҳор уйин  
Тақиллатиб турибди.



## Қора танли киши

Бир кун қора танли киши кийимларини ечиб, баданини қор билан ишқалай бошлади. Ундан нима сабабдан баданини қор билан ишқалаётганини сўрасалар: «Эҳгимол, оқарарман», деб жавоб берди. Бир донишманд деди: «Эй, фалончи, ўзингни овора қилма, тананг қорни қора қилиши мумкин, аммо у қорангни оқ қилмайди».

Маъноси: яхшининг ёмон бўлиши ёмоннинг яхши бўлишидан осонроқ.

## Еш бола

Дарёда чўкаётган бола дод солар эди. Йўлдан ўтаётган бир киши унга яқин келиб, дарёга гушгани учун уриша бошлади. Бола деди: «Эй, инсон, олдин мени чўкишдан халос эт ва сўнгра койигин».

Маъноси: киши бошига қийинчилик гушса, унга ёрдам қўлингни чўз, уни халос эт ва сўнгра унга танбеҳ бер.

## Чивин ва новвос

Чивин новвос шохига қўниб, унга: «Оғирлик қилаётган бўлсам, ишора қил, учиб кетай», деди.

Новвос: «Кимсан ўзинг? Кимнинг устига қўндинг ва кимга оғирлик қилдинг, билолмадим».

Маъноси: кимки ўзини ҳаддан зиёд ҳурмагалаб ва улуг фахмласа, билки, у энг пасткаш ва заифдир.

## Инсон ва санам

Бир кишининг уйида ўзи синадиган санами бўлиб, унинг йўлида бир жонлиқ сўяр эди. У

бор мулкени шу санам йўлида сарф қилар эди. Бир кун унга санам юзлаиб дебди: «Бор молингни менга сарф қилиб, бошқа лоҳиётга мени қоралаб юрма».

Маъноси: бу масал мол-мулкени ўз қўли билан совуриб: «Мени олло шу кунга солди», дейдиган кишилар шаънига айтилган.

## Кучук ва қуён

Кучук бир қуённи қувлаб бориб, гишлаб олибди-да, ундан оққан қонни тиллари билан алай бошлабди.

Қуён: «Сен мени душманим деб гишлаб, дўстимдек ялабсан», дебди.

Маъноси: қалбида ёвузлик бўлиб, севги-муҳаббат изҳор қилувчиларга ишонма.

Араб тилидан  
А. ҚАҲҲОРОВ таржималари

# ЛУҚМОНИ ҲАКИМ КИМ?

Ҳикматли сўзлари, мақолу масаллари билан бир неча асрлар давомида барча шарқ халқларига маълум ва манзур бўлган Луқмони Ҳаким ҳақида бир-бирига зид турли-туман маълумотлар мавжуд. Баъзилар уни афсонавий, баъзилар тарихий шахс деб билсалар, бошқа бировлар уни пайғамбарга йўядилар. Урта Осиё ва Шарқ халқлари эса Луқмони Ҳакимни асосан табобат отаси деб билидилар. Унинг тиббиётга оид қиссалари ва даволаш усуллари ҳанузгача халқларимиз орасида кенг тарқалгандир. Балки Луқмони Ҳаким табиблиги миллоддан олдинги VI аср охири ва V аср бошларида жанубий Италиянинг Кротон шаҳрида яшаган машҳур табиб Алкмеон номи билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Араб адабиётида жоҳилия деб аталмиш даврдан бошлаб Аббосийлар сулоласигача (750 йил) мавзуи жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қиладиган Луқмон мақоллари ва масалларини учратамиз.

Турли даврлардаги адабиётлар Луқмоннинг насл-насабини турлича ёритади. VIII—IX асрнинг файласуф олими ва йирик адиби ал-Жоҳиз уни Яман яқинидаги Ахқофда яшаган аъад қабиласига мансублигини айтади. XII аср тарихчиси Ёқут Хамавий ўзининг «Муъжаму-л-булдон» китобида Луқмон ва унинг ўғли қабри Ямандалигини хабар қилади. Шунингдек, Луқмоннинг хотинларидан бири Бароқишнинг исми ҳам Яман атрофида кенг тарқалган. Жоҳилия даври шеърларида Луқмон афсонавий даражада баҳайбат, ўткир кўзли, узоқ умр кўрган киши тарзида таърифланади. Баъзи маълумотларда у 560 йил умр кўрган дейилса,

бошқа бир манбада унинг ёши 3500 йилгача етказилган. IX асрда яшаган басралик олим Сижистонийнинг айтишича, Луқмон етти бургут умрини кўрган ва охири бургутининг номи «Лубад» деб аталган эмиш.

Бу давр Луқмони севги-муҳаббатни, саранжом-сарашталикини, қурол-аслаҳа ишлатишдаги моҳирликни куйлаган. Бинобарин, мақоллар шарҳланган қиссаларида у бевафо аёлларни ҳажв қилади. Масалан: «Елғиз қолиш балодур» мақолига берган қиссасида у эрининг йўқлигида бегона эркак билан вақтихушлик қилган аёлни нафрат тигиға олади. Яна бир мақолнинг шарҳида эса эрига хиёнат қилган аёлни жазо тариқасида тириклайин ерга кўмилган Салаҳфотга ўхшатади.

Тарихчиларнинг айтишича, қадимги Яман халқлари камон, камон ўқлари жойлаштирилган садоқ ва қилич осган йирик одам тимсоли бўлмиш Вудни севги-муҳаббат, покизалик илоҳияти ҳисоблаганлар. Демак, Вуднинг афсонавий тимсолида мужассамланган ҳамма сифатлар Луқмонга нисбатан қилингандир.

Аммо ислом динининг пайдо бўлиши билан янги Луқмон образи вужудга келади. Бу тўғрида қуръонда: «Лақада аътайна Лўқмона алҳикмата», яъни, «Биз Луқмонга ҳикмат бердик», деб ёзилган. Бу даврда Луқмон кишиларни ота-онани севишга, эътиқодли ва имонли, ҳар қандай шароитда ҳам сабр-бардошли бўлишга даъват қилувчи ҳикматли сўзлар муаллифи сифатида гавдаланади. Унинг 100 га яқин панди-насиҳатлари ўғлига мурожаат тарзида битилган. Баъзи олимлар бу образдаги Луқмонни эрамиздан олдинги VII асрдаги

Ассирия давлати подшоси Синахирибнинг Ахиқор исмли вазири билан боғлайдилар. У жуда бой ва доно киши бўлиб, бу бойликларининг вориси қилиб синглисининг ўғли Наданни белгилайди. Шу сабабли унга кўп панд-насиҳатлар қилади. Луқмон насиҳатларини Ахиқор насиҳатларига ўхшашлиги ва баъзи бир араб олимларидан Ибн Қутайба ва Ассухайлиларнинг фикрича, Луқмоннинг ўғли Луқайм эмас (жоҳилия давридагидек) балки Надан деб аталиши Луқмон билан Ахиқорни бир шахс деб ҳисоблашга олиб келди.

Аббосийлар давридаги тарихчи ва адиб «Ас-Саълиби ўзининг «Қиссасу-л-анбиё» китобида Луқмонга «Баур» насабини бериш билан уни Тавротдаги Вальам билан Баъурга ўхшатади. Бунга яна бир сабаб қилиб, бу икки исм маъноси «ютувчи», «еювчи» эканлиги кўрсатилади. Бу ўхшатишлар натижасида Ахиқор билан Луқмоннинг ҳикматли сўзлари бир-бирига яқин ва ҳатто бир хил бўлиб қолган.

Масалан, Ахиқор айтади: «Эй, болам, ўз фарзандингни койиб туришни эътибордан қолдирма. Сенинг ўз фарзандингни койишинг бўстонга озуқа бериш билан баробардир». Луқмон эса бундай дейди: «Отанинг ўз фарзандини койиши, экинга сув бериш кабирдир».

Ахиқор айтади: «Эй, болам, сафарга қуролсиз чиқмагин, чунки қаршингдан қачон душман чиқшини билмайсан, сен эса унга ҳар доим тайёр бўлишинг керак». Луқмон дейди: «Сафарга қилич, ҳамроҳ... билан чиқ».

Умавийлар сулоласининг охири VIII асрга келиб, араблар нуфузи бир қадар заифлашди. На-

## ТАДКИҚОТ, КАШШОРИЁТ, ДИБОРОТ

тижада, уларга бошқа халқлар адабиёти ва маданияти таъсир эта бошлади. Бу даврда юқоридаги каби мақол ва ҳикматли сўзлар муаллифи саналмиш Луқмондан бошқа Луқмон пайдо бўлдими, энди у ажойиб масаллар муаллифига айланди. У юқоридаги каби афсонавий шахс ёки вазира сифатида эмас, балки Исроил қабиласидаги бир ҳабаш қул бўлиб, ақл-идрок туфайли қуллиқдан озодликка чиққан киши деб талқин этилади. Шу пайтда юзага келган кўпгина масалларни унинг қаламига мансуб деб билишади. 1299 йил қоғозга туширилган, ҳозирда Парижда сақланаётган «Луқмоннинг масаллар китоби» ҳам шулар жумласидандир. Баъзилар бу китобни қадимги Юнонда бир пайтнинг ўзида икки кишига қуллиқ қилган, кейинчалик ақл-заковатининг етуклиги сабабли бандилиқдан халос этилган, эрамиздан олдинги 630 йилларда дунёга келган Эзопта тегишли дейдилар. Айни вақтда Эзопни афсонавий билиб, унинг тарихий шахслигини инкор этувчилар ҳам топилади. Уч даврда уч хил образ сифатида намоён бўлаётган Луқмон аслида кўпроқ афсонавийга ўхшайди.

Китобнинг қўлимиздаги нусхасига 41 та масал жамланган бўлиб, унинг аксарияти ҳайвонлар ҳақидадир. Шу масаллардан баъзиларини келтирдик.

Абдужаббор ҚАҲҲОРОВ





# КОМИЛ ОЛИМ

**А**НИҚ ЭСИМДА: 1970 йилнинг айна баҳор фасли эди. Тўнғич аспирант шогирдларимдан Нажмиддин Комилов «Муҳаммадризо Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати» мавзусидаги кандидатлик диссертациясини ёқлаши керак. Ҳимояга кетаяпмиз. Илмий даража даъвогарии Нажмиддинга эмас, камини илмий мутасаддийнинг ҳам «кўз очиб кўраётган» биринчи ҳимоямиз. Теримизга сизга хурсандмиз. Бу ёғи ташвиш, жиндай шубҳа, ҳаяжон...

Гоголь кўчасига бурилаверишда, муюлишда уч-тўрт таниқли олим, илмий совет аъзолари: Воҳид Зоҳидов, Азиз Қаюмов, Ҳомил Еқубов ва бошқалар гурунглашиб туришган экан. Бир қарашда уларнинг чеҳраси очикдай кўринувди. Шунда, ҳеч бир кутилмаганда, ишнинг биринчи расмий оппоненти таниқли олим Азиз Қаюмов менга юзлашиб, гапни гина-қудуратдан бошлаб юбордилар:

— Бу қанақаси, ўртоқ илмий раҳбар! Инсофдан эмас...

Аъзойи баданим бўшашиб, юрагим «шув» этиб кетди. Қўрқалар мингирладим:

— Бирон гуноҳ содир бўлибдими, Азиз Пўлатович?

— Ҳа, катта гуноҳ, — деди у киши мийғида кулиб. — Докторлик илмий даражасига тавсия этиш лозим бўлган шундоқ нарса... кандидатлик иши деб баҳолабсиз!

Бирдан энгил тортиб, руҳланиб кетдим. «Дашномингиз дийдам устига, Азизим!» — дея улгурдимми ёки йўқми ўша аснода, эслай олмайман.

Инсоф юзасидан айтганда, ҳурматли расмий оппонентнинг «қалти ҳазили»да жон бор эди. Н. Комиловнинг 350 саҳифадан иборат кандидатлик диссертацияси, ўз салмоғига кўра, ўша илк етмишинчи йиллар андозасидагина эмас, ҳатто ҳозирги, бўлиқ саксонинчи йилларнинг жиддий мезонлари асосида баҳолаганда ҳам докторлик илмий даражаси талабларига тўла-тўқис жавоб берарди. Чунки, расмий низомга кўра, докторлик диссертацияси фанда муайян бир янги йўналиш очиши ёхуд бир йирик проблемани ҳал қилиши керак. Нажмиддиннинг кандидатлик иши эса ҳар иккала талабга ҳам жавоб берарди. Унда биринчи марта таржима тарихини ўрганишнинг кўламдор назарий масалалари:

жавобия ва қайта яратиш санъати, оригиналлик ва таржимавийлик мезонлари, матншунослик ва таржима, муаллифнинг мутаржимга ижодий таъсири (Саъдий, Қайковус бин Вашмгир, Жомий, Ҳилолий ва Огаҳий), маснавий таржимаси талаблари, аруз ва таржима сингари хийла чигал муаммолар ноёб қўлёзма манбалар асосида чуқур билим, нозик кузатувчанлик ва зукколик билан ҳал қилинган эди.

Орадан ўтган ўн етти йил давомида менинг қўлимга, илмий раҳбар сифатида, йигирма беш киши келиб кетди. Шулардан тўнғич шогирдларимдан Нажмиддин билан кенжатоӣ Тилак Жўра мен билан бирга, бир кафедрада хизмат қилиб қолишди. Бу орада Н. Комилов жами 12 мингу 800 соат дарс ўтганидан ташқари (бу 533 сутка тинимсиз дарс бериш, ёки белгиланган 6 соатлик иш кунини ҳисобида 2133 иш кунини узлуксиз таҳсил олиб бориш деган сўз!), сиёсий тарбиявий, ташкилий ишлар, лекция ва докладлар, консултация ва имтиҳонлардан ортириб, мунтазам равишда жиддий илмий тадқиқот олиб борди. Мустақил ва ҳаммуаллиф бўлиб ёзилган бешта китоб («Таржимон маҳорати», «Дўстлик кўприклари», «Ибн Сино ва Данте», «Таржима тарихи», «Бу қадимий санъат»), саксонга яқин илмий ва адабий-танқидий мақола ҳамда тақризлар чоп этилди. Уларнинг деярли ҳар бири ўзича мумтоз, муаллифнинг камолот пиллапояларининггина эмас, балки ўзбек тарихий ва назарий таржима тақабининг инкор — баҳс — эътироф — тасдиқ сари босиб ўтган гоӣт мураккаб, зиддиятли йўлини ўзида яққол акс эттирувчи жонли илмий гувоҳ.

«Ибн Сино ва Данте» китоби 1983 йилда босилиб чиқди. Бу асар бир қанча эътиборли мутахассислар, профессор Фулом Каримов сингари ўзбек адабиёти тарихининг кекса, мўътабар олим таҳсинига сазовор бўлди.

Маълумки, Ғарбу Шарқ илмий ва адабий алоқалари тарихи, хусусан, бу алоқаларда илмий ва бадий таржиманинг мислсиз катта роль ўйнаганлиги Воҳид Зоҳидов, Эркин Юсупов, Фозила Сулаймонова, Омонулла Файзуллаев, Азиз Қаюмов, Фулом Каримов, Натан Маллаев, Анвар Шарипов ва бошқаларнинг асарларида дурустгина ишланган. Айниқса, Ф. Сулаймонованинг бу борада олиб бораётган тадқиқотлари

бизни жуда хурсанд қилади.

Нажмиддин Комиловнинг китобида муаммо аниқ далилларга асосланган ҳолда кенг миқёсда қўйилиб, ер қуррасидаги икки йирик қутб — Шарқ билан Ғарб илмий ва адабий алоқаларининг ибтидоси, илдизлари, манбаини очиб беришга ҳаракат қилинган. Унда буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг антик дунёнинг забардаст шоири Ҳомерни ўқиганлиги ҳақида далиллар келтирилиб, Абу Райҳон қисман қадимги юнон тилидан ҳам хабардор бўлганлиги ҳақидаги фаразни асослашга ҳаракат қилинган. Асардаги «Илоҳий комедия»да Ал-Фарғоний Зуҳроси», «Синд-ҳинд, Данте ва Колумб», «Рисола фил-ишқ» ва «Илоҳий комедия», «Беатриче — Ҳайй ибн Яқзон синглиси», «Румий, Навоий ва Боккаччо», «Декамерон»да Ибн Сино образи мавзуларида жаҳоний масалалар ёрқин далиллар билан ёритилади. Китобда минг йиллар сарҳадига бориб тақалувчи умумжаҳоний адабий муштарақлик ва хосликлар, уларнинг «амал қилиш» механизми, жараёни ва аломатлари ҳақида баҳс юритилади. Қизиги шундаки, муаллиф қалби, муҳокама ва мушоҳадаларининг самимияти, ўзига хос таҳлил ва баён услуби боисидан бўлса керак, китобхон олимга бусбутун ишонади, унга эргашади.

«Ибн Сино ва Данте»нинг адабий ва илмий жамоатчиликка манзур бўлганлиги боиси нимада? Бундай олиб қараганда, унда келтирилган далил ва маълумотлар «осмондан» олинмаган, улар Адам Мец, Г. Гердер, Александр Баузани, Роман Мендель Пидаль, Г. Леммлейн, П. Эккерман, Асин Паласиос, Стефан Цвейг ҳамда В. В. Бартольд, И. Ю. Крачковский, И. А. Орбели, Е. Э. Бертельс, И. Н. Голенищев-Кутузов, П. Гринцер, В. К. Чалоян, П. Г. Булгаков, С. Серебряков сингари хорижий ва рус шарқшунос олимлари, қолаверса, Беруний, Форобий, Ибн Синоларнинг ўз асарларидан келтирилган. Хўш, бу омил Н. Комилов китобининг мустақиллиги, оригиналликка раҳна соладими?

Асло. Ҳар бир тадқиқотчи, хусусан кўҳна тарихий мавзуларда қалам тебратувчи олим, аксарият, фанда, айрим манбалар ва нашрларда маълум бўлган далиллар, маълумотларга таянган ҳолда иш кўради. Зотан, бошқача бўлиши ҳам мумкин

эмас. Ахир, у тамоман янги фактларни бармоғидан сўриб чиқазмайди, йўқ ва бўлмаган нарсани «ихтиро» қилмайди-ку.

«Ибн Сино ва Данте»нинг руҳи «европамарказчилик» оқими ақидаларига (Фр. Шлоссер, Фон Грюнбаум ва бошқалар) қарши қаратилган. Бундай «европапарастлик» оқими маддоҳларининг даъволарига кўра, Шарқ билан Ғарб ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, гўё илмий тафаккур тараққиётининг таъсири йўналиши нуқул Ғарбдан-Шарққа қараб силжиган, Шарқ эса Ғарбга арзигулик ҳеч нарса бермаган. Мазкур маслак қанчалик кўҳна, пуч ва зарарли бўлса, шунчалик «замонавий», яшовчан, шилқим ва хавфли. Бундай қарашлар ҳозирги замон буржуазия тарғиботига ҳам жуда қўл келади. Нафақат буржуа мафкурачилари, баъзан бизнинг жамиятимизда кейинги вақтларда тамомила қонуний ва табиий ҳолда ўзига катта йўл оча бошлаган демократизм ва ошқоралик муҳитида ғимирлаб қолган айрим тарихчи ва шарқшунос олимлар ҳам, «фурсатдан» фаразли мақсадларда фойдаланиб, умуман Шарққа, қолаверса Ўрта Осиё халқларининг тарихи, маданияти, диний ва гражданлик туйғуларига хурж қилиш, уларни ўта қолоқ, жоҳил, мутаассиб кишилар қилиб тасвирлашга уринмоқдалар (М. Ваҳобовнинг «Правда Востока» газетасининг 1986 йил 4 декабрь сониди босилган «Тарих ҳақиқатида зид» деб номланган ҳамда «сиёсий шарҳловчи» Игорь Белявнинг «Литературная газета»нинг 1987 йил 13 ва 20 май сонларида эълон қилинган «Ислом ва сиёсат» мақолаларига қаралсин).

Бир тарафдан олиб қараганда, Сино—Данте илмий-ижодий силсиласида таъсирнинг йўналиши исбот талаб қилмагандай, аксиомадай туюлади. Негаки, бундай таъсирнинг излари асарнинг юза қатламида жойлашгандай. Буни Данте Алигьери ўзи ҳам эътироф этади. «Илоҳий комедия»да Ибн Сино (Авиценна) образи ҳам бундан гувоҳлик бериб турибди. Бироқ, Н. Комилов учун бу бирламчи далил ва эътирофлар гўё камлик қилади, — у нарса ёки ҳодисани қайд этишнинг ўзининггина ҳали илм деб билмайди. Ва тўғри қилади. Чунки таъсирнинг манбаи, табиати, жараёни, ашъвийлиги тасдиқланмагунча, бу «ахборот», «маълумот», «фараз» ёки истаган бошқа бирон нарса



бўлиши мумкин, аммо илмий баҳс предмети бўлмайди.

Нажмиддин Комилов «Илоҳий комедия»нинг шарқона илдизларини қидиради ва бу ажойиб адабий обида билан Шарқ алломаларининг ижоди ўртасида жуда кўплаб ҳайратомуз ўхшашликлар, муштарак оҳанглар, гоёлар, фикрлар топади. Чунончи, у Ибн Синонинг «Рисола фил-ишқ» ҳамда «Рух тўғрисида» («Китобуш шифо»нинг бир қисми) асарлари билан Данте-нинг «Вазм»ини, шунингдек, «Рисола фил-ишқ» ҳамда Ал-Фарғонийнинг «Китоб ал-ҳаракат ас-самовий ва жавомеъ илм ан-нужум» («Само ҳаракатлари ва юлдузлар илмининг жамъи китоби») билан «Илоҳий комедия»ни қиёсга келтиради. Булардан ташқари, «Меърожнома», Шайх Авҳадиддин Қирмонийнинг «Мисбоҳул арвоҳ» (Арвоҳ чироғи), Абул Аъло ал-Маъаррийнинг «Рисолатул гуфрон» (Афв тўғрисида мактуб), Ибн Синонинг «Ҳайй ибн Яқзон», (Уйғоқ ўғли Тирик), Абулмажид Санойининг «Сайрул ибод илал маъод» (Бандаларнинг сайр қилиб, ўз жойларига қайтишлари), Ибн Эзронинг «Ҳайй ибн Маниц», Абдурауф Фитратнинг «Қиёмат» асарлари билан «Илоҳий комедия»ни ўзаро чоғиштиради.

Буюк Шарқ билан муаззам Фарб, Ал-Фарғоний, Ибн Рушд, Ибн Синолар билан Данте Алигьери асарлари ўртасидаги умуминсоний гоёларнинг, мавқеи жиҳатдан бир-бирига зид саналган диний кутублар — ислом ёки насроний (христианлик)га нисбатан берилишдан қатъий назар, манбаи бирлиги, умумий ва муштараклигини қандай тушунтириш мумкин? Нечук бўлиб, расман ислом маданияти байроғи остида ижод қилган Беруний бўлсин, Форобий бўлсин, Хоразмий, Фарғоний, Ибн Сино, Хайём, Аттор, Навоий бўлсин, — маълум ва машҳур Шарқ мутафаккирлари, алаҳхусус, ўртаосиёлик улуғ алломалар, — минг йиллар сарҳадининг нарисидида ётган насрон Гален, Сократ, Платон, Аристотель, Птоломей, Пифагор ва бошқа ўнлаб эллин даври қадимги юнон олимларининг асарларини таржима, таҳрир, шарҳ, қайта ишлов, ривожлантиришлар билан сақлаб қолиб, уларни «Жолинус», «Сукрот», «Афлотун», «Арасту», «Батлимус»ларга айлантирган ҳолда, умуминсоний фан ва маданият хазинасининг мулки ҳисобига ўтказдилар? Яна қандай сабаб ва эҳтиёж содир бўлдики, худди шундай бир қисмат Шарқ маданияти ва илмий тақдиротининг ўз бошига тушди, аз-Зарқалий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий сингари мутафаккир, қомусий олимларнинг мислсиз асарлари худди шу зайл, таржима ва қайта ишловлар билан, «Азархиель», «Алиборона», «Авиценна», «Альфраганус» («Альфрагени»), «Алгоритм» сингари ғарбий-юноний талаффуз, имло ва иншолар остида Европа фани ва маданиятида сақлаб қолинди, улар яратган фан, назария, ақида, кашфиёт ва ихтиролар ғарб маданияти-маънавий заминига кўчди?

Фан умуминсоний ҳақиқатларни тан олади. У ҳар қандай диний, ирқий, миллий чегараларни ёриб ўтиб, умуминсоний муштаракликка йўналади ва пировард натижада умумбашарий мулк бўлиб қолади.

Бу масалада бир қанча европалик олимлар Данте Ибн Сино гоёларидан таъсирланган бўлса таъсирлангандир, бироқ бу гоёларнинг манбаи Синонинг ўзига эмас, балки қадимги эллинлар, юнон олимлари ва ҳақимлари қаламига мансуб эди, деган контртезисни илгари сурадилар. Н. Комилов қадимги эллин маданияти билан ўрта аср Шарқ маданияти, фалсафий тараққиёти ўртасига мутлақо тенглик аломатини қўйиб бўлмаслигини шафе келтириб, Платон ва Аристотелда бўлмаган жуда кўп нарсалар Ибн Синода борлигини исботлайди. Шу зайлда у Ибн Сино илмий ва фалсафий қарашларининг ҳиндий, зардуштий, форсий, юноний, туркий манбаларини очиб ва бир-биридан фарқлаб беради.

Нажмиддин Комиловнинг «Хоразм таржима мактаби (XIX аср бадий таржима тарихининг қиёсий-типологик тадқиқи)» (Тошкент — 1988) мавзудаги докторлик диссертацияси ҳажман унинг кандидатлик тадқиқотида тенг (16 босма. тобоқ). Бироқ унинг докторлик ишида ҳамда яқинда чоп этилган «Бу қадимий санъат» номли рисоласида фақат масалаларнинг қамровдорлиги тарафидангина эмас, балки кузатиш доирасининг кенглиги, таҳлилнинг чуқурлиги, чиқарилган хулосаларнинг бўлиқлиги жиҳатидан бутунлай бошқа манзарани кўрамиз. Юқори савиядаги жиддий илмий тадқиқот «марафон»ида олим ўн саккиз йил муқаддам «эстафета»ни қўлга олган бўлса, унинг докторлик диссертацияси муаллифнинг тўрт карра беш йиллик давомида эришган тажрибаси, иқтидори камолотини акс эттирган, шу давр орасида республика-мизда ва мамлакатимизда таржимашуносликда, хусусан таржима тарихи предметини, унинг таҳлил курсини, танқиди ва назариясини яратиб борасида қўлга киритилган ютуқларни ўзида акс эттиради.

Адабиётшунос олимга қараганда таржима тадқиқотчисининг мушкулоти икки ҳисса ортиқ. Зеро, унинг қаршисида — икки адабий муҳит, икки ижодий-индивидуал сиймо, икки тил, икки миллий-этнографик вазият, икки тарихий даврнинг бир-бирига муомалага киришувидан ҳосил бўлган мураккаб, кўп қатламли, кўп босқичли, бир-бирини тўлдирувчи, тақозо этувчи ёхуд инкор қилувчи зиддиятли адабий жараён ястаниб ётади. Бунинг устига, одатий илмий муҳофаса шартларидан ташқари, тарихчи-таржимашунос олдида, аксарият, эски араб алифбосидаги манбалар билан иш кўришнинг қийинчиликлари устига махсус танқидий-матний текшириш ишлари олиб боришга ҳам тўғри келади. Бир томондан, таржима қўлёзмаларининг бир нечасини (баъзан ўнлаб нусхаларни) ўзаро чоғиштириб, улар орасидан нисбатан энг мукаммалини қидириб

топиш, таянч манбани аниқлаш керак. Иккинчи томондан, аслият (оригинал) ҳисобланмиш асарнинг ҳам мавжуд қўлёзма нусхалари орасидан энг эътиборлисини, боз устига, ўрганилаётган айни таржиманинг қўлёзмасига нисбатан мос нусхани қидириб топиш лозим. Шундай қилиб, тадқиқотчи ўрганилаётган аслият билан таржимага нисбатан таянч қўлёзмалар топиши шарт. Аслида, бизгача етиб келган қўлёзмаларнинг танқислиги, паршонлиги, номукаммаллиги шароитида бу жуда оғир шарт, лекин бўлак ўнғайликни топиш ҳам амримаҳол. Шу тариқа муаллиф таржима асарларининг танқидий матнини тузиш ҳамда аслиятнинг танқидий матнини тартиб беришда мавжуд таржима ёки бир нечта таржималарнинг қўлёзмаларидан фойдаланиш, таржима асарларини нашр эттириш шартлари ва принципларини ишлаб чиқди.

Тадқиқотчи Хоразм таржима мактабини қандайдир такрорланмас, бирламчи, фавқулодда мумтоз ҳодиса деб эмас, балки жаҳон маданияти тараққиётида азалдан мавжуд ва машҳур бўлган Бағдод, Куфа, Дамашқ, Толедо, Болонья таржима мактабларининг вориси ва давоми сифатида олиб қарайди.

Турли манбаларда (А. Носиров, Ж. Шарипов) Хоразмда XVII аср охиридан то XX аср бошларига қадар 80 дан ортиқ таржимонлар яшаб ижод этганлари ҳақида маълумот келтирилади. Н. Комилов шулардан 53 кишини номном санайди ва хилма-хил манбаларни қидириб, уларнинг айримлари ҳақида жуда муҳим маълумотларни келтиради. Бу маълумотларда таржимон меҳнатининг оғирлиги ва инжиқлиги баробарида улар доимо моддий муҳтожлик шароитида яшаб келганлиги айтилади. Ишда Мағфурхўжа Саййид Ҳусайн Хоразмий, Бобожон валади Худойбердибек Санойи Рофанжий, Рожий, Муҳаммад Яъқуб Холис, Аҳмад Табибий, Мунис, Комил Хоразмий, Муҳаммадризо Оғаҳий, Муҳаммад Расул ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Таржимашунос олим Бобожон Санойининг «Ҳадиқаи азҳор» (Гулбоғ) ва «Канзул маориф» (Маърифат хазинаси) рисола-ларини илмий муомалага киритиш билан адабиётимиз тарихининг, умуман туркийзабон адабиётининг ниҳоятда кендик бир жабаҳасини тўлдирди.

Нажмиддин Комилов В. М. Жирмунский, Н. И. Конрад, И. Ю. Крачковский, В. В. Бартольд, Е. Э. Бертельс, М. В. Храпченко сингари атоқли совет олимларининг илмий меросини чуқур ўрганиб, форсий, туркий, арабий ҳамда айрим европа адабиётларини ўзаро типологик-таржимавий планда таҳлил қилади. Турфа тилларда яратилган турли қитъалар ва даврларнинг адабиётларини қиёс қилган олим улар орасида жуда яқин сюжет ва гоёлар, баъзан ҳатто муштарак образ ва тимсолларни топишга муваффақ бўлади. Чунончи, Фахри Ҳиравийнинг «Ҳафт кишвар» достони ўзининг рабзий маъномазмуни билан Ибн Синонинг

«Ҳайй ибн Яқзон» (Уйғоқ ўғли Тирик) ва Абулмажид Санойининг «Сайрул ибон илал маод» (Бандаларнинг сайр қилиб, ўз жойларига қайтишлари) асарларига ҳамда Дантенинг «Илоҳий комедия»сига ўхшайди, деган тўхтама келади. Ибн Сино қисасида мўйсафид Ҳайй ибн Яқзон — Ақли кулл рамзи, у адибни дунёни сайр эттириб, фалокатлардан сақланишни ўргатади, роҳат-фароғатга етаклайди. Фахри Ҳиравийда эса Ашрафиддин Ибн Туробга манзил ва кишварларни айлантириб чиқади, уни тарбиялайди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Америка миллий телевизион компанияси Эн-би-си муҳбири Том Брокау билан қилган суҳбатида Совет Иттифоқи — жаҳондаги нодир бир ҳодиса ўлароқ, 100 дан ортиқ миллатлар ва халқларнинг ҳамжамияти эканлигини тилга оларкан, фахрланиш туйғуси билан: Закавказье ва Ўрта Осиё халқлари жуда кўхна тарихга эга, деб айтди.

Нажмиддин Комиловнинг илмий ишлари Ўрта Осиёнинг ана шундай кўхна маданият ўчоқларидан бири ҳисобланмиш Хоразм таржима мактабининг XIX аср тарихини чуқур ёритиш билан бугунги илм-фанимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.



#### ТАМАКИ ЧЕКИШ КУЛФАТ КЕЛТИРАДИ

Аргентинада ноябрь кунларидан бири Соф ҳаво кун, деб эълон қилинди. Соғлиқни сақлаш министрлиги ва рақ касалига қарши кураш лигаси аргентиналикларни худди шу кунни тамаки чекишни тарк этишга ундади. Радио ва телевидение орқали никотиннинг зарари тўғрисида эшиттиришлар берилди. Уқув юртларида ва корхоналарда кашандаларга ёрдам бериш мақсадида ана шу ёмон одатни ташлашга чақирувчи курслар иш бошлади. Маълумотларга қараганда, мамлакатда бир йилда тамаки тутундан 40 минг нафардан ошмироқ одам вафот этмоқда. Кашандалар асосан рақ, инфаркт, ошқозон касалликлари билан оғрийдилар. Мутахассислар хулосасига кўра, кашандалар атрофдагиларни, шу жумладан, ўша чекилган бинода бўлганларни ҳам ана шу касалликларга дучор этишар экан.



# ОРОЛ АМАЛИЙ

## МАДАД КУТМОҚДА

\* \* \*

Хурматли редакция!

Қўлимга қалам олиб, шу мактубни ёзишга Орол денгизининг қисмати ундади. Анча вақтдан буён журналлар ва газеталар саҳифаларида Орол денгизининг ер юзидан йўқолиб бораётганлиги ҳақидаги изтиробли қалб сўзларини ўқиб бораман, лекин бирор жойда гапдан ишга ўтилганини кузатмай, жуда хавотирдаман.

Табиат инъом этган улкан оби-ҳаёт манбаи инсоннинг лоқайдлиги туфайли ҳалокатга маҳкум бўлди. Лекин керак бўлса, инсон нима-ларга қодир эмас, ҳамма нарсага қодир, деб ўйлайман ва ишонаман. Катта Фарғона каналининг қирқ беш кунда қурилганини эсланг. Шу жумладан, Оролни сақлаб қолишга ҳам қодирмиз. Доно халқимизнинг «Денгизга томчи мадад, арқонга қил мадад», деган мақоли бежиз айтилмаган. Бас, шундай экан, диёримизда «Бир томчи сув Оролга!» деган шиор остида амалий иш тутасан. Мавсумий сугориш ишлари тугаши билан ёз ва қиш фаслининг охирида ҳар қандай қийинчиликни зиммамизга олиб, келажак авлодимиз олдидаги бурчимизни адо этсак, яъни Оролга бориб қуйилиши имкони бўлган ҳар қандай дарё ва ирмоқлар сувларини нажот сўраб турган Оролга оқизиш тадбирини таклиф этардим.

Ўзим мактаб хизматчисман. Тўққиз фарзанднинг онасиман, ёшим қирқ олтида. Орол фожиаси — менинг фожиам. Шунинг учун оз бўлса-да, бир ойлик маошимни Орол фондига ўтказишга жазм қилдим. Салом билан,

**Ҳидоят ЭШБЕКОВА,**  
Сирдарё область, Боевут район,  
«Коммунизм» колхоза, 1-участка

\* \* \*

Мен Қайроққум денгизидан 35—40 километр ғарб томонда Пролетар районида яшайман. Аввал посёлканинг Жданов кўчасида истиқомат қилар эдик. 60—70-йилларда ҳовлимиздан зах сув чиқиб, барча экинлар қуриди. Уйларни ҳам зах босиб кетди. Кейин кўчдик. Отамнинг айтишларича, илгари, ҳовлини ўн метр қазиса ҳам бир қатра нам чиқмас экан, Қайроққум қурилгач, ҳамма ёқни зах босиб кетибди. Демак, Қайроққум ГЭСи қурилгандан кейин, шу денгиз атрофига сув ёйилган.

Пролетарда «Шаббода» кафесига етмасдан Сассикбулоқ деган жой бор, илгари шу ердан чиққан сув билан уч ярим гектар ер сугорилган, ҳозир бу ерда «Родник» насос станцияси қурилган ва шу сув билан қарийб бутун Пролетар районидаги ерлар сугорилади. Сассикбулоқ сувининг дарё сувида фарқи йўқ. Юқорироқда Тўнғизкўприк деган жойда ҳам худди шундай аҳвол. Демак, биз кетма-кет сув омборлари қуриб, дарё сувининг жуда катта қисмини нафақат йўқотиб зиён қилаяпмиз, балки шу омборлар атрофидаги минглаб гектар ҳосилдор ерларни ишдан чиқараёпмиз. (Зах босиш, шўр босиш ва ҳоказолар.)

Менинг фикрим шундай: Оролга сув керак бўлса, барча ГЭСларни ишлатиш учун керакли миқдордаги сувни чоғроқ сув омборида сақлаб, қолганини Сирдарёга қуйиш жўяли бўлар эди. Ахир, Амударё ва Сирдарёга қурилган сув омборларидан ер қаърига сингиб кетаётган

сувлар ҳам яқин битта дарёни ташкил қилиб қолар?!

**Б. ҚУШМУРОДОВ,**  
Пролетар район, 13-ўрта мактаб ўқитувчиси

\* \* \*

Оролнинг тақдири мени ташвишлантирмоқда. Кўп вақтдан буён Орол ҳақида ёзилган мақолаларни ўқиб келмоқдаман. Денгизимиз қуриб қолса, бизнинг жонажон Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон республикалари, Қорақалпоғистон АССРнинг аҳволи нима бўлади? Уйлайманки, қардошларимиз ҳам бундан ташвишланаётган бўлсалар керак.

**Ч. МАМАШАРИПОВ,**  
Тошкент область, Тошкент райони

Хурматли редакция! Мен Оролни кўрмаганман, лекин газета ва журналлардан Оролни сақлаб қолиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни ўқиб, хулоса чиқардим. Бизнинг номимиз, танимиздаги қонимиз, жонимиз ҳам Оролга боғлиқ экан. Гапнинг очигини айтганда, эътиборсизлигимиз орқали Орол фожиага юз тутибди. Бир куч сарфлаб, уни ҳалокатдан сақлаб қолайлик. Токи, у табиатга заррача ҳам зиён келтирмасин. Келгуси авлодимиз бизни ожиз ва нотавон инсонлар сифатида хотирламасин.

**Маҳмуд ИСЛОМОВ,**  
Қашқадарё область, Китоб район,  
Обиканда қишлоғи

\* \* \*

Салом редакция! Мен «Гулистон» журналининг 1-сонидан Оролни сақлаб қолиш ҳақидаги мақолаларни ўқидим ва шундай хулосага келдим. Мен ҳам, сизларга катта умид билан ёзаяпман. Ўзим 7-синф ўқувчисман. Менимча, Амударё ва Сирдарё сувларининг Оролгача етиб боришига эришиш керак.

**Асадулла ИҶЛЯХШИЕВ,**  
ўқувчи

\* \* \*

Азиз дўстлар!  
Ассалому алайкум!

Менга «Гулистон» журналининг шу йилги 1-сонидан бир нусха юборингизлар. Унда эълон қилинган «Орол мадад кутмоқда» умумий сарлавҳаси остида берилган мақолалардан Орол денгизи ва Балхаш кўли муаммолари устида олиб бораётган тадқиқотимда фойдаланиш ниятидаман.

Сизларга катта раҳмат.

**Собитғози АҚАТОЕВ,**  
тарих фанлари кандидати  
Қозоғистон ССР

### Яна динозаврлар ҳақида



Американинг Монтано штатидаги университет ходими — палеонтолог Жон Хорнер тоғдан футбол тўпи катталигидаги динозавр тухумларини топишга муваффақ бўлди. Мутахассислар тухумларнинг ёшини 75 миллион йил деб белгилашмоқда. Текшириш чоғида улар тухумларда динозаврларнинг эмбриони скелети тўлиқ сақланганлигини маълум қилдилар.

Энди динозаврлар ҳақидаги саволларнинг сони яна бир мунча кўпаядиган бўлди. Масалан: «Улар судралиб ёки ўрмалаб юрадиган ҳайвонларга яқинми ёки ҳозирги қушларгами?»

Қўлга киритилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, янги турилган динозаврлар «уйларини» — тухум пўчоғини ёриб чиққан заҳоти тарк этишган.

Тухумларнинг 12 та ёки 24 тадан иборатлиги, устига спиралсимон қилиб хашак ёпилганлиги, марказда эса бир дона тухумнинг тик туриши — мутахассислар учун ҳамон жумбоқ бўлиб қолмоқда.

### Абулҳавлнинг жумбоғи

Санта-Барбар (АҚШ) шаҳридаги университет археологлари муҳим кашфиёт қилдилар. Улар Калифорниядаги чўмилиш жойларидан бирида кум остида қолиб кетган Миср Абулҳавлини топдилар. Кўп ўтмай, бу ерга қадимги Миср маданияти мутахассислари етиб келдилар. Қазини ишлари давомида ибодатхона, сарой, ҳайкалчапар қолдиқлари қўлга киритилди.

Бирок, бу топилдиқлар илм аҳлини таажжубга солмади. Чунки ҳозирги Америка саҳнида қадимги мисрликлар бўлган, деган эҳтимоллар беҳуда эди.

Мутахассислар бу нарсалар XX асрда тайёрланганлигини аниқладилар. Энди: «Ким томонидан?» ва «Қачон?» деган саволлар кўндаланг бўлиб қолди. Маълум бўлишча, режиссёр Сесиль де Миль 1923 йилда бу ерда фильмни суратга олиб бўлгач, бу, махсус ишланган безаклар ва турли ашқолдашқолларни бўлгуси археологлар учун «кутилмаган совға» сифатида кўмдирган экан. Уйиндан ўқ чиқишига бир баҳя қолди!



**Б**ИРИНЧИ БЎЛИБ ўрмондан йўл, тоғдан сўқмоқ очган одамга қийин. Илк бор саҳродан ўтган, илк бор сирли денгиз тубига тушган, илк бор ойга учган одамларга қийин. Лекин биз тоғ бағридаги раvon йўлдан юқорига кўтарилаётганимизда, ҳансираган бепоён саҳро бағрини поездда кесиб ўтаётганимизда, тангадек офтоб тушмайди-ган ўрмон орасидан автобусда кетаётганимизда хилват ва гўзал манзараларга қараб, табиатнинг азалий улугворлиги ва сеҳридан ҳайратланамиз. Бироқ оёғимиз остидаги йўлни илк бор ким очганини ҳеч вақт ҳаёлимизга келтирмаймиз. Гўё бу йўллар азалдан бордек...

Ғулмоққодир Эргашев афғон рубобини биринчи бўлиб қўлига олди, профессионал ижрочи сифатида танилди. 1971 йили ёшлар ўртасида халқ чолғу асбоблари бўйича ўтказилган Биринчи республика конкурснинг дипломанти, 1974 йилда Иккинчи республика конкурснинг лауреати, 1977 йилда эса Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати бўлди. Ҳозир Тошкент Давлат консерваториясида афғон рубоби классификациясида дарс бермоқда. Бироқ мана шу даражага етишгунча, эҳ-ҳе... қанчадан-қанча машаққатлар, изланишлар, уйқусиз кечалар, не-не галабаю марғубиятлар, гоҳ умидсизлиги гоҳ ишонч туйғуларини бошидан кечирмади дейсиз!

У илк бор 1956 йилда — Тошкент шаҳар Ракат маҳалласидаги 73-бошланғич мактабнинг 3-синфида ўқиётганида қўлига рубоб олди. Тошкент Тўқимачилик комбинатининг Маданият саройидаги халқ чолғу асбоблари тўғарагида рубоб чалишни ўрганди. Орадан икки йил ўтгач, тўғарак раҳбари унга Надеждин номидаги махсус етти йиллик музика мактабига йўлланма берди. Бу ерда ҳам музикадан икки йил таълим олгач, уни ўқитувчилари Глиэр номидаги республика музика мактаб-интернатига ўқишга юборишди. Тошкент Давлат консерваторияси ўзбек халқ чолғу созлари кафедрасининг мудирини, профессор Ашот Петросянц билан илк бор учрашуви Ғулмоққодирнинг истиқболини ҳал қилиб берди: ўшанда у «Дутор баёти» куйини рубобда чалган эди. Куй тугагач, А. И. Петросянц ва музика раҳбари Фаррух Мирусмонов уни олиб қолишиб, бошқаларга ижозат беришди.

— Рубобни яхши чалдинг. Завқинг дуруст. Хўш... афғон рубобини биласанми?

— Йўқ.

— Мана бу — афғон рубоби бўлади. Ҳозир мамлакатимизда

бу сознинг махсус синфи йўқ. Лекин бу чолғу асбоби Бухоро, Тошкент, Сурхондарёда кенг тарқалган. Созандалар уни халқ услубида чертаверишган. Унинг нотаси яратилмаган. Бу синфни очиб учун биз сенга ўхшаган иқтидорли ёшларни топишимиз керак. Хуллас, сен тўрт йилда — Глиэр номидаги мактабни тугатгунингча шу рубобда ўзбек ва шарқ куйларини, ўзбек совет композиторларининг асарларини, рус, чет эл ва Европа классик асарларини афғон рубобидида ижро этишни ўзлаштириб, бунинг мумкинлигини исботлаб берсанг, биз консерваторияда шу соз синфини очардик, — деди. Шу тариқа у тўрт йил мобайнида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳамид Шамсиддиновдан афғон рубобидида куй ижро этишнинг сир-асрорларини ўрганди. Оркестр билан Озарбойжон, Грузия, Эстония, Латвия, Литва, Арманистон республикаларида бўлиб концертлар берди. Мактабни битириши арафасида — давлат имтиҳонларида консерваториянинг бир гуруҳ ўқитувчилари ўқувчиларнинг ижрочилик маҳоратини баҳолашга келишди. Комиссия раиси А. И. Петросянц имтиҳондан кейин унинг елкасига оҳиста қо-

## СОЗАНДА

қиб: «Баракалла! Энди сен консерваторияда махсус тузилган афғон рубоби синфининг биринчи қалдирғочи бўласан», деди.

1964 йили Ғулмоққодир Эргашев консерваториянинг афғон рубоби бўйича биринчи талабаси бўлди. Профессор Ф. Н. Васильев синфида шуғулланди. Орадан икки йил ўтгач, консерватория студентлари орасида халқ чолғу асбоблари бўйича ўтказилган кўрик ғолиби бўлди. Созанданин ижрочилик маҳоратини янада ошириш мақсадида уни Москвага ўқишга юборишди. У Гнесин номидаги Олий музика педагогика билим юртида профессор П. И. Нечепоренко раҳбарлигида ҳамда Н. А. Римский-Корсаков номидаги Ленинград консерваториясида афғон рубоби ижрочилиги бўйича таҳсил олди. Ниҳоят, Тошкентга қайтиб, 1969 йили консерваториянинг афғон рубоби синфини муваффақиятли тугатди. ЎзССР Давлат филармониясида ишлади. Радио ва телевидение кўрсатувларида фаол иштирок этди. Йирик концертларда қатнашди. Тамарахоним ва Ҳалима Носирова концертида афғон рубоби билан уларга жўр бўлди. Республикаимиздаги машҳур санъат арбоблари — академик Юнус Ражабий, Дони Зокиров, В. Ф. Гиенко билан муттасил ижодий мулоқотда бўлди.

1975 йили Тошкент Давлат консерваторияси аспирантурасига кирди. Уни тамомлаганидан кейин ҳозирги кунга қадар афғон рубоби бўйича ёшларга таълим бериб келмоқда. Айни пайтда ўз ижрочилик маҳоратини ошириш йўлида муттасил меҳнат қилмоқда.

...Мана, Ғулмоққодир рубоб кўлини бироз сошлаб, торлар сасини тинглаб, бошини дадил кўтарди-да, узоқларга тикилиб, «Гуллар рақси» куйини черта бошлади. Кўзимни юмдим. Ногаҳон ҳаёлим гўшасида тоғлардаги қорлар ирмоқларга айлана бошлади, ирмоқлардан шўх сойлар вужудга келдию, воҳага етганда қудратли дарё бўлиб, икки соҳил аро ўзанига сиғмай қирғоқларига сапчиди, она-юрт бағрига мажнунтол сочларидай ёйилиб сингиб кетди. Бепоён боғ-роғлардаги ўрик дарахтларидан ҳад-ҳисоб-



сиз нопармон гуллар бўлиб боқди, лоззорларда қип-қизил олов бўлиб ёнди.

«Гуллар рақси» — аста-секин авжга чиқадиган куй. У — ҳар бир кўнглининг ҳаётга, бахт ва муҳаббатга бўлган азалий интилиши, орзу-армони... Рубоб тори гоҳ йиғлайди, гоҳ шўх янграйди, гоҳ маънос наво таратади, гоҳ мағрур жаранглайди...

Ғулмоққодир Эргашев халқ қалбига ниҳоятда яқин бўлган ўзбек классик куйларидан «Садо», «Еқут», «Фасли баҳор», «Дилхирож», «Туркман эшвойи», «Курд»ни, Матниёз Юсуповнинг афғон рубоби учун махсус яратилган куйларини, афғон бастакори Уста Муҳаммад Умарнинг «Гуллар рақси»ни, тожик халқ куйларидан «Сараҳбори Кўҳистон», «Ғамзуда» куйларини завқшавқ ва ўткир маҳорат билан ижро этади.

\* \* \*

Бир гал Ғулмоққодирнинг дилкаш суҳбати, рубобидан таралувчи оромбахш куйларини соғиниб, уни излаб уйига бордим. У Юнусободда яшар экан. Саломаликдан кейин, оёқ кийимимни ечаётган пайтимда даҳлиздаги

одми пояндозга, рўпарадаги меҳмонхонаниннг рангсизгина гиламига, деворга қадалган қора пианинонинг қўл билан очилиб-ёпиладиган қопқоғининг локи кўчган жойига зимдан нигоҳ ташладим. Бироз кўнглим чўқди. Зеро, истеъдодли созанданиннг хонадонини ҳам мен гувоҳи бўлган кўпгина санъаткорларникидек даб-дабали, деб ўйлаган бўлсам керак. Бироқ беш фарзанд яшайдиган бу уйнинг жиҳозлари ўн беш йиллардан бери тугилиб, анча оҳори тўкилган бўлса-да, лекин улар озода, саришта ва нимаси биландир музейдаги кўҳна ва қадрли ашёларни эслатар эди.

Ўсмоқчилаб гапни узоқдан бошладим:

— Ғулмоққодир, сиз тўйларга қатновчи отарчиларга қандай қарасиз? Улар, чамамда, пулни яхши топишади?

— Ҳа, отарчига айланган «санъаткорлар»нинг пичоғи мой устида. Улар орасида шунақанги дидсиз, маданиятсиз, маънавий дунёси пуч «санъатбоз»лар ҳам топиладики, улар ҳатто эр-хотин қоронғи уйда бир-бирига айтишдан уяладиган беибо сўзларни ҳам қўшиқ қилиб айтаверишади. Тўйда ўтирган айрим андишали одамлар ор қилиб бошларини эгишса, айрим маст бўлиб олган ҳаёсиз одамлар: «Вой-дод, барака топинг!» деб хушомад қиладилар. Аслида бундай «санъат мухлислари» дидсиз, маънавий дунёси ғариб одамлардир. Мен ана шундай отарчиларни санъаткорлар қаторига қўша олмайман. Уларнинг мақсади битта: пул топиш!.. Пул деб, одам ўз санъатини, илму маърифатини, йиллаб топган обрў-эътиборини хор қилиши керакмас-да! Санъат — агар у ҳақиқий санъат бўлса — пулдан, ҳар қандай дабдаба-ю ҳашамдорликдан устун туради. Шунинг учун ҳам булбул олтин қафасда сайрамайди.

Созанда афғон рубоби садолари тобора баландроқ ва тиниқроқ янграшини истайди. Шу мақсадда у афғон бастакори Уста Муҳаммад Умарнинг «Гуллар рақси» куйларини йиғиб, қайта ишлаб, ноталари билан Ғафур Ғулмоққодир номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп эттирди. Ўзбек, тожик, афғон араб, грузин халқ куйларини ёзиб олди ва қайта ишлади. Буюк композиторлар Глинка, Чайковский, Моцарт, Григ, Лист асарларини афғон рубобидида ўзига хос такрорланмас оҳангларда ижро этди. Афғон рубобидида ижро этиш учун ўзи тўплаган ва қайта ишлаган ҳамда бошқа муаллифларнинг асарларини жамлаб иккита тўплам тузди. Матбуотда афғон рубоби ҳақида ўнлаб мақолалар эълон қилди.

Халқ севган санъатнинг умри боқий, халқ назарига тушган санъаткорнинг ижоди эса ҳар қандай диққат-эътибор ва қадриятга лойиқдир.

Йўлчи АХМЕДОВ





# «ТАКВОДОР»

## ЙИГИТ

Гўшт дўқони, илгакдаги гўшт яқинида йўғон, мўйловдор йигит тик турибди. Бурчакда ўспириномол туёғининг терисини шилмоқда.

**ЙИГИТ.** Қассобликда ҳикмат кўп, ўғлим. Сен бўлсанг, поччаннинг гапига кириб, институтга ўқишга бораман деб юрибсан. Ўқиганларнинг кўпини биламан, ҳамёни пуч юради. Мактабда мен ҳам тишимнинг кирини сўриб юрардим. Қаноранинг тагига келдим у жоним кирди-қолди. Мана, хонлар ҳавас қилса арзигулик рўзгоримиз, «Волга» миз бор. Шоҳона касб — қассоблик! Харидорни гап билан кишанлаб ташлашни ҳам, «устама мукофот» инъом этиш»ни ҳам даданг ўргатади.

**ОТАМИРЗА.** Мол-қўйнинг «запчастъ»ларини нега «устама мукофот» деб айтасиз?

**БОЙМИРЗА.** (Кулиб). Бобонг раҳматлик гўшт ичида кетадиган «илова»сини «устама мукофот» дерди. (Қаршидан келган аёлга). Келинг, синглим. Қанча тортай? Бир кило дедингизми, хўп бўлади. Бисмиллоху раҳмону раҳим (Гўштга пичоқ солаётиб Отамирзага шивирлайди). Менга қараб тур, кўзинг пишади. (Энламини кенг олиб юқоридан пастга кесиб тушади. Юпқа гўшт тасмасини чап қўлида тутиб, харидорга кўрсатади). Маъқулми, синглим? Андак суяк бор, холос. (Гўштни силтаб пастга туширади. Унг қўли билан тарозининг панасидаги «устама мукофот»дан олиб, гўшт тасмаси орасига ўрайди, тарозига зарб билан ташлайди. Гўштни абжирлик билан қозога ўрайди). Сеткани опкелинг. Марҳамат. (Кўзойнак таққан, саллалани чол келади). Қанча тош қўяй?

**ЧОЛ.** (Беш сўмлик узатиб.). Шунга яраша юмшокроғидан берсангиз.

**БОЙМИРЗА.** Эрталаб сўйдим. Бомдод номозидан турдим у оллодан оқ фотиҳа тилаб пичоққа қўл урдим. Соннинг ўзи қолди, отагинам. Бир маза қиладиган бўлдиларинг. Эй, парвардигори олам, имонимни баркамол сақла. (Гўшдан лентга олиб қариянинг кўзига рўпара қилади). Мана, падари бузрукворим.

**ЧОЛ.** Кўз хира, йўлни аранг илғайман. Инсофни ўзингизга берсин. Тунов куни бир қассобдан гўшт олсам, ярми суяк билан чандир чикди.

**БОЙМИРЗА.** Вой, ноинсоф падарлаънати-ей! Сиздай нуроний қарияга шунақа қиладими?.. Биз унақа номард ҳаромхўрлардан ҳазар қиламиз. Раҳматли дадам пичоқ билан қайроқни бизга топшираётиб, астойдил васият қилганлар. «Покдомон, такводор бўл, гўримда тинч ётай», деган

лар. Волидамиз: «Сахийлик умрбод йўлдошинг бўлсин, кўчадан бир танга топиб олсанг, эгасига уч танга қўшиб қайтар», дердилар. (Ўғлига шивирлаб) Тил ёки юракдан қолганми?

**ОТАМИРЗА.** Тугаган.  
**БОЙМИРЗА.** (Ўғлига шивирлаб). Талоқ ёки буйракдан ҳам қолмаганми? Упкадан кес, бўлмаса. (Упка парчасини гўштга ўраб тарозига ташлайди.) Ана, огири сизга сийлов. Худо — пошшо эгам, қайтарар. (Гўштни чолнинг рўмолчасига тугади.) Мана, отагинам, тариқча ҳам суяги йўқ. (Чол кетади. Бошқа мижоз кўринади.)

**НУРМАТ АКА.** (Тараддуланиб). Шу... уч кило гўшт зарур бўлиб қолди, укам. Пул озроқ эди, келгуси ҳафтагача насияга...

**БОЙМИРЗА.** (Гапни бўлиб). Келгуси ҳафта нима экан, менга қолса неварангизнинг тўйдан кейин беринг. (Гўшт тортиб узатади.) Соннинг ўзи-я, ўзи! Қани, халтани очинг!

**НУРМАТ АКА.** (Халтачани очиб). Раҳмат, иним (кетади).

**БОЙМИРЗА.** (Отамирзага). Калланинг хотима қисми ҳам кетди эгасини топиб. «Устама мукофотга» ниманг бор?

**ОТАМИРЗА.** Упканинг қолгани билан туёқ бор.

**БОЙМИРЗА.** Туёқ теридан халос бўлганми?

**ОТАМИРЗА.** Ҳа, «старт»га тайёр.

**БОЙМИРЗА.** Болта билан пачоқлаб тарозининг тагига — «старт» майдонига ташла. Бир зумда хўранданинг мулкига айлантириб юборамиз. Ана, туёқбоп бола келаяпти насибасини қидириб. (Яқинлашаётган йигитчага). Келинг, укагинам, хўш?

**ЙИГИТЧА.** Топилса, бир кило лаҳм керак эди.

**БОЙМИРЗА.** (Кулиб). Ие, вей! Сиз лаҳм сўрайсиз-у, қайси оғиз билан йўқ деймиз. (Чапдастлик билан гўшт тортади ва қозога ўраб узатади). Мана, мантини гуллатади, чучварани яшнатади.

**ЙИГИТЧА.** (Гўштни олиб). Чақаси қанча бўлади?

**БОЙМИРЗА.** (Тавозе билан). От билан туя бўлармиди, хўроз, атиги олти сўм.

**ЙИГИТЧА.** Мол гўшти олти сўм бўлмас-э. (Прейскурантга ишора қилиб.) Бунда тўрт ярим сўм дейилибди.

**БОЙМИРЗА.** Езув ўз йўлига. Аслида беш сўм, лаҳм бўлгани учун олти сўм.

**ЙИГИТЧА.** Кечирасиз (пул узатиб). Ҳа, майли. (Қозонни очиб.) Ия, манови туёқлар қаердан келиб қолди?! Шулар ҳам «лаҳм»ми?!

**БОЙМИРЗА.** (Четга). Идиши йўқ экан-да хумпарнинг. «Лўп»

этиб ташлаб берардим, вассалом эди. (Баралла). Акангиз ўргилгур, биларсиз, гўшт суяксиз бўлмайди, деган тиллога бергисиз матални мен чиқарганим йўқ-да.

**ЙИГИТЧА.** (Гўштни пештахтага ташлаб). Тишимиз пўлатдан эмас, туёқ ражишга ярамайди. Қайтаринг пулни.

**БОЙМИРЗА.** (Тўнғиллаб). Пулни бермайман ҳам, гўштни олмайман ҳам.

**ЙИГИТЧА.** (Ўйлаб). Хўп берманг (Гўштни олиб кетади).

**БОЙМИРЗА.** (Саллалани чолнинг қайтиб келаяганини кўриб). Ие, вой, имонсиз-ей, кўзим кўрмайди, деб эди-ку!

**ЧОЛ.** (Гўштни пештахтага қўйиб). Мен гўшт сўраган эдим. Наҳотки, ўпка берсангиз! Уят эмасми!

**БОЙМИРЗА.** Упка? (Гўштни титкилаб.) Қани ўпка? Бу жигарку, отахон. Жигарнинг ён қисми ўпкага ўхшашроқ бўлади. (Гўштни қайта узатади). Олинг, отахон.

**ЧОЛ.** Ўзингизга буюрсин.

**БОЙМИРЗА.** Унақа ношукур бўлманг-да! (Бояги гўшт харид қилган йигитча ва милиционернинг келаяганини кўриб бақрайиб қолади. Сўнг чолнинг гўштини юлқиб олади ва пештахта остига тугади). Манг пулингиз, дарров йўқолинг (Ўзича). Вой, итвачча-ей, бошлаб келаяпти-ку милиционерни! Янги участкавий шумикан?!  
**ЧОЛ.** (Пулни олиб, ҳайрон). Во ажаб! (Милиционерга кўзи тушиб). Ҳм, гап бу ёқда экан-да! Қани, бир чеккада тураверай-чи, нима бўларкин?

**БОЙМИРЗА.** (Ваҳима ичида). Отамирза, югур уйга, аянга айт. Медалларини тақиб, тез этиб келсин. Милиция босди, дегин.

**ОТАМИРЗА.** Қайси медалларини?

**БОЙМИРЗА.** (Юраги торлик қилиб). Қайси бўларди, сизлар туғилганда олган медалларини-да! Жағини обдан қайраб келсин.

**ОТАМИРЗА.** Хўп. (Кетади. Йигитча ва милиционер етиб келади.)

**МИЛИЦИОНЕР.** Салом алайкум.

**БОЙМИРЗА.** (Икки қўли кўксига пешвоз чиқиб). Ваалайкум ассалом. (Астойдил сўрашади). Қалай, тинч-омонмилар?

**МИЛИЦИОНЕР.** Раҳмат.

**ЙИГИТЧА.** (Гўштни пештахта остига ташлайди ва милиционерга боқади). Мана шу кишининг маҳсулоти манави «лаҳм»!

**БОЙМИРЗА.** (Елка қисиб). Тавба, нима гап ўзи?

**МИЛИЦИОНЕР.** Шу гўштни сиз сотганмисиз олти сўмга?

**БОЙМИРЗА.** (Сохта таажжубланиб). Астогфирилло! (Йигитчага). Укагинам, нималар деяпсиз

ўзи? (Милиционерга). Бу йигит сира-сира гўшт олгани йўқ мендан! Боя келди-да, «дружинникман», деди. Текинга гўшт сўради, бермадим. Зарурми бериб, бир этак болам бор. У-бу деб бирпас гижиллашдик. Шу билан кетди. Мана, ҳозир кўриб турибман...

**ЙИГИТЧА.** (Ҳайратдан кўзлари олайиб). Ёлгонни ямламай ютадиган одамни биринчи марта кўришим. Қойил-э...

**БОЙМИРЗА.** Гувоҳингиз борми? Йўқ бўлса, тухмат қилманг. Қонунда тухматчига алоҳида модда бор.

**МИЛИЦИОНЕР.** Демак, бу йигитчага гўшт сотмагансиз?

**БОЙМИРЗА.** (Кескин бақрайиб). Ўлай агар, сотганим йўқ! Ёлгон гапирсам, болаларимнинг мурдаси устида ўтирай!

**ЙИГИТЧА.** Бўхтон!

**БОЙМИРЗА.** (Йиғламсираб милиционерга). Жон ука, тепамда худо турибди, нима қиламан охиратимни куйдириб! Оллонинг мўмин қулиман, садоқатли қулиман!..

**ЙИГИТЧА.** (Нафасини ичига тортиб). Ҳий... Вой, қасам ургур-ей!

**БОЙМИРЗА.** (Йигитчага ўшқириб). Қой, тирранча, мени нега ҳақорат қилаяпсан! Отанг тенги одамман. Ҳақорат қилгани уялмайсанми?

**ЙИГИТЧА.** Ўзингиз ҳақорат қилаяпсиз! Бўхтончи!

**МИЛИЦИОНЕР.** (Елка учуриб). Ажаб. (Боймирзага шубҳали назар ташлайди).

**БОЙМИРЗА.** (Кўзлари безовта). Менга ишонинг, укам. Ҳақиқатгўй, ақлли, ҳалол йигитга ўхшайсиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг, шу ёшимда ёлгонга сажда қиламанми?! Бошқа қассобдан олиб...

**ҚУШНИ ҚАССОБ.** Тагин нима галва! (Боймирзага). «Бошқа қассоб, бошқа қассоб», деб қолибсан! Ахлатингни нукул биз томонга супурганинг супурган экан-да!

**БОЙМИРЗА.** Сен аралашма, Собир! Қайси гўрдан чиқиб келдинг!

**СОБИР.** (Гўшт устидаги туёқларни кўриб). Бунга сен сотгандирсан?

**ЧОЛ.** Мен ҳам шу фикрдаман. Менга ўпка сотди.

**ЙИГИТЧА.** (Енгил тортиб). Бормисизлар-э! Раҳмат-э!

**МИЛИЦИОНЕР.** Упка қани?

**ЧОЛ.** Олдин сотди, кейин сизларни кўриб сотиб олди. Пештахта остига яширди чамамда.

**МИЛИЦИОНЕР.** Шунга эртароқ айтмайсизми? (Ичкарига шўнғийди).

**БОЙМИРЗА.** (Дўқонига югуради ва милиционернинг чўнтагига пул тугади). Жон ука, (пичирлаб) келишиб қўяқолайлик. Камига



қарздорман. Ҳақил нодонлик қилиб... Иккинчи тақрорланмайди. Мендан ишқаллик чиқса, онам хотиним бўлсин.

Милиционер чолнинг гўшти устига ўпканинг қолган қисмини қўйиб ташқарига чиқади, уларни йигитчанинг гўштига жуфтлайди. Чўнтагидаги Боймирзанинг пулини олади ва турганларга кўрсатиб санайди.

**МИЛИЦИОНЕР.** Эллик сўм экан (*Боймирзага*). Хўш, энди нима дейсиз?

**БОЙМИРЗА** (*ерга тикилиб*). Шайтоннинг гапига кириб...

**СОБИР.** (*Зардаси қайнаб*). «Шайтон» дейди-я! Тарози палласининг тагига беш тийинлик чақа тикиб қўйишни шайтон сендан ўргансин! Гўшт комбинатидан суяк келтириб, гўштга омухта қилишни шайтон сендан ўргансин!

**СОБИР.** Бу чарвини ўрашдан олдин унинг ҳар қавати орасига қалин туз сепади. Думбага йирик туз тикади. Қарабсизки, уч тийин етти сўмни етаклаб келади. Сиз билмайсиз, янгисиз. Тузоғига илинганлар дўконига қайта яқинлашмайди. Шу атрофда учта қас-собхона бор. Уларга гўшт баъзан етиб келмайди, терининг устида тугаб кетади. Буники эса ҳафта-лаб пашшага макон бўлиб ётади. Боз устига, бошқа қасобларни маломатга қўяди. Милиция билан санстанциянинг акт бланкаси, (*Боймирзага ишора қилиб*) бунинг тавба-тазарруси намунча кўп экан!..

**МИЛИЦИОНЕР.** Хўп, ҳамма гапни милицияда гаплашамиз. (*Боймирзага*) Қани, калитни беринг.

**БОЙМИРЗА.** (*Талвасага тушиб*). Йўқ, йўқ, ўзим бекитаман, ўзим! (*Беркилади*). Айланай укам, пулларини қайтиб бераман. Шу жойда тинчителиб қўяқолсак, штраф олинг, қанча олсангиз мен рози. Ёпиғли қозон ёпиғлигича қолсин. Илтимос, иккинчи бунақа бўлмайди.

**МИЛИЦИОНЕР.** Қани, жўнадик ёппасига.

**ЧОЛ.** (*Боймирзага*). Бай, бай, бай! Садқаи одам кетинг-е! Қат-қат қорин, янги туғилган қўзининг шилимшиқ йўлдошию эчкининг елини қолибди сиз пулга чақмаган! Оббо, «тақводор-эй!»..

**СОБИР.** Ҳа, қўйиб берсангиз, қайнонасининг йиртиқ махсисини сувга ивитиб қанорага илишдан ҳам тоймайди!

**ЙИГИТЧА.** Одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши-е!

**МИЛИЦИОНЕР.** Илтимос, бас қилинглр, ҳар қанча гап бўлса, милицияда бафуржа гаплашамиз.

**БОЙМИРЗА.** (*Кўлларини кўксига қўйиб милиционерга илтижо қилади*). Мен, мен...

**МИЛИЦИОНЕР.** (*Қатъий*). ҳеч қанақа гапга ўрин йўқ. Утинг олдинга. (*Барча йўлга тушади. Олисдан аёл кишининг фарёди эшитилади*).

**ОВОЗ.** Вой-дод! Зўравонларнинг дастидан дод! Медалли онанинг эрини қақшатганларнинг дастидан дод!..

П а р д а

# ЛАГАНБАРДОРГА

Боймирзо УМРЗОҚОВ

Қорани оқ дейди бемалол,  
Қуллуқ қилиб топади «камол»,  
Гап ташийди «ғизғизон» мисол  
Сал амали кўтарилса, бас!

Ростлантларар ўз ёлғонини,  
Тўлдиради гоҳ ҳамёнини,  
Езиб текин дастурхонини  
Бошлиқ дилин овлаб турса, бас!

Салом берар таъзим-ла илдам,  
Учраб қолса кучугига ҳам,  
Идорада мажлис бўлган дам  
Хўжайин бир мақтаб қўйса, бас!

Эгри йўлда маҳоратини,  
Кўрсатади садоқатини,  
Сотса ҳамки диёнатини  
Амалидан ажралмаса, бас!

Ётар имо этса хўжайин,  
Турар ҳимо этса хўжайин,  
Кўтарилиб кетса хўжайин —  
Ўз ўрнига қўйиб кетса, бас!

## ЧАҚИРТИКАНАК:

Энди менга қулоқ бер, жўра,  
Юрагимда сирқирар торлар.  
Амалпараст бошлиқдан кўра  
Даҳшатлироқ лаганбардорлар!

Наманган

## Латифа

Бир ўпкаси йўқ танқидчи осмон-  
га қараб Афандидан сўради:

— Насриддин, мабодо бошинг  
иккита бўлса, биттасини нима  
қилардинг?!

— Савол берган аҳмоққа  
совға қилардим,— деб жавоб бер-  
ди Афанди.

А. ИСОМИДДИНОВ



— Уйни бу ҳолда қабул қилолмаймиз...  
— Ахир, биз сизларни уч кун олдин ча-  
кирган эдик-ку!

Ш. Абдуллаев расми

# ДИЛДАГИ ГАПЛАР

\* \* \*

Омад қушин тузоқ билан овлаб бўлмас.

\* \* \*

Жаҳолат бандаси — одамнинг газандаси.

\* \* \*

Илм аҳли — камол топар,  
Бахт ила иқбол топар.

\* \* \*

Номард дилга гард юқтиради.

\* \* \*

Ким элга гар этса хиёнат,  
Омон қолмас, ундай бедийнат.

\* \* \*

Иғвогару фирибгар — қилмиши  
элга зарар.

Тўпловчи: Рустам БОБОЖОНОВ

## Ўқир-Ўқир!

«Гўшт комбинати эшиги ёнида  
мудраб ётган қоплон ташмачининг  
қўйнидан чиқиб турган гўштга кўз  
қирини ташлади-да, «аттанг» де-  
гандай чуқур хўрсиниб, ширин уй-  
қуга кетди».

[Ҳаваскор қаламкашнинг  
лавҳасидан]

\* \* \*

«Тишим оғриб поликлиникага  
борган эдим, аёл доктор оғзимни  
ланг очиб, лунжларимга пахта тик-  
ди, кейин ким биландир гаплашиб,  
йўқ бўлиб кетди. Маълум бўли-  
шича, у магазинга туфли олгани  
чиқиб кетган экан. Бир соатча оғ-  
зимни юмаолмай турдим».

[Беморнинг шикоят]

\* \* \*

«Туғруқхонада ҳамширалар ту-  
ғилган ўғилчамни тортганда 4 кило  
200 грамм тош босибди, контроль  
торозида тортиб кўрсам, 4 кило-ю  
600 грамм чиқди. Ноинсофлар 400  
грамм уриб қолибди».

[Магазин сотувчисининг гинаси]

\* \* \*

«Иккаласи бир-бирига мос экан,  
айланай: қизингиз университетни  
битириб, универсамда ишлаётган  
бўлса, ўғлим қишлоқ хўжалик ин-  
ститутини тугатиб, сабзавот дўко-  
нида сотувчилик қилапти».

[Совчи бўлиб келган онанинг  
гапидан]


\* \* \*

«Мен кроссвордга жуда қизиқа-  
ман. Утган куни идорада ҳамма  
зарур ишларни йиғиштириб қўйиб,  
«н» ҳарфи билан бошланиб, ўша  
ҳарф билан тугайдиган, икки то-  
мондан ўқилганда ҳам бир хил  
маъно берадиган сўзни топдим,  
«нодон» деган сўз чиқар экан, хе-  
хе-хе!»

[Бир илмий текшириш институтида  
ҳомуза тортиб ўтирадиган  
ходимнинг кашфиёти]

Рассом хандаси





Бу суратда Қуёш системасининг Галактикамиздаги ўрни кўрсатилган. Галактика нисбатан яссилиги сабабли ундаги юлдузлар бизга осмон гумбазидаги камбар ёруғ йўл (Сомон йўли) бўлиб кўринади. Бутун Коинотдаги сингари Галактикадаги масофалар ҳам Доплер эффекти ёрдамида аниқланади.



— Насриддин афанди чойхонадалар, латифанинг зўрини ўзимиздан эшитасиз...


И. Немцов фотоси  
(Габрово)

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Қишлоқ ҳақиқати» газеталари ҳамда марказий журналлардан фойдаланилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси, 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.



### ЧАЙНВОРД

1. Цирк санъати тури. 2. Машҳур доирачи, Ўзбекистон ССР халқ артисти. 3. Таниқли рус совет режиссёри, актёри ва театр арбоби. 4. Озарбойжон совет шоири ва драматурги. 5. Кинорежиссёр Л. Файзиев фильми. 6. Таниқли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. 7. Оммавий рақслардан бири. 8. Навоий газали билан айтиладиган қўшиқ. 9. Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 10. Тожики совет балетмейстери, СССР халқ артисти. 11. «Алишер Навоий» тарихий драмаси персонажи. 12. Ўзбек классик шоири. 13. Халқ рақс куйи. 14. Вино лойиҳачиси, мутахассис. 15. Илк ўзбек актёр аёлларидан бири, СССР халқ артисти. 16. Қорақалпоғистондаги ашула ва рақс ансамбли. 17. Ўзбек халқ мақомлари мажмуи. 18. Музика асари жанри. 19. Таниқли қорақалпоқ актёри, қўшиқ санъати намояндаларидан бири, СССР халқ артисти. 20. Куйнинг энг юқори чўққиси. 21. Серҳашам ўйма нақш. 22. Ўзбек бастакори, СССР халқ артисти. 23. Қаштачиликда қўлланиладиган чок турларидан бири. 24. «Алпомиш» достони қаҳрамони. 25. Ҳамза шеъри билан айтиладиган қўшиқ. 26. Классик куйлардан бири. 27. Мохир гимнастикачи, цирк артисти. 28. Бадий ёки илмий асар яратиш.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

### 5-СОНДА БОСИЛГАН «ЎЗБЕКИСТОН МАЪДАНЛАРИ» ЦИКЛОКРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. Оҳангарон. 2. Беруний. 3. Нефтобод. 4. Қоржонтов. 5. Андижон. 6. Кўрғошин. 7. Ҳамробоев (Иброҳим). 8. Алюминий. 9. Кальций. 10. Жуковский. 11. Вольфрам. 12. Олмалик. 13. Зарафшон. 14. Мармар. 15. Фируза. 16. Мурунтов. 17. Чортоқ. 18. Геолог. 19. Мушкетов. 20. Қандил. 21. Нефть. 22. Асфальт. 23. Қурама. 24. Шарғун.

### МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Ҳ. САНОЕВ. Дала кутубхонаси.

Бош редактор: МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎИДИНОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.


Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмаҳонага туширилди 19.04.88 й. Босишга рухсат этилди 19.05.1988. Р — 10786. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 165569. Вуюртма № 3294. А — 114.





Пахтазорда.  
Н. Муҳаммадҷонон  
фотолари







Ойна кўл. Р. Яруллин фотоси

Баҳоси 35 тийин  
Индекс 75233.